ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

Д.Э.ЛУТФУЛЛАЕВА

АССОЦИАТИВ ТИЛШУНОСЛИК НАЗАРИЯСИ

Монография

“MERIYUS”

ТОШКЕНТ – 2017

УЎК: 811.512.133’23
КБК:
Ассоциатив тилшунослик назарияси / Д.Э.Лутфуллаева. – Тошкент. 2017. – 140 б.

Монографияда ассоциатив тилшуносликнинг умумий масалалари, ўрганиш объекти, асосий тушунчалари, тилшуносликда тилга ассоциатив ёндашувнинг шаклланиши, ўзбек тилида вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши, ассоциацияларнинг хусусиятлари, таснифи, ассоциатив бирликларнинг нутқда бирга қўлланиши ва матн ҳосил қилишдаги ўрни, ассоциатив тажриба методи, ассоциатив луғатларнинг тузилиши, аҳамияти, ассоциатив тажриба материалларининг таҳлили каби масалалар ёритилди.

Монография тилшунос олимлар, тилшунослик илми билан шуғулланувчи тадқиқотчилар, магистрантлар ва талабалар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: **И.Йўлдошев,**
филология фанлари доктори,
профессор

Тақризчилар: **Ҳ.Дадабоев,**
филология фанлари доктори,
профессор

Д. Худойберганова,
филология фанлари доктори,
катта илмий ходим

Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (8-сонли мажлис қарори, 31.03.2017).

ISBN 978-9943-988-56-9

© “MERIYUS”, 2017 й.
© Д.Лутфуллаева, 2017 й.

СЎЗБОШИ

Тил серқирра моҳиятли мураккаб тузилишга эга лисоний тузилмадир. Инсон тилдан фойдаланишда унга ўз таъсирини ўтказиши, уни “ўз измига солишга” уриниши табиий. Ўз ўрнида тил ҳам инсон ижтимоий ҳаётини изга солишга ёрдам берувчи қудратли кучдир. Тил ва ундан фойдаланувчи шахс ўртасидаги бундай муносабатлар тилда ўз ифодасини топмай қолмайди, албатта. Тилшунослик фани серқирра моҳиятли тилнинг лингвистик хусусиятларини ўрганиш билан бир қаторда, тил ва унинг эгаси ўртасидаги мана шу муносабатларнинг тилда акс этиши масаласини ҳам таҳлил қилиши лозим.

Кейинги йилларда дунё тилшунослигида тилни ундан фойдаланувчи шахснинг нутқий фаолияти, руҳияти, ижтимоий ҳолати, ёши, жинси кабилар билан боғлиқ ҳолда ўрганишга, тилнинг инсон нутқий фаолияти жараёнида кузатилувчи функционал имкониятлари тадқиқига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида ўтган асрнинг охирида тилни шахс омили билан боғлиқ ҳолда ўрганиш методологиясига асосланган ва ўзига хос таҳлил усулларига эга антропоцентрик тилшуносликнинг турли йўналишлари ажралиб чиқди. Бугунги кунда когнитив тилшунослик, психолингвистика, социолингвистика, прагмалингвистика, лингвокультурология, этнолингвистика, нейролингвистика каби мазкур йўналишлар ўз тадқиқ объекти, предмети, аниқ қўйилган мақсад, вазифалари, таҳлил усулларига эга.

Антропоцентрик тилшуносликнинг тилни ундан фойдаланувчи шахс омили билан боғлиқ ҳолда ўрганувчи мустақил тармоқларидан бири ассоциатив тилшуносликдир. Ассоциатив тилшуносликда тил нафақат ўзаро муносабатдаги бирликлар йиғиндисидан ташкил топган тизим сифатида, балки бир-бири билан ассоциатив боғланган вербал тармоқ сифатида ҳам тасаввур этилади.

Ассоциатив тилшуносликнинг тадқиқ объекти ассоциатив тафаккур ҳосилалари бўлмиш ассоциациялардир, унинг илмий-назарий асосини *ассоциатив муносабат назарияси* ташкил этади. Инсон психологик тасаввури билан боғлиқ ҳолда тил бирликлари муносабатида кузатилувчи *ассоциатив муносабат* мазкур

тилшунослик йўналишининг марказий тушунчаларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда ассоциатив тилшунослик алоҳида фан йўналиши сифатида мустақил ривожланиш йўлидан бормоқда. Гарчи ассоциатив тилшунослик мустақил фан йўналиши сифатида тилшуносликнинг барча соҳаларига тўла кириб бормаган бўлса-да, ўрганиш объекти, тадқиқ методига эгалиги, мақсад, вазифаларининг аниқ қўйилганлиги, ассоциатив лексикография, лексикология ҳамда грамматика каби бўлимларни қамраб олиши, бу йўналишда ҳатто турли тилларга оид кенг ҳажмли ассоциатив луғатларнинг яратилганлиги унинг мустақил фан тармоғи сифатида ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

Тилни инсон омили билан боғлиқ ҳолда ўрганиш муаммосига жиддий эътибор қаратилаётган бугунги кунда воқеликнинг инсон психологик тасаввури билан боғлиқ ҳолда тилда акс этиши масаласининг таҳлили устувор вазифалардан биридир. Мана шуларни назарда тутиб, ушбу монографияда тилнинг сир-у синоатлари билан қизиққан китобхонларни ўзбек тилшунослигига эндигина кириб келаётган ассоциатив тилшуносликнинг таянч тушунчалари билан таништириш, ассоциатив таҳлил усулларининг тилни ўрганишдаги устуворлигини илмий асослаш, тилшуносликда ассоциатив муносабат масаласининг ўрганилиши, ўзбек тилида вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши, ассоциатив бирликларнинг хусусиятлари, таснифи, ассоциатив тажриба методининг моҳияти, ассоциатив луғатларнинг тузилиши ҳақида маълумот бериш мақсад қилиб белгиланди.

Монография ўзбек тилшунослигида бу йўналишда амалга оширилган дастлабки илмий асар бўлгани боис муаллиф ишга доир барча фикр-мулоҳазалар, танқидий қарашларни самимият билан қабул қилади.

Электрон манзилимиз: 1965ddd@mail.ru

I. ТИЛГА АССОЦИАТИВ ЁНДАШУВ: МОҲИЯТИ, ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

Инсоннинг оламни идрок этиши ва уни тилда акс эттириши муаммоси таҳлилида тил эгаларининг лисоний онги, тафаккури, хотираси имкониятлари, лисоний онгида жамланган лексик бирликлар заҳираси, лексик заҳирадаги бирликларнинг ўзаро муносабати кабиларни текшириш муҳим ўрин тутади. Мазкур масалаларни ўрганишда табиий равишда тил бирликларининг ассоциатив алоқаси, ассоциатив маъноси, ассоциатив гуруҳларга бирлашуви ҳамда ассоциатив майдонни ташкил қилиши каби муаммоларга дуч келинади. Бу масалалар бугунги кунда тилни ундан фойдаланувчи шахс омили билан боғлиқ ҳолда ўрганаётган антропоцентрик тилшунослик, унинг ўзига хос йўналиши бўлмиш ассоциатив тилшуносликнинг долзарб муаммоларидир.

Маълумки, шу кунга қадар тилшуносликда тил ва нутқ бирликлари, нутқий фаолият ортида турган лисоний ҳодисалар қиёсий-тарихий, анъанавий-формал, систем-структур йўналишларда чуқур тадқиқ этилди ва бу соҳаларда улкан ютуқларга эришилди. Мазкур йўналишларнинг моҳияти, мақсади, вазифасидан келиб чиққан ҳолда тил ва нутқ бирликларининг умумий ҳамда фарқли белгилари, ўзаро алоқаси очиб берилди.

XX аср охири ва XXI бошларига келиб турли фанлар тараққиётида кузатилгани каби тилшуносликда ҳам тил ҳодисаларини ўрганишга ёндашувлар ўзгарди. Тилшуносликда тилнинг бевосита кузатишда берилмаган хусусиятларини идрокий усулда ўрганиш ҳаракати унинг тадқиқ объектини тизимли лисоний структура доирасидан ташқарига олиб чиқди. Натижада мазкур фаннинг тадқиқ объектлари янада кенгайди.

Жаҳон тилшунослигининг бугунги тараққиёт босқичида тилни ундан фойдаланувчи инсонга хос индивидуал хусусиятлар, нутқий фаолият амалга оширилаётган вазият, макон, замон, социолингвистик муҳит кабилар; халқ маданияти ва менталитети каби ташқи омиллар билан алоқадорликда тадқиқ этиш марказий масалалардан бирига айланди. Бу йўналишда олиб борилаётган тадқиқотлар анъанавий лингвистик ёндашувларда шаклланган

айрим хулосаларни тубдан ўзгартирди. Жумладан, воқеликнинг онгда акс этиши ва тилга кўчирилиши шунчаки жўн тарзда амалга ошириладиган фаолият бўлмай, бу жараёнда онгда бажариладиган таҳлилий амалларнинг кўп босқичли ва мураккаб эканлиги, бу фаолиятнинг энг сўнгги босқичидагина воқеликнинг вербал ифода топиши – лисоний «либос» кийиши[1] ҳақидаги назарий қарашлар шаклланди.

Ўзбек тилшунослигида ҳам тил бирликларини ундан фойдаланувчи тил эгаларининг лисоний онги ва тафаккури, руҳияти, жинси, ёш хусусиятлари, миллий-маданий қарашлари, касб-кори каби ташқи омиллар билан алоқада ўрганишга жиддий эътибор қаратилмоқда. XXI асрга келиб, устозимиз А.Нурмонов қайд этганларидек, тилшунослик илмий парадигмасига «тил шахси» категориясининг киритилиши илгари тилшунослик назаридан четда қолган, лекин тилшуносликка яқин бўлган фанларда кенг қўлланилган *шахс, онг, тафаккур, фаолият, хулқ, вазият* сингари тушунчаларнинг ўзлаштирилишига олиб келди, «сўзловчи шахс» тушунчаси бугунги кунда психолингвистика, этнолингвистика, социолингвистика, когниталингвистика, прагмалингвистика, онтолингвистика каби лингвистик йўналишларни туташтириб турган бирлаштирувчи тушунчага айланди.[2] Тилни ўрганишга бу жиҳатдан ёндашув антропоцентрик тилшуносликнинг қайд этилган йўналишлари қаторида ассоциатив тилшуносликнинг ҳам ривожланишига йўл очди.

Оламнинг лисоний манзараси таҳлилида инсоннинг ташқи олам ҳақидаги психологик тасаввури ва унинг тилда акс этиши масаласини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур муаммонинг ечими ташқи оламнинг вербал ифода топишида ассоциатив тафаккурнинг ўрни масаласига доир назарий қарашларни янги билимлар билан бойитиши муқаррар.

Ташқи оламнинг тилда акс этиши, бунда ассоциатив тафаккурнинг ўрни, тил бирликларининг ассоциатив алоқаси, ассоциатив боғланиши асосида гуруҳларга бирлашуви, энг кичик

---

[1] Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. - Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 23.

[2] Нурмонов А. Лингвистик таълимотнинг янги босқичи. Танланган асарлар. III жилд. - Тошкент: Akademhashr, 2012. – Б. 93.

жумладан тортиб йирик матнларни ҳосил қилишдаги ўрни каби масалалар таҳлили тилга ассоциатив ёндашувни тақозо этади.

Тилшуносликда ташқи оламнинг инсон психологик тасаввуридаги образи ва унинг тилда акс этиши масаласини ўрганишга бўлган қизиқиш тилни ассоциатив йўналишда тадқиқ этиш эҳтиёжини юзага келтирган дейиш мумкин. Тилни ассоциатив йўналишда ўрганиш инсоннинг тилдан фойдаланиши жараёнида тафаккурининг кўз илғамас фаолияти ҳақида қизиқарли билимлар бериши шубҳасиз.

Тилни ўрганишга ассоциатив ёндашув, ассоциатив таҳлил методлари тил материалларини унинг эгасидан алоҳида ўрганишга йўл қўймайди. Ассоциатив таҳлил асосида муайян тил эгаларининг воқеликни идрок этиши, билими, лисоний қобилияти, лисоний хотираси имкониятлари, лексик бирликлари заҳираси ўрганилади.

Ассоциатив тилшунослик тилнинг грамматик қоидаларини матн материаллари асосида белгиловчи анъанавий тилшуносликдан фарқ қилади. Ассоциатив тилшуносликда тил, унинг бирликлари соф ҳолда ўрганилади, бошқача айтганда, бу йўналишда тилнинг нутқий қўлланишгача бўлган табиий ҳолати таҳлил этилади. Ассоциатив тилшунослик асосий ҳолларда ассоциатив тажриба материалларига таянган ҳолда иш кўради.

Ассоциатив тилшуносликнинг марказий тушунчаларидан бири *ассоциатив муносабат* масаласидир. Ассоциатив муносабат тил бирликларининг инсон психологик тасаввурига асосланган муносабати бўлиб, “бир-бирини ёдга солиш” механизмини акс эттиради. Бу муносабат асосида *ассоциация* тушунчаси ётади. Тил бирликларининг ассоциатив муносабати, вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши масаласини ёритишдан аввал *ассоциация* терминининг маъно-моҳияти, фанда илмий муомалага киритилиши, тилга ассоциатив ёндашувнинг шаклланиши, *вербал ассоциациялар* тушунчаси, ўрганилиши каби масалалар хусусида фикр юритамиз.

Манбаларда қайд этилишича, *ассоциация* (лот. *associatio* – қўшиш, бириктириш[3]) терминини илмий муомалага 1690 йилда инглиз философи, педагог, эмпиризм ва либериализм вакили

[3] Философский энциклопедический словарь. 2010 // http://dic.academic.ru/dic. nsf /enc_philosophy/1789.

Ж.Локк киритган. У қадимги дунё фалсафасида буюк мутафаккирлар Платон ва Аристотел томонидан илгари сурилган ғоялар ассоциацияси ҳақидаги қарашларни тарғиб қилган. Аристотел ва Платон ёдга тушириш жараёнини ассоциациянинг механизми сифатида тушунишган. Аристотел ғояларнинг ўхшашлик, вақт жиҳатидан кетма-кетлик ва контрастлик (қарама-қаршилик) асосида ўзаро ассоциатив боғланиши, Платон эса ўхшашлик ва ёндошликка кўра хотирадаги боғланишлар ҳақида маълумот берган.

Ж.Локк буюк алломаларнинг бу қарашларини ривожлантириб, ўз ишларида психик элементларни боғловчи алоқага нисбатан *ассоциация* терминини қўллаган. У хурофот ва "ёлғон ғоялар"нинг юзага келиши масаласини ёритишда *ассоциация* терминидан фойдаланган. Ж.Локк инсонда бирор ғоянинг ҳосил бўлиши жараёнида ассоциация асосида бошқа ғояларнинг тасодифий, эркин боғланиши юз беради деб ҳисоблаган. [4]

Ж.Локкнинг *ассоциация* термини XVIII-XIX асрларда *фалсафий* ва *психологик ассоцианизм* (онг ва психиканинг амал қилишида ассоциацияни асосий механизм ҳисобловчи мактаб ва оқимларнинг умумий номи)нинг муҳим таянч тушунчасига айланди.

Маълумки, эрамизгача IV асрдан то XVIII асрнинг бошигача бўлган давр фанда ассоцианизмнинг шаклланиши ва ривожланишининг биринчи босқичи сифатида эътироф этилади. Айни шу даврда Ж.Локк фанга *ассоциация* терминини олиб кирган. Бу даврда ассоциация тамойилларидан «эҳтиросларни бошқара билишни тушуниш»да (Р.Декарт), тажриба ҳосил қилишда (Т.Гоббс), «фикр ҳаракати»нинг айрим жиҳатларини ўрганишда (Б.Спиноза), оламни идрок этишни тушунишда (Ж.Беркли) ҳам фойдаланилган. Д.Юм ассоциацияга инсон руҳиятини билишнинг барча жабҳаларига тушунтириш берувчи тамойил сифатида қараган. [5]

---

[4] Локк Ж. Опыт о человеческом разумении. В 4-х томах. (Перевод с анг. А.Н.Савина). – М.: Мысль, 1985. - С. 450-459.

[5] Қаранг: Большая психологическая энциклопедия: http://psychology.academic.ru

XVIII аср ўрталари XIX асрнинг боши классик ассоцианизмнинг шаклланиши даври сифатида эътироф этилади. Классик ассоцианизмнинг куртак олиш даври гарчи Ж.Локкнинг ассоциация ҳақидаги қарашлари билан бошланса-да, айрим манбаларда бу оқимнинг юзага келиши XVIII аср инглиз врачи ва философи Д.Гартли, унинг «Инсон устидан назорат» (1749) номли китоби билан боғланади.

Д.Гартли асаб тизимига таъсир кўрсата олувчи барча психик ҳодисаларни, жумладан, тафаккур ва иродани ҳам ассоциациянинг умумий қонунларидан келтириб чиқарган. У ташқи объектлар ҳис қилиш органларимизга таъсир кўрсатиб, мия ва асаб толаларининг майда қисмларида тебрантирувчи ҳаракатлар (вибрациялар)ни чақиради деб ҳисоблаган. Тебрантирувчи ҳаракатларга кечинма ва ғоялар мувофиқ келади, бирор тебрантирувчи ҳаракатнинг такрорланиши мия қисмида у билан боғлиқ бошқа ҳаракатни чақиради. Д.Гартли инсон миясида кечадиган бу ҳодисани ассоциация сифатида баҳолаган. [6]

Психик жараёнларни ўрганишга ассоциатив ёндашув XIX асрда Англияда ассоциатив психологиянинг юзага келишига олиб келди. Унинг ривожланишига машҳур инглиз психологлари Т.Браун, Ж.Милл, Ж.С.Милл, А.Бэн, Г.Спенсерлар катта ҳисса қўшдилар. Классик ассоцианизмнинг мазкур вакиллари қарашларида ассоциация умуман руҳиятга тушунтириш берувчи тамойил сифатида майдонга чиқди. Ж.Миллнинг механик характердаги концепциясида ассоциация назариясининг шу даврга хос янгича талқини ўз ифодасини топди. У руҳий ҳаётнинг барча қонуниятларини моҳиятига кўра механик бўлган алоқалар (ассоциация)дан келтириб чиқаришга интилди.

Бу даврда ассоциациялар ҳосил бўлишига кўра турли типларга ажратилди. Ж.С.Милл ассоциациянинг ўхшашлик, контраст белги, макон ва замондаги ёндошлик каби турларини, Д.Юм буларга қўшимча тарзда сабаб-натижа муносабатига асосланган ассоциацияни ҳам ажратди.

А.Т.Браун ассоциацияларни ҳосил қилувчи қуйидаги омилларни аниқлади: ассоциацияга бирлашувчи таассуротлар

---

[6] Кўрсатилган манбалар.

кучи, унинг янгилиги, имконияти ҳамда индивиднинг патологик хусусиятлари. А.Бэк “ақлнинг ўз-ўзидан фаоллиги” билан асосланувчи «ижодий ассоциация»ни ажратди. [7]

XIX аср ўртаси XX аср бошини қамраб олган кейинги босқич ассоцианизм назарияси таназзулининг бошланиши ҳамда тажриба амалиётга асосланган янги қарашларнинг ишлаб чиқилиши даври саналади. Бу даврда “руҳият қонунлари”ни механик қонунларга олиб киришнинг мумкин эмаслиги ҳақидаги қарашлар мустаҳкам ўрин олди, ассоцианизмга субъект “мен”и фаоллиги концепциясини қайтадан киритиш талаби илгари сурилди. Бу қарашлар Ж.С.Миллнинг «ментал химия», А.Бэннинг «ижодий ассоциация» ҳақидаги қарашларида ривожлантирилди. Бу босқичда Г.Спенсер ассоциацияни биологик (эволюцион) аспектда талқин қилишга уринди. Г.Эббингауз хотира қонуниятларини тушунтиришда, Э.Крепелин, Э.Блейлер руҳиятдаги патологик ўзгаришларни ташхислашда ассоцианизм ғояларидан фойдаланишди.[8]

Бу давр яна шуниси билан характерлики, ассоцианизм ғоялари инсон феномени билан боғлиқ барча муаммолар ечимига хизмат қилади деб тушунилди. Шу сабабли XIX аср охири XX аср бошларига келиб ассоционизм турли фанлар доирасида кенг ўрганилди. Жумладан, тиббиёт, сиёсат, аҳлоқ, тарбия масалалари ечимида ҳам ассоцианизм ғояларига мурожаат қилинди. Бу даврда ассоцианизм ғоялари, айниқса, психологиянинг асосий эътиборида бўлди ва унинг ўрганиш объектига айланди.

XX асрнинг боши XX асрнинг 20-йиллари ассоцианизмнинг энг сўнгги босқичи бўлиб, бу даврда ассоцианизм йўналиш сифатида буткул барҳам топди ва унинг ғоялари психологик назария ва амалиётнинг турли тармоқларига сингиб кетди. Ассоциациянинг механизм эмас, фундаментал ҳодиса эканлиги, унинг механизмларини тушунтириш ва очиб бериш лозимлиги ҳақидаги қараш ҳамма томонидан тан олинди.

---

[7] Понятие «ассоциация» в психологии. Вербальные ассоциации. Ассоциативный эксперимент // http://studbooks.net/1703067/psihologiya/ ponyatie _assotsiatsiya_psihologii_verbalnye_assotsiatsii_assotsiativnyy_ eksperiment.

[8] Кўрсатилган манбалар.

Хуллас, психологик ассоцианизмда *ассоциация* икки ёки ундан ортиқ психик тузилмаларнинг ўзаро алоқасини ифода этувчи ҳодиса сифатида тушунилди. Онгда икки тасаввурнинг ҳосил бўлиши ва улар ўртасида алоқанинг шаклланиши учун бирламчи ва зарурий шарт сифатида бирвақтлилик (ёки кетма-кетлик) кўрсатилди. Бу даврда ассоциация барча психик тузилмаларга мажбурий тарзда тушунтириш берувчи тамойил сифатида талқин этилди.[9]

Фалсафий ва психологик ассоцианизмдан фарқли тарзда тилшуносликда ассоциация тил бирликлари муносабатидан қидирилди.

Тилдаги ассоциацияларга илк бор немис олими В. Ҳумболдт муносабат билдирди. В.Ҳумболдт объективлик ва субъективлик диалектикасини таҳлил қилар экан, «одамларнинг ўз руҳи созининг айнан битта тугмаси (клавиши)га қўл теккизишлари ва бунинг натижасида ҳар бир инсон онгида бир-бирига мувофиқ келувчи, аммо айнан бўлмаган фикрлар пайдо бўлиши» ҳисобига ўзаро тушуниш юз беришини қайд этди. Е.И.Горошконинг фикрича, В. Ҳумболдт бу ўринда бевосита ассоциация ҳақида гапирмаган, бироқ сўзловчининг товуш ва предмет ассоциациясини индивидуал идроки турли одамларда ҳам айнан ўша предмет ва ҳодисалар бўлгани ҳисобига бир-бирига мос келади. Товушга боғлиқ ассоциация учун асос восита – объектив, негаки у реал предметлар дунёсига мансуб, ассоциацияларнинг ўзи эса индивидуал, чунки улар психологик дунёга тааллуқли.[10]

Ўз вақтида Ф. де Соссюр ҳам ассоциацияга муносабат билдирган. У тил бирликлари ўртасида синтагматик ва ассоциатив муносабатни фарқлаган. Ф. де Соссюр тилдаги бирликлар нимаки орқали ифодаланса ҳам, ҳаммасини синтагмалар ва ассоциациялар назариясига боғлаш кераклигини қайд этган. [11]

---

[9] Қаранг: Мартинович Г.А. Вербальные ассоциации в ассоциативном эксперименте. СПб., 1997. http://davaiknam.ru/text/g-a-martinovich-verbalenie-associacii-v-associativnom-eksperim-page-5

[10] Горошко Е.И. Интегративная модель свободного ассоциативного эксперимента: http://www.textology.ru/article.aspx?aId=90

[11] Соссюр Ф. Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977. – С. 155.

Тилшунослар XIX аср охирларидан бошлаб ассоциацияларнинг бир кўриниши сифатида лексик ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши, ассоциатив маъноси, инсон хотирасида ассоциатив гуруҳларга бирлашиши каби масалалар тадқиқига алоҳида эътибор қарата бошлашди. Ғарб тилшунослигида айни шу даврдан бошлаб лингвистик ассоциацияларни ўрганишга киришилди.

Рус тилшунослигида ҳам XIX аср охирларидан бошлаб тилдаги ассоциатив муносабатларни ўрганишга интилиш кучайди. Бу даврда Қозон лингвистик мактаби вакили Н.В.Крушевский биринчилардан бўлиб ассоциация қонунига кўра тилда сўзларнинг ассоциатив қаторларга тизилиши ҳақидаги қарашларни илгари сурди. Унинг фикрича, "сўзлар бир-бири билан: 1) ўхшашликка кўра; 2) ёндошликка кўра ассоциация орқали бевосита боғланади. Шу жойдан сўзларнинг уялари ёки тизимлари ва қаторлари келиб чиқади".[12]

А.А.Потебня ҳам ассоциатив алоқа ҳақида фикр юритар экан, сўзнинг ички шакли муайян объектнинг бошқа объект билан ягона асосий белгисига кўра ассоциацияси сифатида тавсифланиши мумкин деган хулосага келади. Англашиладики, А.А.Потебня ассоциацияга сўзнинг муҳим белгиси сифатида қарайди.

XX аср бошларида тилшуносликка ассоциатив тажриба методи кириб келди. Ассоциатив тажриба методининг тилни ўрганишга татбиқ этилиши илк ассоциатив луғатларнинг юзага келишига замин ҳозирлади. Ассоциатив луғатлар инсоннинг лисоний онги, лисоний хотираси ва лексик бирликлар заҳираси ҳақида кенг маълумот берувчи манба вазифасини ўтади.

XX аср ўрталарига келиб рус тилшунослигида тилни ассоциатив йўналишда ўрганиш жиддий тус олди. Бу даврда М.М.Покровскийнинг инсон лексиконининг ҳосил бўлишида ассоциацияларнинг роли муаммосига доир хулосалари диққатга сазовор бўлди. Олимнинг фикрича, сўз ва сўзшакллари онгга боғлиқ бўлмаган ҳолда шакли ва мазмунидаги ўхшашликка кўра турли гуруҳ ва категорияларга бирлашади... Тилдаги шакл, сўз,

[12] Крушевский Н.В. Очерк науки о языке. – Казань, 1883. – С.68-69.

категориялар ассоциацияси турлича ва лингвист учун ҳам, психолог учун ҳам қизиқарли материал бўла олади.[13]

XX аср ўрталарида фанга *ассоциатив меъёр, ассоциатив майдон* тушунчалари кириб келди. Индивидуал ассоциациялардан жамоавий ассоциацияларни ўрганишга ўтилди, ассоциатив тажриба натижаларини миқдорий белгиси асосида таҳлил этишга эътибор қаратилди. Ассоциатив тажрибаларни ўтказиш объектлари кенгайди, турли тилларга хос ассоциатив бирликлар қиёсан ўрганилиб, умумий жиҳатлари аниқланди. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб ассоциатив лексикография алоҳида йўналиш сифатида ривожлана бошлади.

Кўринадики, тилшуносликда ассоциатив бирликларни ўрганиш дастлаб икки йўналишда амалга оширилган. Биринчи йўналиш асосида ассоциацияларни анъанавий-лингвистик (шартли) тушуниш ётади. Бундай ёндашув рус тилшунослари А.А.Потебня, И.А.Бодуэн де Куртенэ, Н.В.Крушевский, М.М.Покровский ва бошқаларнинг ишларида кузатилди. [14] Характерлиси шундаки, бу ишларда таҳлил материали сифатида бадиий матнлар танланган. Ушбу олимларнинг ишлари заминида кейинги давр тилшунослари томонидан ассоциатив бирликлар орасидаги боғланишларнинг турли кўринишлари шакллантирилди.

Иккинчи илмий йўналиш (экспериментал-психологик)да ассоциацияларнинг ассоциатив тажриба турига боғлиқлиги масаласи ўртага ташланди. Бу қараш ғарб психологлари, психиатрлар, кейинчалик психолингвистлар – Г.Кент, А.Розанов, Ж.Диз, Ж.Миллер, Ч.Кофер[15] ва бошқаларнинг ишларида ўз ифодасини топди. Мазкур олимлар томонидан илгари сурилган назарий қарашлар ассоциатив тажриба методининг кенг

---

[13] Покровский М.М. Избранные работы по языкознанию. – М., 1959. – С.18.

[14] Крушевский Н.В. Очерк науки о языке. - Казань, 1883. – 148 с.; Покровский М.М. Избранные работы по языкознанию. – М., – 1959. – 145 с.; Потебня А.А. Мысли и язык. // Сборник трудов. - М.: Лабиринт, 1999. – 330 с.

[15] Kent G.H., Rosanoff A.J. A Study of Association in Insanity // American Journal of Insanity. 1910, - N 67. – P.37- 96; Miller G.A. Language and communication / N. Y., 1951. – 298 p.; Cofer Ch. N. Associative Commonality and Rated Similarity of Certain Words from Haagen's List // Psychological Reports, 1957. V. 3. – P. 603- 606.

ёйилишига, ассоциатив назариянинг ривожланишига, кейинчалик тилшуносликда вербал ассоциацияларнинг турли-туман таснифларининг яратилишига туртки берди. [16]

XX асрнинг 80-йиллари охиридан ҳозирги кунга қадар бўлган давр психолингвистикада ассоциатив йўналиш шаклланишининг якунловчи босқичи ва ассоциатив тилшуносликнинг юзага келиш даври сифатида эътироф этилади. Бугунги кунда психолингвистикадан алоҳида йўналиш – ассоциатив лексикография ва лексикология, ассоциатив грамматикани қамраб олган *ассоциатив тилшунослик*нинг ажралиб чиққанлиги қайд этилмоқда.

Ю.Н.Карауловнинг фикрича, рус тилининг кўп жилдли ассоциатив тезаурусининг яратилганлиги ассоциатив тилшуносликнинг назарий асосини шакллантириш ва унинг базасида ассоциатив вербал тармоқ (АВТ) ҳамда ассоциатив грамматиканинг яратилишига замин яратди. Ассоциатив тилшунослик концепциясига кўра тил нафақат тизимли муносабатлар шаклида, нафақат матнларнинг йирик мажмуи кўринишида, балки инсоннинг тил лаёқати билан боғлиқ бўлган ассоциатив вербал тармоқ шаклида ҳам намоён бўлади.[17]

Ассоциатив вербал тармоқда тилнинг турли сатҳ бирликлари орасида шундай алоқа-муносабатлар намоён бўладики, бундай алоқалар бир сатҳ бирлиги орқали бевосита бошқа сатҳ бирлиги билан боғланишга имкон яратади. Бу ҳолат стимул сўзнинг лексик, морфологик, синтактик, сўз ясалиши тизими бирликлари билан бевосита алоқасида ҳамда ассоциацияларнинг ўзаро муносабатида ўз ифодасини топади.

Шундай қилиб, тилга ассоциатив ёндашув бошқа фанлар, хусусан, фалсафа ва психологияга нисбатан анча кейин шаклланди. Тилдаги ассоциатив муносабатларни ўрганиш ташқи

---

[16] Қаранг: Мартинович Г.А. Вербальные ассоциации в ассоциативном эксперименте. СПб., 1997. http://davaiknam.ru/text/g-a-martinovich-verbalenie-associacii-v-associativnom-eksperim-page-5; Швецова В.М. Основные направления в изучении вербализованных ассоциаций в лингвистике // Актуальні проблеми філології. - Івано-Франківськ, 2013. – С. 73.

[17] Караулов Ю.Н. Ассоциативная грамматика русского языка. Изд.2. – М., URSS. 2010. - 328 с.

оламдаги алоқа-муносабатлар, уларнинг инсон онгидаги акси ва тилда ўз ифодасини топиши, тил эгаларининг лексик заҳираси, сўзнинг лексик, ассоциатив маънолари ҳақида муайян хулосалар чиқаришга имкон берди.

II. АССОЦИАТИВ МУНОСАБАТ, ВЕРБАЛ АССОЦИАЦИЯЛАРНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИ, ЛИНГВИСТИК МОҲИЯТИ

Тилшуносликда тил бирликларининг ассоциатив муносабати, вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши, ассоциатив бирликларнинг лингвистик хусусиятлари, таснифи, ассоциатив тажриба методи, ассоциатив луғатларнинг яратилиши масаласи бўйича муайян илмий-назарий қарашлар шаклланган. Бугунги кунда ҳам бу йўналишда кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Жаҳоннинг машҳур психолингвистлари: Ф.Гальтон, А.Тумб, К.Марб, Г.Кент, А.Розанов, Д.С.Палермо, М.Розенцвейг, Р.Вудвортс, Л.Постмэн, К.Нобл, Ж.Диз, Ж.Женкинс, Ф.Креймер, А.Р.Лурия, А.А.Леонтьев, Л.В.Сахарный, А.А.Залевская, Ю.Н.Карауловларнинг бу йўналишдаги ишларида тилга ассоциатив ёндашувнинг моҳияти, зарурати, *ассоциатив муносабат, ассоциатив маъно, вербал ассоциация, ассоциатив майдон, матннинг ассоциатив майдони, лисоний онг, лисоний хотира, инсон лексикони* тушунчалари, ассоциатив тажриба методи, ассоциатив луғатларнинг тузилиши, аҳамияти каби масалалар бўйича қимматли илмий қарашлар баён этилган.

Ўзбек тилшунослигида тил бирликларининг ассоциатив алоқаси, тилда вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши муаммоси монографик аспектда махсус ўрганилмаган бўлса-да, айрим ишларда бу масалаларга муносабат билдириб ўтилган. Хусусан, профессор А.Нурмоновнинг «Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари» номли ўқув қўлланмасида швейцариялик олим Ф.де Соссюрнинг ассоциатив муносабат ҳақидаги қарашлари умумлаштирилган, ассоциатив муносабатнинг моҳияти, синтагматик муносабатдан фарқи кўрсатиб берилган.

Олимнинг қайд этишича, «онгимизда ҳосил бўлган ассоциатив гуруҳлар маълум умумий белгисига эга бўлган муносабат аъзоларининг яқинлашуви билан чегараланмайди. Онг ҳар бир муносабатда муносабат аъзоларини боғловчилар характерини ҳам қамраб олади. Натижада нечта ассоциатив қатор бўлса, шунча фарқли муносабатни ҳосил қилади. Масалан,

ўзакдошлик асосида бирлашган сўзлар гуруҳи, қўшимчадошлик асосида бирлашган сўзлар гуруҳи. Бундан ташқари ассоциация фақат ифодаланмиш ўхшашлиги асосида ёки акустик образлар умумийлиги асосида ёки фақат шакл, ё мазмун асосида юзага келиши мумкин. Ҳар қандай сўз ўзи билан ассоциация муносабатида бўлиши мумкин бўлган сўзни доимо эсга солади».[18] А.Нурмоновнинг «Парадигма ва унинг оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ)га муносабати» номли мақоласида ҳам Ф.де Соссюрнинг ассоциатив муносабатга доир қарашлари таҳлил этилган.[19]

И.Азимованинг «Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи» номли номзодлик ишида публицистик матнни ҳосил қилувчи ассоциациялар таҳлил қилинган. Тадқиқотда матнни эшитиш ва ўқишда сўзларнинг эслаб қолиниши даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилган тажриба асосида реципиентларнинг стимул матн таъсирида юзага келган ассоциациялари ўрганилган. Олима стимул матн таъсирида қуйидаги вазиятларда ассоциацияларнинг юзага келишини кўрсатган: «1. Реципиент сўзнинг маъносини яхши тушунган, бироқ шаклини эслаб қола олмаган. Бу сўзга маъно ёки шакл жиҳатдан яқинроқ бўлган сўзларнинг парадигматик ассоциациялари ҳосил бўлган. 2. Реципиент матндан бирор сўз ё бирикмани эслаб қолган. Бироқ бу сўз иштирок этган гапни тўлиқ тушунмаган. Шунда эслаб қолинган сўз ё бирикма синтагматик ассоциацияларни ҳосил қилган. 3. Матндаги бирор сўз ё бирикмага боғлиқ бўлмаган, бироқ, одатда, публицистик услубда қўлланадиган сўзлар ҳам эслаб қолинган сўз сифатида ёзилган».[20]

Шунингдек, ишда реципиентларда ассоциацияларнинг юзага келиши стимул матн мавзуси, услуби, акустикаси билан

---

[18] Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари («Лингвистика» йўналишидаги магистрлар учун ўқув қўлланма). – Андижон. 2006. – Б. 58-59.

[19] Нурмонов А. Парадигма ва унинг оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ)га муносабати. Танланган асарлар. III жилд. - Тошкент: Akademhashr, 2012. – Б. 98-99.

[20] Азимова И. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол.фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ЎзМУ, 2008. – Б. 39.

боғлиқ бўлиши, сўзлардаги товуш ёки қўшимчалар таъсирида ҳосил бўлиши ҳам қайд этилиб, сема асосида парадигматик ассоциацияларнинг, услуб асосида ҳам парадигматик, ҳам синтагматик ассоциацияларнинг, акустика асосида эса талаффуз жиҳатидан стимул матнга хос бўлган сўзларга яқин турадиган ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши; сема асосида пайдо бўладиган ассоциациялар матндаги сўзнинг маъносидан келиб чиқса, услуб асосидаги ассоциациялар матннинг умумий мазмунидан келиб чиқиши ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган.[21]

И.Азимованинг мазкур тадқиқотида газета матнларини тушуниш, идрок этиш жараёнида ҳосил бўлган ассоциацияларни таҳлил этиш мақсад қилиб белгиланган боис, унда ўзбек тилидаги лексик бирликларнинг ассоциатив боғланиши, инсон хотирасида бир-бирига боғлиқ ҳолда тикланиши, бунинг ички ва ташқи омиллари масаласи таҳлилига алоҳида эътибор қаратилмаган.

Д.Худойберганованинг «Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини» мавзуидаги докторлик ишида бадиий матнда қўлланган ассоциатив бирликларга муносабат билдириб ўтилган. Тадқиқотда синонимик, омонимик, антонимик қаторларни ташкил қилган айрим сўзларда ассоциатив муносабатнинг намоён бўлиши масаласи таҳлил қилинган, ассоциатив тафаккур тилнинг нафақат лексик сатҳида, бошқа сатҳларида ҳам амал қилиши асослаб берилган. Олиманинг фикрича, *совуқ, илиқ, тарқоқ, сайлов* каби ясама от ва сифатлар эсга тушганида уларнинг ясалиш асоси бўлган феъллар ҳам хотирага келади. Масалан, *совуқ – совимоқ, илиқ – илимоқ, сайлов – сайламоқ, тарқоқ – тарқамоқ* кабилар.[22]

Шунингдек, ишда ассоциатив фикрлаш бўйича ўтказилган тажриба асосида *таом – палов, миллий кийим – атлас/тўн, бош кийим – дўппи* жуфтликларида ассоциатив фикрлашнинг миллий; *йиртқич ҳайвон – шер, планета – Марс, иссиқ – ёз* каби жуфтликларда ассоциатив фикрлашнинг умумий семантик хусусиятлари намоён бўлиши ҳақида қизиқарли хулосалар

---

[21] Азимова И. Кўрсатилган тадқиқот. – Б. 65-75.

[22] Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2015. - Б.122.

берилган. [23] Диссертация мақсадидан келиб чиққан ҳолда мазкур ишда ҳам бадиий матндаги ассоциатив бирликлар таҳлили билан чегараланилган.

Ш.Искандарова, Н.Ҳошимоваларнинг «Нутқ жараёнида ассоциацияларнинг воқеланиши» деб номланган мақоласида сўзларнинг кучли ассоциатив жуфтлиги гапда бир бутун мазмуний ва грамматик бирикувни ташкил этиши, кучсиз ассоциатив жуфтлик парчаланиб, гапнинг турли мазмуний гуруҳларига бирикуви ҳақида фикр юритилган ва бу масалага оид мавжуд қарашлар қўллаб-қувватланган. Муаллифларнинг фикрича, *«Истеъдодли рассом қизиқарли расм чизяпти»* гапида *истеъдодли* сўзи *рассом* сўзи билан, *қизиқарли расм* атрибутив бирикмаси *чизяпти* сўзи билан ва *қизиқарли* сўзи *расм* сўзи билан ўзаро зич боғланиб, сўз бирикмасини ҳосил қилган. Сўзларнинг кучли ассоциатив жуфтликлари гапда мазмуний ва грамматик бирикувни ташкил қилган, ассоциацияларнинг маъноси предикатив жуфтлик ва номинатив гуруҳ таркибида кўринади.[24]

Бизнингча, берилган гап қурилиши учун *рассом* лексемаси билан боғлиқ ассоциациялар таянч бирлик вазифасини ўтаган. Бошқача айтганда, гапдаги ассоциатив бирликлар *рассом* лексемаси атрофида бирлашган. *Рассом* лексемаси билан ассоциатив боғланишдаги энг кучли аъзо аввало *расм* лексемаси ҳисобланади. Негаки *рассом* лексемаси кўпчилик тил эгалари хотирасида дастлаб *расм* лексемасини тиклайди. Демак, *расм* ассоциациясининг *рассом* лексемаси билан ассоциатив алоқаси кучли. Аммо *рассом – расм* (берилган гапда *қизиқарли расм*) ассоциатив жуфтлиги грамматик бирикувни ҳосил қилмайди. Аксинча, *рассом – истеъдодли, рассом – чизяпти* ассоциатив жуфтликлари мазмуний ва грамматик бирикувни юзага келтиради. Бундан хулоса қилиш мумкинки, сўзларнинг кучли ассоциатив жуфтликлари ҳар доим ҳам грамматик бирикувни ҳосил қилавермайди.

Мақола муаллифларининг ассоциатив муносабатларнинг ўзига хос томонини ёритишда лексик бирликларнинг синтагматик хусусиятлари билан бир қаторда, уларнинг

---

[23] Худойберганова Д. Кўрсатилган тадқиқот. - Б.124.

[24] Искандарова Ш., Ҳошимова Н. Нутқ жараёнида ассоциацияларнинг воқеланиши // АнДУ. Илмий хабарлар. - Андижон, 2010. - № 2. - Б.85-88.

валентлик имкониятлари ҳам юзага чиқиши ҳақидаги хулосалари ўринли. Дарҳақиқат, ассоциатив бирликларда тил бирликларининг валентик имкониятлари ҳам воқеланади. Масалан, *чизмоқ* лексемасининг объект валентлиги *чизди – расм* жуфтлигида реаллашади.

Н.Ҳошимованинг "Прагматические аспекты при исследовании ассоциаций" деб номланган мақоласида ассоциацияларнинг индивидуаллик хусусиятлари ва уларни аниқлашга прагматик ёндашув масаласи таҳлил қилинган. Тадқиқотчи индивидуал ассоциацияларни юзага келтирувчи ташқи ва ички омиллар ҳақида фикр юритган. Унинг қайд этишича, ташқи омилларга тил эгаларининг миллати, ёши, жинси, ижтимоий мавқеи, касби каби омиллар киради. Шунингдек, воқеликнинг ҳар бир инсон томонидан турлича идрок этилиши, сўз билан боғлиқ ҳолда орттирилган билим, инсоннинг репрезентатив тизими, сўз маъноси ва у ҳақида инсонда шаклланган тушунча каби ички омиллар ҳам индивидуал ассоциацияларнинг ҳосил бўлишига олиб келади.[25] Албатта, ассоциатив майдонда ўзига хос индивидуал ассоциациялар ҳам учрайди. Бундай ассоциациялар нафақат турли тилларда, балки бир тил доирасида ҳам бир-биридан фарқ қилади. Индивидуал ассоциацияларни ўзбек тили материаллари асосида миллий-маданий, гендер, ижтимоийлик ва бошқа омиллар билан боғлиқ тарзда тадқиқ этиш долзарб муаммолардан биридир.

Ўзбек тилидаги лексик бирликларнинг ассоциатив боғланиши муаммосига қиёсий аспектда ҳам муносабат билдирилган. Рус олимаси А.А.Залевская докторлик ишида рус, қозоқ, қирғиз, ўзбек тилларидаги 111 та сўз-коррелят (эквивалент) мисолида бу тилларга хос лексик ассоциацияларни қиёсан ўрганиб, мазкур масала бўйича хулосаларини эълон қилган.[26]

---

[25] Хошимова Н.А. Прагматические аспекты при исследовании ассоциаций // Вестник МГОУ. Серия «Русская филология». 2011. - № 6. – С. 91-93.

[26] Залевская А.А. Психолингвистическое исследование принципов организации лексикона человека (на материале межъязыкового сопоставления результатов ассоциативных экспериментов): Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. - М., 1980. – 32 с.

А.А.Залевскаянинг инглиз, немис, француз, украин, белорус, қирғиз, қозоқ, ўзбек тилларидаги лексик ассоциацияларнинг қиёсий таҳлилига оид мақоласида эса туркий тилларда сўзлашувчи информантларда лексик ассоциацияларнинг ҳосил бўлиш жараёни туркий тил – рус тили икки тиллиги шароитида русларникига эмас, америкаликларникига ўхшашлиги ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган.[27]

А.А. Залевская 9 та тил: инглиз, немис, француз, польяк, словак, рус, қозоқ, қирғиз, ўзбек тиллари бўйича ўтказган ассоциатив тажрибалари асосида бу тилларга оид лингвомаданий хусусиятларни ҳам қиёсан таҳлил қилган. [28]

Ўзбек тилида лексик бирликларнинг ассоциатив боғланиши, ассоциацияларнинг хусусиятлари муаммосига муносабат билдирилган мана шу ишларни истисно этганда, бугунги кунда ўзбек тилида лексик ассоциацияларнинг ҳосил бўлиш механизмлари, вербал ассоциацияларнинг тил эгаларининг менталитети, миллий-маданий қарашлари билан боғланиши, гендер белгиси, ижтимоийлик хусусиятлари нуқтаи назаридан тадқиқи, ўзбек тили материаллари асосида ассоциатив луғатларни яратиш масаласи долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Маълумки, ташқи оламнинг вербал ифодаси ва бунда **воқелик – онг – тил** учлиги муносабатининг таҳлилида қуйидаги муҳим жиҳатга ҳам эътибор қаратилиши лозим. Ташқи оламдаги воқеликлар инсон онгида улар билан бевосита алоқадор бўлган макон, замон, сабаб, мақсад каби омиллардан ажралган ҳолда акс этмайди. Муайян воқеликнинг объектив мавжуд бўлиш шарти сифатида ёнма-ён юрувчи бундай омиллар инсон онгида воқелик образининг ҳамроҳлари сифатида бирга гавдаланиб, у билан ассоциатив боғланган «занжир»ни ҳосил қилади.

Ташқи олам инсон онгида бир-бири билан алоқадор турли объектлар, воқеа-ҳодисалар ҳамроҳлигида акс этгани боис улар ассоциатив тарзда бири иккинчисини ёдга туширади. Нафақат

---

[27] Залевская А.А. Ассоциативный эксперимент в условиях билингвизма и трилингвизма // Материалы второго симпозиума по психолингвистике. – М., 1968. - С. 12.

[28] Залевская А.А. Межъязыковые сопоставления в психолингвистике: Учебное пособие. - Калинин: КГУ, 1979. - 84 с.

ташқи оламдаги объектлар, балки инсоннинг биргаликда ва бир вақтда бошидан кечирган турли кечинмалари ҳам *алоқадорлик* тамойили асосида бир-бирини эслатиб туради. М.Веттлер ва Р.Раппнинг қайд этишича, «бир вақтлар биргаликда ҳис қилинган объектлар қоидага кўра хаёлан бир-бирига боғлиқ объектларга айланади. Шу боис улардан бири ҳақидаги ўй, табиийки, бошқаси ҳақида ҳам аввалгидек бирин-кетинлик ёки бирга мавжуд бўлишлик тартибида ўй суришга олиб келади".[29] Бу жиҳатдан қараганда, онгда акс этган ассоциатив алоқаларнинг тилда ҳам ифода топиши бежиз эмас.

Турли воқеликларнинг онгда акс этган ассоциатив алоқаси тилда ҳам бир-бирини эслатувчи бирликларнинг ассоциатив боғланишини юзага келтиради. Масалан, дарахтнинг ўсиши учун тупроқ, сув кабилар зарур; дарахт ўрмон, боғ, майдонда ўсади. Дарахтнинг тупроқ, сув, боғ кабилар билан алоқаси инсон хотирасида *дарахт* лексемаси орқали *тупроқ, сув, ўрмон, боғ, майдон* лексемаларнинг ёдга тушишига сабабчи бўлади. Тил бирликларининг инсон психологик тасаввури билан боғлиқ тарзда бир-бири билан бу тарзда муносабатга киришуви **ассоциатив муносабат** дейилади. Атоқли тилшунос А.Нурмонов қайд этганларидек, «…лисоний бирликлар нутқ жараёнидан ташқари ўзаро қандайдир умумий белги асосида хотирада муайян гуруҳларга бирлашиб туради. Масалан, *таълим* сўзи онгда *мактаб, китоб, муаллим* сингари бир қанча сўзлар билан боғланиб туради. Бундай муносабатнинг синтагматик муносабатдан тамомила бошқача хусусиятга эгалигини кўриш қийин эмас. Кейинги муносабат чўзиқликка эга эмас, у мияда локаллашади ва ҳар бир шахснинг хотирасида сақланувчи хазинага мансуб бўлади. Бундай муносабат ассоциатив муносабат ҳисобланади».[30]

Тилшуносликда баъзан *ассоциатив муносабат* ва *парадигматик муносабат* терминларининг муқобил ҳолатда

---

[29] Wettler Manfred & Rapp Reinhard. Computation of word associations based on the cooccrrence of words in large corporations. [http://www.fask.unimainz.de /user/rapp/wvlc93/ latex2html/wvlc93.html] 1996. Accessed 03/19/2002.

[30] Нурмонов А. Парадигма ва унинг оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ)га муносабати. Танланган асарлар. III жилд. - Тошкент: Akademhashr, 2012. – Б. 98.

қўлланиши кузатилади. Жумладан, Т.Бушуй, Ш.Сафаровлар тил бирликлари орасидаги муносабатларни анъанавий тарзда синтагматик, парадигматик ва иерархик муносабатга ажратган ҳолда, парадигматик муносабатга қуйидагича таъриф берадилар: "*Ассоциатив ёки парадигматик муносабатлар* бирликларнинг айрим хусусиятлари умумийлиги ёки ўхшашлиги асосида муайян гуруҳларга бўлиниб, муносабатга киришувидир".[31] Кўринадики, олимлар Ф.де Соссюр изидан бориб, *ассоциатив муносабат* терминини *парадигматик муносабат* термини билан параллел қўллайдилар.

Ассоциатив муносабат бир ёки бир неча сатҳ бирликларининг турли омиллар билан боғлиқ ҳолда инсон тафаккурида ассоциатив боғланишини акс эттиради. Бир тил эгасида бирор тил белгисига нисбатан ҳосил бўлган ассоциация бошқа тил эгасида юзага келган ассоциациядан фарқланади. *Парадигматик муносабат* эса бир сатҳга мансуб тил бирликларининг умумий белгиси асосида муайян гуруҳларга (семантик, грамматик турларга) бирлашувини акс эттиради. Инсон хотирасидан ўрин олган парадигматик муносабатдаги гуруҳлар ҳар бир тил эгасида фарқ қилмайди. Бу жиҳатдан ёндашилса, *ассоциатив муносабат* ва *парадигматик муносабат* терминларини муқобил терминлар сифатида қўллаш ўзини оқламайди.

Бу ўринда тил бирликлари ўртасидаги ассоциатив муносабатни психик элементлар ассоциациясидан фарқлаш ҳам зарур. Айрим тилшунослар тилдаги ассоциацияни психик тузилмалар ассоциациясидан фарқлаш мақсадида уни *«вербал ассоциация»* (*вербал* – лот. *verbum*, яъни *сўз*) термини билан ифода этишни маъқул кўришади.[32] Лингвистик ассоциацияга нисбатан бу терминнинг қўлланиши, бизнингча ҳам, ўзини оқлайди.

---

[31] Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. - Тошкент: Фан, 2007. – Б. 42.

[32] Бу ҳақда қаранг: Ермолова М.В. Ассоциативные семантические модели выражения запрета в немецком языке (на материале пословиц и поговорок) // Известия Российского гос.пед.ун-та имени А.И.Герцена. 2009. - №106. – С.137.

Дарҳақиқат, лингвистик ассоциация психологик ассоциациядан тубдан фарқ қилади. Лингвистик ассоциацияда тилда аниқ вербал ифодасига эга бўлган ва бир-бирини ёдга солиб турувчи икки ва ундан ортиқ воқелик, нарса-предмет, белги, ҳаракат-ҳолат ва ҳоказолар алоқаси акс этса; психологик ассоциация инсон онгида юзага келган бир-бирини кузатиб юрувчи психик элементлар (ғоялар, фикрлар, тасаввурлар, ҳис-туйғу ва бошқалар) муносабатини ифода этади.

Ғоялар ассоциацияси ҳақида фикр юритар экан, Ж.Локк бундай ассоциация кўпинча одамларда ўрганиш бўлиб қолган одатлар таъсирида юзага келади деб ҳисоблайди. У одамларда кузатиладиган ғоялар ассоциациясига уларга қаттиқ таъсир қилиб, доимо ўз натижасини кўрсатувчи хуш кўриш ва хуш кўрмаслик сабаб бўлишини қайд этади. Ж.Локк кўп асал еб қўйган одамнинг асални эшитиши дарҳол унинг ошқозонида оғриқ ва кўнгил айниши ҳиссини ҳосил қилиши, бу одам асал ҳақидаги тасаввурни қабул қила олмаслиги, бу тасаввур дарҳол бошқа тасаввурлар – кўнгил айнишлик, қусиш, ўзини ёмон ҳис қилишлик кабиларни юзага келтиришини ва бундай ассоциация хуш кўрмаслик (табиий бўлмаган антипатия) натижаси эканини баён қилади. [33]

Англашиладики, инсон онгида ҳосил бўлган бир-бирини эслатувчи психик тасаввур, ғоялар *психологик ассоциация* саналади. *Лингвистик ассоциациялар* (вербал ассоциациялар) ҳам тил эгасининг воқелик ҳақидаги психологик тасаввури асосида юзага келади, аммо бу тасаввур тилда бир-бири билан муайян белгисига кўра алоқада бўлган аниқ лисоний бирликлар орқали реаллашади. Лингвистик ассоциациялар психологик ассоциациялардан, аввало, лингвистик моҳият касб этишига кўра фарқ қилади. Қуйида лингвистик ассоциацияларга хос энг умумий белгилар хусусида фикр юритамиз.

Маълумки, тилдаги маъноли бирликлар семантикаси, табиий равишда, ёндош маънолар (яқин, зид, ўхшаш маънолар) орқали очиб берилади. Масалан, *яхши* лексемасининг маъносига *ёмон* лексемасининг маъноси асосида аниқлик киритилади. Бу жараёнда тил бирлигининг ассоциатив маъноси муҳим ўрин

---

[33] Локк Ж. Опыт о человеческом разумении. В 4-х т. (Перевод с анг. А.Н.Савина). – - М.: Мысль, 1985. - С. 452-453.

тутади. Лексеманинг ассоциатив маъноси лексик маъно каби сўз орқали реаллашади, бироқ лексик маъно лексемада ўз ифодасини топса, ассоциатив маъно тил эгалари лисоний онгида муайян лексик бирлик билан боғлиқ тарзда шаклланади. Ассоциатив маъно лексеманинг нафақат семантик жиҳати, грамматик шакли, интонацион хусусияти, сўз ясалиш структураси, услубий, диалектал белгиси каби лингвистик омиллар, балки экстралингвистик омиллар асосида ҳам ҳосил бўлади.

А.Залевскаянинг фикрича, *ассоциатив маъно* тушунчаси ўзига хос ички структурани, инсонда нутқ ва тафаккур орқали ўрнашувчи алоқа ва муносабатларнинг туб моделларини аниқлаш жараёнида шаклланди, “когнитив тузилма”лар асосида ассоциатив маъно тушунчаси ётади ва уни фақат сўзларнинг ассоциатив алоқаси таҳлили орқали аниқлаш мумкин бўлади. [34]

Вербал ассоциациялар ҳар бир тил эгасида турлича шаклланган боис ассоциатив маъно ҳам индивидуал хусусият касб этади. Сўзнинг ассоциатив маъноси динамик характерда. Инсоннинг ташқи олам ҳақидаги билими ва тасаввурларининг ўзгариши, оламни қайта идрок этиши вербал ассоциацияларнинг ва у билан боғлиқ ассоциатив маънонинг ўзгаришига олиб келади. Масалан, қаҳатчилик вақтида қора нон ҳақидаги тасаввур шу давр тил эгаларида *қаҳатчилик, етишмовчилик, йўқчилик* ассоциацияларини ҳосил қилган бўлса, бугунги тинч ва тўкин-сочин ҳаётимизда қора нон тил эгаларида *саломатлик, парҳез нон* ассоциацияларини юзага келтиради. Демак, оламнинг қайта идрок этилиши вербал ассоциациялар ва улар орқали англашилувчи ассоциатив маънога жиддий таъсир кўрсатади.

Вербал ассоциациялар таҳлилида *ассоциатив маъно* тушунчаси билан бир қаторда *ассоциациялар кўлами*, *ассоциацияларда миллий-маданийлик, ижтимоийлик, гендер белги* каби тушунчалар ҳам муҳим ўрин тутади.

Маълумки, вербал ассоциацияларнинг кўлами тил эгаларида фарқланади. Вербал ассоциацияларнинг кўлами тил эгасининг лексик бирликлар заҳирасига боғлиқ. Болалар ва катталар, аёллар ва эркаклар, турли касб эгаларида вербал ассоциатив майдон кўлами, унинг таркиби турлича бўлади.

---

[34] Залевская А.А. Введение в психолингвистику. – М.: Российский государственный гуманитарный университет, 1999. – С.105.

Н.О.Золотованинг маълумотига қараганда, ассоциатив майдон ядросига мансуб юқори частотали бирликлар 6 ёшли бола луғат бойлигидан ўрин олиб улгурган бўлади. Бундай бирликлар кундалик нутқий фаолиятда қўлланувчи инсон ва унинг тана аъзолари номлари, қариндошлик муносабатларини ифода этувчи номлар, коинот жисмлари, табиат ҳодисаларини англатувчи номлар, айрим ранг билдирувчи сўзлар, ҳаракат ва ҳолатни англатувчи сўзлар ва бошқалардир.[35] Албатта, бу хулоса болалар ва катталарда вербал ассоциацияларнинг кўлами бир хил бўлишини англатмайди. Ядро аъзолари энг кўп қўлланиладиган бирликлардан ташкил топгани боис болалар ва катталарда ўхшаш бўлиши тайин, аммо ассоциатив майдон кўлами тил эгаларининг лексик заҳирасига боғлиқ бўлади.

Вербал ассоциацияларнинг кўлами, мазмун мундарижаси аёл ва эркакларда ҳам фарқланади. Ўтказилган ассоциатив тажриба натижалари шуни кўрсатадики, аёлларда ҳиссий муносабат ифодаловчи ассоциациялар, ноадабий қатламга оид ўзига хос индивидуал қўлланишлар нисбатан кўп учрайди.

Шуниси қизиққи, бир объект бўйича турли миллат вакилларида бир-биридан фарқ қилувчи вербал ассоциацияларнинг юзага келиши кузатилади. Бу ҳолат турли тил эгаларининг миллий-маданий қарашлари, қадриятлари, воқеликка муносабати кабилар билан боғлиқ. А.А.Залевская *нон* стимул сўзига руслар *туз*, французлар *вино*, немис ва америкаликлар *ёғ*, ўзбеклар *чой* жавоб реакциясини беришганини қайд этади. Бу ҳолат вербал ассоциацияларда миллий-маданий қарашлар акс этишини англатади.

Вербал ассоциациялар ижтимоийлик белгиси асосида ҳам фарқланади. *Пахта* лексемаси деҳқон учун пахта даласини эслатса, тиббиёт ходимига боғлов хонаси (ёки муолажа хонаси)ни ёдига туширади. Мана шу тасаввур асосида *пахта – пахта даласи, пахта – боғлов хонаси* ассоциатив жуфтликлари юзага келади.

Вербал ассоциацияларга хос хусусиятлардан яна бири шуки, улар турли нутқий тузилмаларнинг яратилишига йўл

---

[35] Золотова Н.О. «Картина мира» и ядро лексикона носителя английского языка. // Проблемы семантики: психолингвистические исследования. - Тверь, 1991. - С. 42-43.

очади. Бошқача айтганда, ҳар қандай нутқий тузилма учун ўзаро ассоциатив боғланган тил бирликлари (лексик, синтактик бирликлар) таянч бирликлар вазифасини ўтайди.

Стимул сўз (эшитилиши ёки ўқилиши билан хотирада бошқа бирликларнинг ёдга тушишига туртки берувчи сўз) + *жавоб реакцияси* (эшитилган ёки ўқилган сўзга жавоб реакцияси сифатида инсон хотирасида гавдаланадиган бирлик, *ассоциат*) моделидаги ассоциатив структура муайян вазият ифодаси учун хизмат қила олади. Масалан, *она* лексемасининг *мўътабар, азиз, меҳрибон* ассоциациялари асосида ҳосил бўлган ассоциатив структура *«Она мўътабар», «Она азиз», «Она меҳрибон»* гапларини юзага келтиради. Ёки *беламоқ* лексемаси билан ассоциатив боғланган *бешик, бола, чақалоқ, гўдак, фарзанд, она, тебратмоқ* каби лексемалар иштирокида нутқда *«Бола бешикка беланди», «Она чақалоғини бешикка белади»* ёки *«Она гўдагини бешикка белади»* жумлаларини тузиш мумкин бўлади. Ассоциатив бирликлар ушбу жумлаларнинг қурилишида таянч бирликлар вазифасини ўтайди. Бироқ мазкур жумлаларни тузиш учун тил эгаси нафақат тилнинг грамматик қоидаларини билиши, балки бешик ҳақидаги миллий-маданий қадриятимиздан ҳам хабардор бўлиши лозим.

Баъзи нутқий тузилмаларнинг шаклланишида синтактик ассоциациялар (сўз бирикмаси ва гаплар) тайёр қурилиш материали сифатида қатнашади. Жумладан, тил эгаси лисоний заҳирасида ўрнашган мақол, матал каби прецедент бирликлар йирик нутқий тузилмаларни тузишда иштирок этади. Масалан, *бола* лексемаси билан боғлиқ ҳолда тил эгаси хотирасида тикланган *«Болали уй – бозор, боласиз уй – мозор»* мақоли нутқий акт жараёнида бевосита лисоний заҳирадан олинади. Шунингдек, *мовий осмон, темир интизом, қиш чилласи, эрта тонг* каби сўз бирикмалари ҳам тил эгалари томонидан асосан шу шаклда қўлланиб, уларнинг хотирасида ўрнашиб қолгани боис нутқ жараёнида лисоний заҳирадан тайёр ҳолда олинади. Демак, ассоциатив муносабатдаги лексик, синтактик бирликлар нутқий тузилмалар учун қурилиш материали вазифасини ўтайди. Рус тилшуноси Ю.Н.Карауловнинг фикрича, «Ҳар қандай сўз бизнинг онгимизда, хотирамизда, худди шундай нутқий тузилмаларимизда ҳам алоҳида тарзда мавжуд бўлмайди: у

ўнлаб, юзлаб «иплар» орқали бошқа сўзларга томон интилади. Ҳар қандай сўз, айтиш мумкинки, «давом эттирилиш»ни талаб қилади, ўз жуфтини қидиради», «икки сўз модели»га айланишни хоҳлайди. Бу тарздаги «давом эттирилиш» имконияти, бу каби икки сўз модели – типик ҳол бўлиб, тил эгаси томонидан осон талаффуз этилади, ҳақиқатга яқин ва тушунарли бўлиб, ассоциатив луғатларда ҳам қайд этилади. Шунга кўра ҳар бир стимул – реакция жуфтлиги ҳали тугалланмаган жумла, унинг зарур таркибий қисми ё грамматик жиҳатдан шаклланган бўлаги ёки тугалланган шаклга келтириш лозим бўлган бўлажак жумланинг ядросидир».[36] Албатта, бирор бир лексик бирликнинг эшитилиши (ёки ўқилиши) билан хотирамизда бошқасининг тикланиши лексемаларнинг лисоний онгимизда «ёлғиз яшамаслиги»дан далолат беради. Лисоний онгда «бирга яшовчи» бу бирликлар нутқий тузилмаларни шакллантирувчи таянч бирликлар саналади. Бироқ бу ўринда шуни қайд этиш жоизки, ҳар бир *стимул сўз – жавоб реакцияси* жуфтлиги ҳар доим ҳам нутқий тузилма учун қурилиш материали вазифасини адо этавермайди. Бу ўринда мантиқий-семантик жиҳатдан боғланган ассоциатив жуфтликлар ҳақида гапириш ўринли. Негаки ассоциатив майдон таркибида синалувчилар томонидан сунъий тарзда ҳосил қилинган ёки стимул сўзнинг фақат фонетик структураси ёки талаффузи асосида ҳосил қилинган, стимул сўз билан бирор бир жиҳатдан боғланмайдиган, нутқий тузилмаларни шакллантиришда иштирок этмайдиган ассоциациялар ҳам учраб туради.

Тилда ассоциатив бирликлар, хусусан, лексик ассоциацияларнинг ҳосил бўлишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?

Ҳар қандай лексик бирлик, у қандай грамматик шаклга ёки қандай маънога эга бўлмасин, инсон хотирасида турли омилларга боғлиқ ҳолда қандайдир лексик бирликлар ёки бошқа сатҳ бирликларини ёдга туширади, улар билан ассоциатив боғланади. Профессор А.Нурмонов лексик ассоциацияларнинг ҳосил бўлишини лексемаларга хос умумий белги билан боғлайди.

---

[36] Караулов Ю.Н. Русский ассоциативный словарь как новый лингвистический источник и инструмент анализа языковой способности // Русский ассоциативный словарь. Книга 1. – М., 1994. – С. 191.

Олимнинг фикрича, «сўз синтагматик муносабатга кириши билан бирга нутқий жараёндан ташқарида бошқа сўзлар билан умумийлик белгисига кўра сўзловчи тил хотирасида ассоциациялашади ва бу ассоциациялашган бирликлар хотирада муайян гуруҳларни ҳосил қилади».[37] Дарҳақиқат, тилдаги лексик бирликлар семантик, структур, деривацион, коннотатив, акустик каби қатор белгилари асосида умумийликка бирлашиши мумкин. Бу каби умумий белгилар кўплаб лексик ассоциацияларда кузатилади ва улар тил эгалари хотирасида муайян гуруҳларга бирлашган ҳолда ўринлашади.

Ўтказилган ассоциатив тажрибаларда баъзан лексема маъносини тушунмай, сунъий тарзда ҳосил қилинган *чаён – **ёввойи ҳайвон**, маориф – **одамлар йиғилиши*** тарзидаги жуфтликлар ҳам кузатиладики, бундай жуфтликларда стимул сўз ва ассоциат ўртасида юқорида қайд этилган умумийлик кузатилмайди. Бундай ассоциацияларда мантиқий-семантик алоқа ҳам мавжуд эмас. Тил эгасининг воқеликка баҳо муносабатини ифода этиши асосида (экстралингвистик омил) ҳосил бўлган *мастава – **жонга теккан**, ширинлик – **жони дилим*** жуфтликларида ҳам стимул сўз ва ассоциат ўртасида умумий лингвистик белги акс этмайди. Бундай ассоциациялар жамоавий характерга эга эмас, улар тил эгалари хотирасида ассоциатив гуруҳларга бирлашмайди.

Шуниси характерлики, баъзи лексик бирликларнинг семантик компонентлари орқали ҳам вербал ассоциациялар юзага келади. Бу ўринда семантик ва ассоциатив компонентлар бирлиги ҳақида гапириш мумкин бўлади. Бироқ лексемаларнинг ассоциатив боғланишини уларнинг семантик тузилиши билан чегаралаш ярамайди. Муайян лексема бошқа лексема билан бир вақтда ҳам ассоциатив, ҳам семантик муносабатга кириша олади. Бироқ лексемаларнинг ассоциатив ва семантик боғланишидаги асосий фарқ шундаки, ассоциатив муносабат икки лексеманинг нутқда юқори даражада бирга қўлланишини таъминлайди, семантик боғланиш эса лексемаларнинг умумий семаси асосида

---

[37] Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари («Лингвистика» йўналишидаги магистрлар учун ўқув қўлланма). – Андижон. 2006. – Б. 58.

бир гуруҳга бирлашувига сабаб бўлса-да, уларнинг ҳар доим ҳам нутқда бирга қўлланишига олиб келмайди.

Тилшунослар тилда вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлишини турли омиллар билан боғлашади. Е.И.Горошко, Л.Э.Кузнецоваларнинг фикрича, ассоциацияларнинг ҳосил бўлишига: 1) лингвистик омил (стимул сўзнинг муайян хусусиятлари); 2) прагматик омил (синалувчи "шахси") таъсир кўрсатади. Ҳар икки олима ҳам бу омиллар қаторига тажриба ўтказиш шарт-шароити омилини ҳам қўшиш лозимлигини тавсия этадилар.[38]

Бизнингча, синалувчи "шахси" таъсири ҳамда тажриба ўтказиш шарт-шароити омилини моҳиятан экстралингвистик омилга бирлаштирган маъқул. Масалага бу жиҳатдан ёндашилса, ассоциатив жуфтликларнинг ҳосил бўлишига таъсир кўрсатувчи омилларни лингвистик ва экстралингвистик омилларга ажратган ҳолда ўрганиш мумкин бўлади.

Хуллас, тилдаги вербал ассоциациялар асосида инсоннинг ташқи олам ҳақидаги психологик тасаввури ётади. Вербал ассоциацияларнинг лингвистик омилларга боғлиқ ҳолда ҳосил бўлган кўринишлари тил бирликлари ўртасидаги алоқа-боғланишларга асосланса, экстралингвистик омиллар билан боғлиқ ҳолда юзага келган турларида ташқи оламдаги ранг-баранг муносабатлар, миллий-маданий қадриятлар тил эгаларининг воқелик ҳақидаги тасаввурлари, дунёқараши ва бошқалар ўз аксини топади.

---

[38] Горошко Е.И. Описание механизмов ассоциирования и проблема классификации реакции // Интегративная модель свободного ассоциативного экспремента // www.textologu.ru; Кузнецова Л.Э. ЛЮБОВЬ как лингвокультурный эмоциональный концепт: ассоциативный и гендерный аспекты: Дис. … канд. филол. нук. – Краснодар, 2005. http://31f.ru/dissertation/page

III. ВЕРБАЛ АССОЦИАЦИЯЛАР ТАСНИФИ

Вербал ассоциациялар таҳлилида уларнинг таснифи муаммоси муҳим ўрин тутади. Шу кунга қадар тилшуносликда ассоциациялар таснифи масаласида турли қарашлар шаклланган. Айрим тилшунослар ассоциацияларни стимул сўз ва ассоциат ўртасидаги муносабат тури (синтагматик ёки парадигматик муносабат) асосида таснифлашса, баъзилар стимул сўз ва ассоциат ўртасидаги алоқа мундарижаси ёки ассоциатлар асосидаги таснифни маъқул кўришади.

Ғарб тилшунослигида Ж.Миллер томонидан тавсия этилган тасниф кейинчалик фанда вербал ассоциацияларни ўрганишда муҳим ўрин тутди. Ж.Миллер томонидан тасвия этилган вербал ассоциациялар таснифида ассоциатив жуфтликлар ўртасида қуйидаги муносабатлар акс этиши кўрсатилган: контраст, ўхшашлик, тобелик, биргаликдаги тобелилик, умумлаштириш, ассонанс, бутун-қисм, тўлдириш, эгоцентризм, бир асосли сўзлар, предикация.[39] Кўринадики, Ж.Миллернинг ушбу таснифида асосий эътибор стимул сўз → жавоб реакцияси муносабатига қаратилган, таснифда стимул сўзнинг маъно компонентлари ва унинг жавоб реакцияларига муносабати масаласи эътиборга олинмаган.

Вербал ассоциацияларнинг Н.В.Крушевский томонидан тавсия этилган таснифини рус тилшунослигидаги дастлабки уринишлардан бири сифатида баҳолаш мумкин. У ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши томонига эътиборини қаратди ва шу асосда уларни қуйидаги турларга ажратди: 1) бевосита ҳосил бўлувчи ассоциациялар; 2) билвосита ҳосил бўлувчи ассоциациялар.

Н.В.Крушевский бевосита ҳосил бўлувчи ассоциация-ларнинг икки турини фарқлайди: а) ўхшашликка асосланган ассоциациялар; б) ёндошликка асосланган ассоциациялар.

Олимнинг қайд этишича, “ҳар қандай сўз ўхшашлик белгисига кўра бошқа сўзлар билан боғлиқ бўлади, бу ўхшашлик нафақат ташқи, товуш томондан ёки структур, морфологик жиҳатдан, балки ички, семасиологик жиҳатга кўра ҳамдир, ҳар

[39] Қаранг: Слобин Д., Грин Дж. Психолингвистика. – М., 1976. – С.141.

қандай сўз психологик қонуниятлар натижасида қалбимизда ўзига ўхшаш бўлган бошқа сўзларни қўзғатишга ва улар билан биргаликда қўзғалишга қодир бўлади. Сўзларнинг бир-бирини ёдга солишининг яна бир тури ёндошликка кўра ассоциация қонуниятига асосланади: бунда муайян сўзни кўпинча бошқа бир сўз билан бирга ишлатишга одат қилинади".[40]

Н.В.Крушевский билвосита ҳосил бўлувчи ассоциацияларни нарсалар ҳақидаги тасаввурларнинг ўзаро алоқаси орқали реаллашади деб ҳисоблайди. У бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «… Сўз нарса белгисидир. Нарса ва уни ифода этувчи сўз ҳақидаги тасаввур ассоциация қонуни асосида бир-бири билан ажралмас жуфтликка бирлашади. Бундай ассоциация ёндошликка кўрадир. Ҳар бир тилда кўп бўлмаган тақлидий сўзлар гуруҳигина ўзига мувофиқ бўлган нарсалар билан ўхшашлик асосида ассоциатив боғланади, масалан, *шушукать* ва ҳ.к… Агар нарса ҳақидаги тасаввур уни ифода этувчи сўз ҳақидаги тасаввур билан ажралмас бўлса, бундан қандай хулоса келиб чиқади? Демак, сўзлар ҳам улар ифода этган нарсалар каби ўша гуруҳларга таснифланиши керак»[41].

Вербал ассоциацияларнинг рус психологи, нейропсихология асосчиси А.Р.Лурия томонидан илгари сурилган таснифи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг таснифида болаларга хос вербал ассоциацияларнинг турлари акс этган. А.Р.Лурия болаларда ҳосил бўлган ассоциатив реакцияларнинг қуйидаги турларини ажратган:

1) стимул сўзга мос бўлмаган жавоб реакциялари (неадекватные реакции), бунда стимул сўз ва жавоб реакциялари ўртасида семантик алоқа кузатилмайди;

2) стимул сўзга мос жавоб реакциялари (адекватные реакции), бунда стимул сўз ва жавоб реакциялари ўртасида семантик алоқа мавжуд бўлади;

3) асл ассоциатив реакциялар, бунда стимул сўз ва у орқали ҳосил бўлган образ ўртасида маъновий алоқа акс этади.[42]

---

[40] Крушевский Н.В. Очерк науки о языке. – Казань, 1883. – С.65.

[41] Крушевский Н.В. Шу асар. – Б.67.

[42] Лурия А.Р. Речевые реакции ребенка // Речь и интеллект в развитии ребенка. – М., 1927а.

Е.И.Горошконинг қайд этишича, А.Р.Лурия томонидан тавсия этилган ушбу таснифнинг муҳим жиҳати шундаки, унинг асосида *стимул сўз – жавоб реакцияси – алоқа* ассоциатив тизимини ўрганиш ётади, бу тасниф тамойиллари асосида ўтган асрнинг 90-йилларида онтогенетик материалларни ҳамда катталарда ўтказилган эркин ассоциатив тажриба материалларини ўрганиш жараёнида қатор вербал ассоциациялар таснифи юзага келди. [43]

М.М.Покровский ҳам вербал ассоциацияларни турларга ажратишда стимул сўз ва ассоциат ўртасидаги муносабатга асосланади. У сўзларнинг маъно жиҳатдан алоқадорлиги, ўхшашлиги, контрастлик (тўғридан-тўғри зидланиш) белгиси асосида ҳамда сўзларнинг шаклий жиҳатдан ўхшашлиги асосида ассоциацияларни турларга ажратган.[44]

А.П.Клименко ҳам стимул сўз ва жавоб реакциялари ўртасидаги ассоциатив муносабат асосида вербал ассоциацияларни таснифлайди. У бу белги асосида фонетик ассоциация, сўз ясалиши белгисига асосланган ассоциация, парадигматик, синтагматик ва тематик ассоциацияларни ажратган. [45]

Психолингвистикада вербал ассоциацияларни стимул сўз ва ассоциат ўртасидаги муносабат асосида таснифлашга кейинги йилларда ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, Л.Э.Кузнецова *ЛЮБОВЬ* концепти билан боғлиқ ассоциацияларни стимул сўз ва ассоциат ўртасидаги муносабат характерига кўра парадигматик ва синтагматик турларга бўлиб ўрганган. Унинг фикрича, биринчи тип ассоциациялар бу концептнинг инсон онгидаги парадигматик қаторларини аниқлашга ёрдам беради, иккинчи типдаги ассоциациялар эса лексик бирликларнинг ўзаро

---

[43] Горошко Е.И. Описание механизмов ассоциирования и проблема классификации реакции // Интегративная модель свободного ассоциативного экспремента // www.textologu.ru

[44] Покровский М.М. Избранные работы по языкознанию. – М., 1959. – С.21-36.

[45] Клименко А.П. Лексическая системность и ее психолингвистическое изучение: учеб. пособие. - Минск: Изд-во Минского пед. ин-та иностр. яз., 1974. – С.47-48.

боғланиши, стимул сўз, сўз бирикмаларининг контекстдаги хусусиятлари ҳақида маълумот беради.[46]

Ассоциацияларнинг бу тарздаги таснифи кенг тарқалган бўлса-да, айрим тилшунослар ушбу таснифнинг ҳар доим ҳам ўзини оқлайвермаслиги ҳақида фикр билдиришади. Жумладан, рус тилидаги *белый – бумага* типидаги ассоциацияларда стимул сўз ва ассоциатнинг грамматик шакли бир-бирига мувофиқ келмаслиги, стимул сўз ва ассоциат муносабатида ёрдамчи сўзларнинг тушириб қолдирилиши синтагматик муносабат талабларига жавоб бермаслиги кўрсатилади.[47] Айрим тилшунослар, хусусан, А.П.Клименко ва И.Г.Овчинникова бу типдаги ассоциацияларни алоҳида турга киритишни тавсия этишади.[48]

А.А.Мартинович грамматик шакли бир-бирига мувофиқ келмайдиган бу турдаги ассоциацияларнинг учинчи тур ассоциациялар сифатида ажратилишини маъқулламайди. У А.А.Леонтьев томонидан ажратилган грамматик шакли бир-бирига номутаносиб ассоциациялар ҳақида фикр юритар экан, таснифда парадигматик ва синтагматик жавоб реакцияларининг фарқланишида инглиз тили ассоциатив меъёрларидан келиб чиқилгани, унда фақат грамматик синфларга ажратиш ғоясига асосланганлиги, А.А.Леонтьев грамматик жиҳатдан тўғри сўз бирикмаларини тузиш зарурлиги ҳақида фикр юритмаганлигини эслатади. Шу сабабли *знамя – красный, знамя – красное* ассоциатив жуфтликларини ҳам синтагматик реакциялар ҳисоблаш лозимлиги, агар тўғри сўз бирикмаларининг ҳосил бўлиш-бўлмаслиги формал мезонидан келиб чиқилса, *красный – знамя* ассоциатив жуфтлиги – тематик, *красное – знамя* жуфтлиги

---

[46] Кузнецова Л.Э. ЛЮБОВЬ как лингвокультурный эмоциональный концепт: ассоциативный и гендерный аспекты: Дис. … канд. филол. нук. – Краснодар, 2005 // http://31f.ru/dissertation/page

[47] Бу ҳақда қаранг: Джамбаева Ж.А. Ассоциативный эксперимент: методологические основы // Л.Н. Гумилев атындағы ЕҰУ Хабаршысы. 2013. - №1. - С. 19.

[48] Клименко А.П. Третий тип словесных ассоциаций и виды семантической связи между словами в системе // Романское и германское языкознание. Вып. 5. – Минск, 1975. – С. 52; Овчинникова И.Г. Текстообразующая роль вербальных ассоциативных структур: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Л., 1986 б. – С.7-8.

– синтагматик, *билет – в кино* жуфтлиги синтагматик (*билет в кино*), *билет – кино* жуфтлиги эса парадигматик (бир хил сўз туркуми) реакциялар ҳисобланишини, бундай ҳолатда айнан учинчи тип жавоб реакцияларининг энг ноаниқ тип эканини қайд этади.[49]

А.А.Мартиновичнинг фикрича, вербал ассоциацияларнинг қайд этилган барча турлари қуйидаги умумий икки типдаги ассоциацияларнинг хусусий кўринишлари сифатида қаралиши мумкин: 1) ёндошликка кўра ассоциация (замон ва макондаги ёндошлик); 2) шаклий, функционал ва мазмуний жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда юзага келувчи ўхшашликка кўра ассоциация.

А.А.Мартинович сўз-ассоциатлар ифода этган мазмуний муносабат асосида вербал ассоциацияларнинг қуйидаги типларини ажратади:

1. Ёндошлик асосидаги ассоциация. Бу шундай сўзлар жуфтлигики, улар маъно ифодасига кўра умумий характерли белгига эга бўлмайди (*бабушка – блины*). Бу турга тематик ассоциациялар деб номланган деярли барча ассоциациялар киради.

2. Ўхшашлик асосидаги ассоциация. А.А.Мартинович ўхшашлик асосидаги вербал ассоциацияларни иккига ажратади:

А. Синтагматик характердаги ассоциациялар. Бу шундай сўзлар жуфтлигики, аъзоларидан бирининг маъно ифодаси (процессуал ёки процессуал бўлмаган маъно) иккинчи аъзо маъноси таркибига унинг маъно хусусиятларидан бири сифатида киради (*бабушка – старая, бабушка – вяжет*). Мазкур ассоциатив жуфтликлар ўзаро уйғун турли туркумларидаги сўзлардан ташкил топади. Шунингдек, бу типга мослашмаган аниқловчили сўз бирикмалари тарзидаги ассоциациялар ҳам киради *(бабушка – в платке)*.

Б. Парадигматик характердаги ассоциациялар. Бу сўзлар жуфтлиги маъно ифодаларига кўра минимум тарзда бир умумий характерли белгига эга бўлади. Бу тип ассоциациялар ранг-баранг, уларга турли лексик-семантик, тематик ва бошқа майдон, гуруҳ аъзолари билан муносабатдаги ассоциатив

---

[49] Мартинович Г.А. Вербальные ассоциации в ассоциативном эксперименте. СПб., 1997. http://davaiknam.ru/text/g-a-martinovich-verbalenie-associacii -v-associativnom-ekspe-rim -page-5.

жуфтликлар киради (*бабушка – дедушка, бабушка – старушка, белый – черный, белый – цвет, бежать – идти, голова – чурбан, хлеб – пиша* кабилар)[50]

А.А.Мартинович бошқа бир ишида ўхшашлик асосидаги вербал ассоциацияларни ўхшаш маъноларининг бир-бирига нисбатан турлича муносабати асосида икки ички типини ажратган: а) детерминацион (эпитетлар типидаги) ассоциациялар; б) классификацион (метафорик типдаги) ассоциациялар. У фонетик (*ночь – дочь*) ва грамматик (*стол – стола*) ассоциацияларни шаклий ўхшашлик асосидаги ассоциациялар қаторига киритади. Унинг фикрича, ҳам мазмуний, ҳам шаклий жиҳатдан умумий элементларга эга бўлган сўз ясалишига асосланган ассоциатив жуфтликлар (*записать – запись)* ўхшашликка кўра мазмуний ва шаклий ассоциацияларнинг оралиқ типини ҳосил қилади. [51]

Маълум бўладики, тилшунослар вербал ассоциациялар таснифида якдил фикрда эмаслар. Шунга қарамай, психолингвистик тадқиқотларда асосий ҳолларда стимул сўз ва ассоциат ўртасидаги муносабат тури асосидаги тасниф маъқулланади. Бундай таснифда ассоциацияларнинг кўпинча қуйидаги турлари фарқланади:

1. Парадигматик ассоциациялар. Бундай ассоциациялар стимул сўзнинг парадигматик қаторлари асосида аниқланади. Парадигма аъзолари кўпинча синонимик, антонимик, гипо-гиперонимик муносабат асосида белгиланади.

2. Синтагматик ассоциациялар. Бу турдаги ассоциациялар стимул сўз ва ассоциат ўртасидаги синтагматик муносабат асосида белгиланади.

3. Тематик ассоциациялар. Бундай ассоциациялар стимул сўз англатган предметлик тушунчаси асосида белгиланади.

4. Деривацион ассоциациялар. Бундай ассоциациялар стимул сўз негизида ҳосил қилинган ассоциатлар асосида белгиланади.

---

[50] Мартинович Г.А. Типы вербальных связей и отношений в ассоциативном поле // Вопросы психологии, 1990. – № 2. – С. 143-146.

[51] Мартинович Г.А. Вербальные ассоциации в ассоциативном эксперименте. СПб., 1997. http://davaiknam.ru/text/g-a-martinovich-verbalenie -associacii-v-associativnom-ekspe-rim -page-5.

5. Фонетик ассоциациялар. Бундай ассоциациялар стимул сўз ва ассоциатларнинг фонетик жиҳатдан яқинлиги асосида белгиланади.[52]

Тилшуносликда ассоциацияларнинг стимул сўз ва ассоциат ўртасидаги алоқа мундарижаси асосида ҳам таснифланишини кузатиш мумкин. Н.И.Береснева бу тасниф асосида ассоциацияларни қуйидаги турларга ажратади:

1. Стимулнинг семантик кенгайишини акс эттирувчи семантик кенгайтирувчи жавоб реакциялари: *тюльпан – цветок, вода – мокрая.*

2. Информантнинг стимул сўзга муносабатини акс эттирувчи эмоционал-баҳо ифодаловчи коннотацияли жавоб реакциялари: *мама – дорогая.*

3. Предмет билан боғлиқ муҳим ҳаракат, ҳолатни ифодаловчи типик вазиятларнинг функциялашувини акс эттирувчи жавоб реакциялари.

4. Информантнинг ўз халқи маданиятига тегишлигини акс эттирувчи миллий-маданий коннотациялар билан боғлиқ жавоб реакциялари: *белый – гвардия, положить – на сберкнижку, слово – о полку Игореве.* [53]

Ж.Жамбаева вербал ассоциациялар бўйича тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган таснифларни қуйидаги турларга умумлаштиради:

1. Формал реакциялар. Олима уларни семантик асосланмаган ёки товуш асосидаги реакциялар тарзида номлаш ҳам мумкинлигини қайд этган. Бундай жавоб реакцияларини ҳосил қилишда информант сўзнинг маъносини тушунмаган ҳолда фақат шаклий тузилишига асосланади. Бундай ёндашувда синалувчи руҳиятида сўзнинг товуш-ҳарф занжири ёки талаффуз томонини ўзида жамлаган перцептив хусусиятлар актуаллашади. «Семантик фараз»нинг мавжуд эмаслиги, формал-товуш

---

[52] Қаранг: Волков В.В. Введение в психолингвистику: Пособие по спецкурсу. – Ужгород, 1994. – 202 с.; Воробьев В.В. Лингвокультурология (теория и методы). – М.: Изд-во Российского университета Дружбы народов, 1997. – 332 с.; Белянин В.П. Психолингвистика. Учебник. – М.: Флинта, 2003. – С.131; Кузнецова Л.Э. Қайд этилган тадқиқот.

[53] Береснева Н.И. Модель внутреннего лексикона в позднем онтогенезе (ассоциативный эксперимент): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Пермь, 1997. – 24 с.

томондан ўхшаш бўлган бошқа сўзнинг қидирилиши қуйидаги каби реакцияларнинг ҳосил қилинишига олиб келади: заяц – *яйца,* картина – *тина,* книга – *нога,* рябина – *рябь.*

2. Формал-семантик ёки деривацион реакциялар. Бу жавоб реакциялари информантнинг сўз маъносини англашда морфема (сўзнинг лексик маъно ташувчи асос қисми ёки грамматик маъно ифода этувчи аффикс)га асосланиши натижасида ҳосил бўлади. Морфема асосига таяниш орқали қуйидаги реакциялар ҳосил бўлади: звонок – *звонить,* кольцо – *колечко,* больной – *болит, боль;* аффикс морфемага таяниш асосида қуйидаги каби реакциялар ҳосил бўлади: игрушка – *погремушка.*

3. Семантик ёки семантик асосланган реакциялар. Олиманинг фикрича, бундай жавоб реакциялари сўзнинг ифода этган маъносига бевосита мурожаат қилиниши натижасида ҳосил бўлади ва улар тил луғат таркибининг туб қатламларига йўл очади.[54]

Сўнгги йилларда тилшуносликда ассоциатив моделларни белгилаш ва таснифлаш масаласига ҳам эътибор қаратилмоқда. М.В.Ермолова немис тилидаги тақиқ билдирувчи мақол ва маталларда қўлланган ассоциатив жуфтликларнинг қуйидаги семантик моделлари (фреймлар)ни белгилайди:

“1- модел: ёндошликка кўра ассоциация, сабаб – субъектга зарар етказиш.

2- модел: ўхшашликка кўра (1) ёки қарама-қаршиликка кўра ассоциация (2), сабаб – субъектга зарар етказиш.

3- модел: ёндошликка кўра ассоциация, сабаб – белгиланган тартибнинг бузилиши.

4- модел: ёндошликка кўра ассоциация, сабаб – муайян шароитларга эътиборсизлик.”[55]

Албатта, вербал ассоциациялар таҳлилига бу тарзда ёндашув ассоциатив муносабатдаги жуфтликларнинг матнни ташкил этишдаги вазифасини аниқлашга ёрдам беради.

---

[54] Джамбаева Ж.А. Ассоциативный эксперимент: методологические основы // Л.Н. Гумилев атындағы ЕҰУ Хабаршысы. 2013. - №1. - С. 20.

[55] Ермолова М.В. Ассоциативные семантические модели выражения запрета в немецком языке (на материале пословиц и поговорок) // Известия Российского гос.пед.ун-та имени А.И.Герцена. 2009. - №106. – С. 136-140.

Маълум бўладики, тилшуносликда вербал ассоциацияларнинг турли типлари фарқланса-да, ҳанузгача ассоциацияларни аниқлаш ва таснифлашнинг ягона тамойили ишлаб чиқилмаган. Ассоциациялар таснифи масаласига муносабат билдирган украин олимаси Е.И.Горошконинг фикрича, тилшуносликда “ассоциатив материалларнинг сифат жиҳатдан таҳлили ҳанузгача тўлиқ ечим топган эмас, ассоциацияларнинг бир-бирига зид келмайдиган тамойилга асосланган қандайдир ҳар жиҳатдан мукаммал таснифини тузиш мумкин эмас ва тузиш керак ҳам эмас... Ассоциациялар таснифи муаммоси айрим асосларга кўра бир-бирига зид келмайдиган ассоциатив алоқалар моҳиятини аниқлаш муаммоси билан бевосита боғлиқ. Эркин ассоциатив тажриба ўтказиш жараёнида актуаллашган ассоциацияларни қатъий тарзда лингвистик, мантиқий, психолингвистик ёки фалсафий категориялар орқали тавсифлаш мумкин эмас”.[56]

Бизнингча, вербал ассоциацияларни ҳосил бўлиши нуқтаи назаридан таснифлаб ўрганиш мавжуд таснифлардаги ҳар хилликка барҳам беради.

Вербал ассоциациялар, хусусан, лексик ассоциацияларни ҳосил бўлиши нуқтаи назаридан лингвистик ва экстралингвистик омиллар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш мумкин. Ўтказилган ассоциатив тажриба натижалари асосида ўзбек тилида лексик ассоциацияларнинг қуйидаги лингвистик омиллар билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўлиши аниқланди:

1. Лексемаларнинг семантик жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги.
2. Лексемаларнинг лексик-грамматик белгисига кўра алоқаси.
3. Лексемаларнинг услубий белгисига кўра алоқаси.
4. Лексемалар прагматик белгисининг муштараклиги.
5. Лексемаларнинг ясалишидаги умумийлик.
6. Лексемаларнинг талаффузда ҳамоҳанглиги.
7. Лексемаларнинг диалектал белгисига кўра боғлиқлиги.
8. Лексемалар миллий-маданий белгисининг муштараклиги.
9. Лексемаларнинг ижтимоийлик белгисига кўра яқинлиги.
10. Лексемаларнинг гендер белгисига кўра алоқаси.

---

[56] Горошко Е.И. Языковое сознание (ассоциативная парадигма): Дисс. ... д-ра филол. наук. – М., 2001. – С. 352-353.

Қайд этилган лингвистик омиллар билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўладиган ассоциацияларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. **Лексемалар семантикасига асосланган ассоциация.** Тилдаги лексик бирликлар инсон хотирасида нафақат шаклий ифодаси – моддий қобиғи, грамматик шакли; семантик, услубий-функционал, прагматик, акустик каби тил эгаси томонидан идрок этилган барча белгилари билан бирга яхлит ҳолда мухрланади. Мазкур белгилардан семантик моҳият устувор бўлганда маънодаги яқинлик, алоқадорлик, зидлик кабиларга кўра ўзаро муносабатда бўлган ассоциатив бирликлар ҳосил бўлади. Профессор А.Нурмоновнинг фикрича, "... ассоциация ҳам мазмун, ҳам шакл асосида ёки фақат шакл ё фақат мазмун асосида юзага келиши мумкин."[57] Д.Худойберганова ассоциацияларнинг ҳосил бўлишини сўз маъноси ва сўзга хос хусусиятлар билан боғлайди. Унинг фикрича, "инсон ўз хотирасида сўзларнинг маънолари билан бирга уларнинг объектив оламда ўз сезги аъзолари орқали ҳис этган хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам сақлайди. Шу сабабли муайян сўз уни эшитувчи одам хотирасида муайян ассоциацияларни пайдо қилади."[58]

Тилда лексемаларнинг семантик белгисига кўра ўзаро алоқаси ранг-баранг ассоциацияларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Жумладан, синонимик муносабатдаги лексик бирликларнинг ўзаро семантик алоқаси инсон хотирасида уларнинг бир-бирини ёдга солиши ва ассоциатив боғланишига сабаб бўлади. Масалан, *ўқитувчи – муаллим*, *чиройли – гўзал*, *ақлли – доно* ассоциатив жуфтликлари синонимик муносабат асосида ҳосил бўлади.

Антонимик муносабатдаги лексик бирликларнинг ассоциатив боғланиши ҳам семантик алоқадорликка асосланади. Маълумки, ҳар қандай зиддият бир-бирига қаршилантирилган

---

[57] Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари («Лингвистика» йўналишидаги магистрлар учун ўқув қўлланма). – Андижон. 2006. – Б. 59.

[58] Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2015. – Б. 101.

зид аъзоларни тақозо этади. Зид аъзоларнинг қаршилантирилиш орқали ўзаро боғланиши уларнинг тил эгаси хотирасида бир-бирини ёдга солиб туришига сабаб бўлади. Бу ҳолат семантик жиҳатдан ўзаро зидланувчи лексемаларнинг ҳам тилда лексик ассоциацияларни ҳосил қилишини англатади. Масалан, *олис* лексемаси *яқин* лексемаси билан, *аччиқ* лексемаси *ширин* лексемаси билан антонимик муносабати асосида ассоциатив боғланади.

Антонимлар моҳиятини ассоциатив тажрибалар асосида ўрганган тилшунос Ж.Дизнинг қайд этишича, зидланишдаги аъзолар бир-бирига шу қадар кучли боғланганки, агар инсонга антонимик жуфтликнинг бир аъзосини айтиб, ундан жавоб тариқасида бошқа сўзни айтиш сўралса, у ҳеч иккиланмай антоним билан жавоб беради. [59]

Антонимик ва энантиосемик бирликлар фарқини изоҳлар экан, Ё.Одилов антонимик бирликлар ассоциацияси ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Антонимияда зид аъзолардан бирининг воқеланиши ассоциатив тарзда иккинчисини намоён этади, яъни *яхши* дейилиши билан тасаввуримизда *ёмон* тушунчаси акс этади, энантиосемияда эса ундай эмас. Энантиосемик бирликлар киши тил хотирасида тайёр ҳолда мавжуд бўлса-да, уларнинг контекст билан боғлиқлиги туфайли бир маъно ассоциатив тарзда иккинчи маънони ёдга туширмайди».[60] Назаримизда, бу хулоса ҳар доим ҳам ўзини оқлайвермайди. Энантиосемик бирликлар контекстуал қўлланиш натижаси бўлса-да, инсон хотирасида бир-бирига зид маънолари билан ўрин олса, бир маъно иккинчи маънони ассоциатив тарзда ёдга солиб тураверади. Масалан, *маърака* лексемаси орқали хотирада *мотам маросими* билан бирга *тўй* лексемаси ҳам тикланади. *Қарз бермоқ* лексемасининг бир вақтда *қарзини қайтармоқ* ва *қарз олмоқ* энантиосемик маънолари ёдга тушади. Ёки *кир* лексемаси орқали инсон хотирасида *ифлос кийим* билан бирга *ювилган кийим* бирлиги ҳам жонланади. Кўринадики, таҳлил этилган энантиосемик бирликларда бир маъно ассоциатив тарзда иккинчи маънони хотирада тиклайди.

---

[59] Deese J. The structure of associations in language and thought. Johns Hopkins Press. 1965. – P. 216.

[60] Одилов Ё. Ўзбек тилида энантиосемия // Н.Маҳмудов, Ё.Одилов. Сўз маъно тараққиётида зиддият. – Тошкент: Akademnashr, 2014. 48-49.

Шуниси характерлики, лексик бирликлар маъносида юз берган ўзгаришлар семантик ассоциацияда ҳам ўз ифодасини топади. Масалан, ўзбек тилида *ош* лексемасининг дастлаб *овқат* ассоциацияси кучли позицияда бўлган бўлса, кейинчалик бу лексик бирликда маъно торайиши юз бериши натижасида *палов* ассоциацияси кучли позицияни эгаллаган. Бу ҳақда фикр юритар экан, М.М.Покровский ўхшашлик ёки бир-бирига зид маънода бўлган сўзлар бир-бирини ассоциатив тарзда ёдга солиши, шу сабабли улар ўхшаш тарзда ёки параллел равишда ўзгаришга учрашини қайд этади.[61] Англашиладики, лексик бирликлар семантик структурасидаги алоқадорлик нафақат вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши, ҳатто уларнинг ўзгаришга учрашининг ҳам омилларидан биридир.

Ўзбек тилида семантик алоқадорликка асосланган лексик ассоциацияларнинг яна бир кўриниши уядош лексемалар орқали ҳосил бўлади. Бир мавзу доирасидаги уядош лексемалар семантик жиҳатдан яқин тушунчаларни англатгани боис инсон хотирасида бир-бири билан ассоциатив боғланади. Масалан, *қалпоқ* лексемаси *дўппи* лексемаси билан, *ботинка* лексемаси *туфли* лексемаси билан ассоциатив муносабатга киришади.

Ўзбек тилида *қўй – ҳайвон, капалак – ҳашарот, ўрик – дарахт* типидаги ассоциатив жуфтликлар лексемалар ўртасидаги тур-жинс муносабати асосида ҳосил бўлса, *эшик – уй, бармоқ – қўл* жуфтликлари лексемалар ўртасидаги бутун-бўлак муносабати асосида ҳосил бўлади. Бу каби ассоциатив боғланишларнинг юзага келишида ҳам лексемаларнинг семантик алоқадорлиги муҳим ўрин тутади.

Шуниси қизиқки, айрим лексемаларнинг луғавий маъносида семантик ассоциациялар мужассам топади. Масалан, *ашула* лексемаси инсон хотирасида, аввало, *қўшиқ, қўшиқчи, хонанда, куй, ижро* ассоциатив бирликларини жонлантиради. Бу ассоциацияларнинг *ашула* лексемаси семик таркибида ҳам қайд этилиши лексик бирликнинг луғавий маъноси асосида ҳам семантик ассоциацияларни ҳосил қилишини кўрсатади. Фикримизни «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да *ашула* сўзига берилган қуйидаги изоҳ ҳам тасдиқлайди: «*Якка хонанда, гуруҳ*

---

[61] Покровский М.М. Избранные работы по языкознанию. – М., 1959. – С.21.

ёки хор ижро этадиган, куй басталанган (куйга солинган) асар ва унинг ижроси; қўшиқ».[62] Мисоллар таҳлилидан маълум бўладики, лексемаларнинг ўзига хос семантик хусусиятлари тилда турли ассоциацияларнинг ҳосил бўлишига олиб келади.

2. **Лексемаларнинг лексик-грамматик белгисига асосланган ассоциация.** Тилдаги лексемалар лексик-грамматик белгиси асосида ҳам ўзаро алоқа-боғланишда бўлиб, бу алоқа вербал ассоциацияларда ҳам ўз аксини топади. Масалан, от туркумига мансуб лексемалар бирлик ёки кўпликни, эркалаш, кичрайтириш, ҳурмат кабиларни ифодалаш-ифодаламаслиги, сифат ва равишлар белги даражаси, феъллар бўлишли – бўлишсизлик ёки қайси нисбат, майл, шахс-сон кабиларни ифодалашига кўра грамматик жиҳатдан фарқланади ва ҳоказо. Лексемаларнинг грамматик шакли асосида бир-бири билан боғланиши грамматик белгига асосланган ассоциацияларни ҳосил қилади. Масалан, *қиз – қизалоқ, қиз – қизлар, қиз – қизим; қизил – қип-қизил, тўқ қизил; айтсам – айтмасам, борай – боринг, ўқиш – ўқимаслик* ассоциатив жуфтликлари лексемаларнинг ўзаро боғлиқ грамматик белгилари асосида шаклланади. Ўтказилган ассоциатив тажриба материаллари шуни кўрсатадики, грамматик шаклга асосланган ассоциациялар маънога асосланган ассоциацияларга қараганда паст частотали, уларнинг стимул сўз билан алоқаси нисбатан кучсиз.

3. **Лексемаларнинг услубий белгисига асосланган ассоциация.** Тилда услубий белгиси асосида умумий парадигмага бирлашувчи лексемалар ҳам вербал ассоциацияларни ҳосил қилади. Масалан, илмий услубга хос *қўшув – айирув, тангенс – катангенс, морфология – синтаксис, нуқта – вергул;* бадиий услубга хос *жамол – ҳусн, шаббода – ел;* публицистик услубга хос *ободонлаштириш – кўкаламзорлаштириш, шартнома – ҳамкорлик* ассоциатив жуфтликлари умумий услубий белгиси асосида юзага келади.

4. **Лексемалар прагматик белгисига асосланган ассоциация.** Шуниси характерлики, лексемалар прагматик маъносининг муштараклиги асосида ҳам ассоциатив муносабатга киришади. Масалан, *афт – башара*, *ҳусн – чирой* ассоциатив

---

[62] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи жилд. А-Д. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 123.

жуфтликларининг шаклланишида лексемалар ўртасидаги синонимик муносабат бирламчидай туюлади. Бу ўринда шунга эътибор қаратиш лозимки, берилган мисолларда лексема ва унинг ассоциациясига хос умумий прагматик маънолар (уларнинг салбий ёки ижобий баҳо муносабатини ифодалаши) ассоциатив жуфтликларнинг бир-бирини ёдга туширишига олиб келган. Шу сабабли *афт* лексемаси эшитилиши ёки ўқилиши билан хотирада дастлабки ўринда айнан салбий баҳо муносабатини ифода этувчи *башара* (ёки *турқ*) лексемаси жонланади. Худди шундай, *ҳусн* лексемаси ҳам умумий прагматик маъноси асосида аввало айнан *чирой* лексемаси билан ассоциатив боғланади. Шунингдек, *қилтириқ – дўндиқ, қурумсоқ – қўли очиқ* жуфтликларида тил эгаларининг воқеликка салбий-ижобий муносабати бирламчи ассоциацияни ҳосил қилса, лексемалар ўртасида зидлик муносабати иккиламчи ассоциацияни ҳосил қилади.

5. **Лексемаларнинг ясалишига асосланган ассоциация.** Лексема ва у орқали ҳосил бўлган ясалмалар ўртасидаги муносабат ҳам инсон тафаккурида ассоциатив боғланишларни юзага келтиради. Масалан, *сув* лексемаси у асосида ҳосил бўлган *сувчи, сувли, сувсиз, сершув, сувдон* ясалмалари билан; *туз* лексемаси эса *тузли, тузсиз, тузла, туздон* ясалмалари билан ассоциатив боғланади. Лексема ва у асосида ҳосил бўлган ясалмалар муносабати парадигматик ассоциацияларни юзага келтиради.

Ўз навбатида ясалмалар ҳам асосдош сўзлар билан бир қаторда, асос қисмнинг ўзини ҳам ёдга туширади. Масалан: *пулдор – **пул**, пулли, пулсиз*; *ишла – **иш**, ишчи, ишли, ишсиз* кабилар.

Шуниси характерлики, сўз туркумларининг кўчиши асосида ҳосил бўлган ясалмалар ном ҳосил бўлиши учун туртки бўлган когнитив асосни хотирамизда жонлантиради. Масалан, *Бўривой* атоқли оти эшитилганда тил эгаси хотирасида *бўри тиши* ассоциациясининг тикланиши, *Ўғилой* атоқли отининг *ўғил кутиш* ассоциациясини ҳосил қилиши бежиз эмас.

“Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати” муаллифларининг фикрича, С.Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони” комедияси қаҳрамони *Сотти* исми “ўқувчида “сотмоқ” феъли билан боғлиқ ассоциацияни ҳосил қилиб, овсинлари сирини

қайнонага етказиб, уларни “сотадиган аёл” табиатига ишора қилган”.[63] Албатта, бир сўз туркумининг бошқа туркумга кўчиши асосида ҳосил бўлган бу каби номлар орқали ҳосил бўлган ассоциацияларда сўз ясалишига асос бўлган когнитив билим назарда тутилади.

6. **Лексемаларнинг талаффузда ҳамоҳанглигига асосланган ассоциация.** Турли маъноларни англатувчи, бироқ талаффузда ҳамоҳанг, инсон томонидан семантик жиҳатдан яқин бирликлар сифатида идрок этилувчи паронимик жуфтликлар муносабатида ҳам ассоциатив алоқа кузатилади. Ўзбек тилида қуйидаги лексемалар орасида шу турдаги ассоциатив алоқани кузатиш мумкин: *адресант – адресат, дипломант – дипломат* кабилар. Рус олимаси Е.А.Коневанинг фикрича, паронимлар тил бирлиги сифатида маъноси субъектив яқин бўлган лексемалар сифатида характерланади, бундай яқинлик баъзан индивид онгида уларнинг аралашиб кетишига олиб келади, кўп ҳолларда нутқий вазиятда бир контекстда қўлланган паронимлар индивид томонидан бири иккинчиси ўрнида қўллаш мумкин бўлган тенг маъноли лексемалар сифатида идрок этилади.[64] Паронимларнинг тил эгаси томонидан семантик яқин бирликлар сифатида идрок этилиши уларнинг инсон хотирасида ассоциатив боғланишига сабаб бўлади.

Ассоциатив боғланиш баъзи тилшунослар томонидан паронимларнинг ўзига хос кўринишлари сифатида ажратилаётган псевдопаронимларда[65] (ёки парономазия, паронимик аттракцияда[66]) ҳам қайд этилади. Бу каби паронимлар турли асосларга эга бўлса-да, уларнинг акустик ҳамоҳанглиги бир-бирини эслатиб туришига сабаб бўлади. Хусусан, *кворум – форум, инъекция – инфекция* лексик ассоциациялари шу тарзда ҳосил бўлади.

---

[63] Худойберганова Д., Анданиязова Д. Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Turon zamin ziyo, - Б.88-89.

[64] Конева Е.А. Специфика функционирования паронимов в ментальном лексиконе (экспериментальное исследование): Автореф. дисс. … канд. филол.наук. - Курск, 2010. – С.11.

[65] Конева Е.А. Кўрсатилган тадқиқот. – Б.8-9.

[66] Кузнецова И.Н. Теория лексической интерференции: Автореф. дисс. … д-ра филол.наук. – М., 1998 // cheloveknauka.com

Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, нафақат пароним жуфтликлар, талаффуз жараёнида товуш тизимида юзага келадиган ўхшашлик асосида турли қўлланишлар ҳам нутқ оқимида бир-бирини "чақиради", ёдга солади. Ўзбек тилидаги газета матнлари бўйича ассоциатив тажриба ўтказган И.Азимованинг хулосасига кўра, стимул матн таркибидаги лисоний воситаларга шаклан ўхшаш бўлган ассоциациялар шаклий ўхшашлик асосида ҳосил бўлади. У *делегация, конференция, комиссия* сўзлари алоқасида маъновий эмас, балки шаклий ўхшашлик асосидаги ассоциатив боғланиш мавжудлигини, бундай ассоциатив боғланишда маъно хусусидаги информация етарли бўлмагач, шакл ўз-ўзидан муҳим омилга айланишини баён қилади.[67] Назаримизда, бу ўринда *делегация, конференция, комиссия* сўзларининг шаклий ўхшашлиги ҳақида эмас, сўз бўғинлари (сўнгги бўғинлар)нинг талаффуздаги ҳамоҳанглиги ҳақида фикр юритиш тўғри бўлади.

Баъзан икки тил бирлигининг таркибий структурасидаги ўхшашлик уларнинг талаффузда ҳамоҳанг бўлишига олиб келади. Бундай ҳолат ҳам тилда вербал ассоциацияларнинг шаклланишига туртки беради. "Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати"да қайд этилишича, А.Ориповнинг "Гулзор" номли шеърида қўлланган *Бирлашган гуллар ташкилоти* тўқима ном бўлиб, ўқувчида *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти* ассоциациясини юзага келтиради.[68] Кўринадики, стимул бирлик ва ассоциация таркибий структурасидаги ўхшашлик уларнинг ассоциатив алоқасини таъминлаган.

7. **Лексемаларнинг диалектал белгисига асосланган ассоциация.** Тилдаги диалектал қўлланишлар адабий тилдаги муқобиллари билан ассоциатив муносабатга киришади. Бу ҳолат тил эгалари тафаккурида адабий тил ва диалектал бирликларнинг бир гуруҳга бирлашуви ва шу асосда хотирадан ўрин олиб, бир-бирини ёдга солиб туришини англатади. Масалан, *нарвон – шоти, бешик – гавора, буви – эна, дўппи – каллапўш, айрон –*

---

[67] Азимова И. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол.фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ЎзМУ, 2008. – Б.64.

[68] Худойберганова Д., Анданиязова Д. Кўрсатилган луғат. - Б.25.

чалоп ассоциатив жуфтликлари адабий тил – диалект муносабати асосида ҳосил бўлади.

Нафақат диалектал қўлланишлар, баъзан лексик бирликнинг инсон хотирасидан ўрин олган турли тиллардаги муқобиллари ҳам ассоциатив боғланишларни юзага келтиради. Масалан, *ялмоғиз кампир – бабаяга, бекат – остановка, чипта – билет, дастур – программа* ассоциациялари шулар жумласидандир.

8. **Лексемаларнинг миллий-маданий белгисига асосланган ассоциация.** Ташқи олам ва унда содир бўлаётган ранг-баранг воқеа-ҳодисалар, кишилар ўртасидаги ижтимоий, сиёсий, маданий, ҳиссий муносабатларнинг вербал ифодасида лексик бирликлар алоҳида ўрин тутади. Лексик бирликлар семантикасида умуминсониятга ёки муайян этносга хос маданият белгилари ҳам акс этади. Муайян этноснинг миллий-маданий хусусиятлари алоҳида олинган лексик бирликлар мисолида очиб берилади. Айни шу бирликлар тилнинг миллий-маданийлик белгисини ёркин намойиш эта олади. Масалан, *қурбонлик, келинсалом, ҳайит, дўппи, чопон, рўмол* лексемалари денотатив маъносидан ташқари улар ифода этган удум ва кийимларнинг ўзбек халқи маданиятига хослиги ҳақидаги маълумотни ҳам ташийди. Бундай бирликлар миллий-маданий бирликлар бўлиб, бу белги изоҳли луғатларда ҳам баъзида қайд этилади. Масалан, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да *келинкўрди* лексемасининг қуйидаги маъноси берилган: «**КЕЛИНКЎРДИ, келинкўрар этн.** Туркий халқларда, жумладан, ўзбекларда никоҳ тўйининг эртасига куёвнинг қариндошлари, танишлари, қўни-қўшнилари иштирокида ўтказиладиган янги келинчакни кўриш одати».[69] Кўринадики, бу бирликка *этник* пометасининг қўйилганлиги унинг муайян этнос тилига мансуб миллий-маданий бирлик эканини кўрсатади.

Лексик бирликларга хос бу каби миллий-маданий белгилар уларнинг инсон тафаккурида муайян гуруҳларга бирлашувига олиб келади. Шу сабабли *ўзбек* лексемаси ўзбек халқи хотирасида *миллат, халқ, Ўзбекистон* лексемаларидан ташқари, *келинсалом, ҳайит, чопон* каби миллий-маданий семали лексик

---

[69] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. Е-М. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. - Б.346.

бирликларни ҳам тиклайди. Ёки бўлмаса, *дўппи* лексемаси ўзбек миллатига мансуб тил эгаси тафаккурида *ўзбек* лексик бирлиги билан, қозоқ миллатига мансуб киши тафаккурида *қозоқ* лексемаси билан ассоциатив боғланишни ҳосил қилади. Бироқ рус миллатига мансуб кишида, у дўппининг қайси халқнинг миллий бош кийим экани ҳақида бирор билимга эга бўлсагина, *ўзбек, қозоқ, қирғиз, татар, тожик* лексемаларидан бири ёки ҳаммаси билан ассоциатив муносабатга киришади. Бу ҳолат айрим лексемаларнинг миллий-маданийлик белгиси асосида турли ассоциацияларни ҳосил қилишини кўрсатади.

Баъзи лексемалар бир қарашда миллий-маданийлик белгисига эга бўлмаса-да, айрим кишилар онгида миллий-маданий ассоциациялар сифатида гавдаланади. Д.Худойберганованинг қайд этишича, «…айрим ҳолларда предметнинг онгдаги образи миллий ассоциацияларни ҳам ифодалаши мумкин. Масалан, *пахта* сўзини бошқа тилларга таржима қилиш мумкин. Бу сўзнинг муқобили бўлмаган тилда эса мазкур тушунчани сўз бирикмаси орқали ифодалаш мумкин. Лекин пахта ҳақида бошқа миллат вакили онгида пайдо бўлган ассоциациялар билан ўзбек миллатига мансуб кишининг онгидаги ассоциациялар ўртасида муайян фарқлар бўлиши табиий»[70]. Дарҳақиқат, *пахта* лексемаси бу хом ашёни етиштирувчи миллат хотирасида *дала, эгат, кўсак, этак, терим, пахта териш машинаси, пахта уюми, хирмон, ҳашарчилар, тушлик* каби лексик бирликларни ёдга тушириши аниқ. Аммо пахта даласида бўлмаган, пахта терими ҳақида маълумотга эга бўлмаган тил эгаларининг *пахта* лексемасига доир ассоциациялари ўта жўн ва чекланган бўлиши табиий.

9. **Лексемаларнинг ижтимоий белгисига асосланган ассоциация.** Маълумки, тилдаги диалектал қўлланишлар, муайян социал гуруҳларга хос лексик бирликлар тил эгаларининг ижтимоий мавқеи, касб-кори, машғулоти кабилар ҳақида ҳам маълумот ташийди. Бундай лексемаларнинг инсон хотирасида бир-бирини ёдга тушириши ва ассоциатив боғланишига ижтимоий белгисига кўра яқинлиги сабаб бўлади. Масалан,

---

[70] Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2015. – Б. 33.

фермер лексемаси *деҳқон* лексемасини, *врач* лексемаси *ҳамшира* лексемасини ёдга туширади. Бу турдаги бирликлар бир-бири билан доимий алоқа-муносабатда бўлувчи касб-кор, машғулот эгаларини англатишига кўра ассоциатив жуфтликларни ҳосил қилса, *устоз – шогирд, бошлиқ – котиба* лексемалари шахсларнинг социал муҳитдаги мавқеини ифода этиши асосида ассоциатив жуфтликларга бирлашади.

Муайян социал гуруҳлар нутқига хос лексик бирликлар ҳам доим шу гуруҳ эгаларига ишора қилиб туради. Масалан, *муллажиринг – отарчи, соққа – олибсотар* кабилар. Бундай жуфтликларда ҳам лексемаларнинг ижтимоийлик белгисига кўра ассоциатив алоқаси кузатилади.

10. **Лексемаларнинг гендер хусусиятларига асосланган ассоциация.** Тилдаги гендер маркерли лексик бирликлар айнан шундай белгига эга лексик бирликлар билан ассоциатив боғланишларни ҳосил қилади. Масалан, *аёл* лексемаси *хотин* лексемаси билан ёки *эркак* лексемаси бир вақтда *эр* лексемаси билан ассоциатив муносабатга киришади. Бу ҳолат лексик бирликларнинг семантик белгиси билан бирга гендер хусусияти асосида ҳам инсон тафаккурида гуруҳларга бирлашувини кўрсатади.

Шуниси характерлики, гендер белгисига кўра ўзаро зидланувчи лексик бирликлар ҳам ассоциатив муносабатга киришади. Масалан, *йигит* лексемаси *қиз* лексемаси билан, *чол* лексемаси *кампир* лексемаси билан гендер белгисига кўра зидланади. Бу зидлик айни лексик бирликларнинг бир-бирини хотирада тиклашига йўл очади. Нутқимизда тез-тез учраб турувчи *«Эру хотин – қўш ҳўкиз», «Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қора ер қиладиган ҳам хотин»* мақолларини *эр, хотин* лексемаларининг ассоциацияси сифатида баҳолаш мумкин.

Маълум бўладики, тилда ассоциатив бирликлар вазифасини кўпинча синонимлар, антонимлар, паронимлар, уядош сўзлар, бир асосдан ясалган лексемалар, талаффузда акустик жиҳатдан ҳамоҳанг бўлган лексик бирликлар, маданийлик, ижтимоийлик белгисига кўра умумий бўлган лексемалар бажаради. Бироқ ассоциатив бирликлар вазифасида паремиялар, иборалар, ўхшатишли бирикмалар ҳам келишини кузатиш мумкин. Масалан, *кўз* лексемаси хотирада *кўзи тушмоқ,*

кўз тегмоқ ибораларини тиклаб, улар билан ассоциатив муносабатга киришади.

Вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлишида экстралингвистик омиллар ҳам ўзига хос ўрин тутади. Ташқи оламдаги турли воқеликлар алоқадорлиги, тил эгаларининг шахс хусусиятлари, касб-кори, руҳияти, прагматик хоҳиши, воқеликка бўлган баҳо муносабати кабилар билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган ассоциациялар экстралингвистик омиллар саналади.

Тилшуносликда экстралингвистик омиллар таъсирида ассоциатив жуфтликларнинг ҳосил бўлиши муаммоси бўйича турли қарашлар мавжуд. М.М.Покровский вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлишига экстралингвистик омиллар (ташқи оламдаги предметлар, инсон руҳияти, халқ тарихи, маданияти кабилар)нинг таъсир кўрсатиши ҳақида мулоҳаза юритади. Унинг фикрича, “бу предметларни англатувчи сўзлар тилда бир-бири билан ассоциацияланади ва, албатта, уларни ифода этувчи предметлар ҳам инсон онгида ассоциатив муносабатда бўлади”.[71]

Пароним жуфтликларнинг ҳосил бўлиши муаммосини ассоциатив тажрибалар асосида ўрганган рус олимаси Е.А.Конева ҳам паронимизация жараёнига экстралингвистик омиллар сифатида «инсон – жамият – маданият» ва касбий йўналганлик омилининг таъсир кўрсатишини қайд этади.[72] Англашиладики, ташқи оламдаги нарса-предметлар, воқеа-ҳодисалар, инсон ва ташқи олам ўртасидаги ассоциатив алоқа-муносабатлар тилда вербал ассоциациялар кўринишида ўз ифодасини топади.

Ўзбек тилида вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлишида қуйидаги экстралингвистик омиллар муҳим ўрин тутади:

1. Предметларнинг[73] макондаги алоқадорлиги.
2. Предметларнинг замондаги алоқадорлиги.
3. Предмет ва унинг белгиси муносабати.
4. Товуш ва унинг эгаси муносабати.

---

[71] Покровский М.М. Избранные работы по языкознанию. – М., 1959. – С.28.

[72] Конева Е.А. Специфика функционирования паронимов в ментальном лексиконе (экспериментальное исследование): Автореф. дисс. … канд. филол.наук. - Курск, 2010. – С.12.

[73] Предмет – кенг маънода.

5. Инсоннинг воқеликка муносабати.
6. Фаолият ва унинг объекти алоқадорлиги.
7. Фаолият эгаси ва унинг маҳсулоти алоқадорлиги.
8. Предметларнинг ўхшашлик белгиси.
9. Предметларнинг эгалик, тегишлилик, мансублик белгиси.
10. Предметлар орасидаги сабаб-натижа муносабати.
11. Предметларнинг ҳаётий зарурият белгиси.

Қайд этилган экстралингвистик омиллар билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўладиган ассоциацияларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. **Макондаги алоқадорликка асосланган ассоциация.** Муайян макондан ўрин олган предметлар, маконда юз берган воқеликлар, маконда амалга оширилган фаолият тури, маконда жойлашганлик кабилар инсон онгида шу макон билан биргаликда акс этади. Предмет, воқеа-ҳодиса ва макон ўртасидаги бундай алоқадорлик тилда лексик ассоциациялар муносабатида ҳам кузатилади. Масалан, арча ўрмон ва тоғда ўсувчи дарахт тури ҳисобланади. Арчанинг ўрмон ва тоғ билан макондаги алоқадорлиги *арча* лексемасининг *ўрмон, арча* лексик бирликлари билан ассоциатив боғланишини ҳосил қилади. Транспортнинг тўхташ ҳаракати бекат, муюлиш каби турли жойларда амалга оширилади. Мазкур ҳаракатнинг у амалга ошириладиган макон билан алоқаси *тўхтамоқ* лексемасининг *бекат, муюлиш* лексик бирликлари билан ассоциатив боғланишини юзага келтиради.

Маълумки, инсон ва у яшайдиган макон, иш-фаолият олиб борадиган корхона, ташкилот, ўқув даргоҳи кабилар алоқадорлиги асосида ҳам тилда турли ассоциациялар ҳосил бўлади. Масалан, *ўзбек – Ўзбекистон, врач – касалхона, дўкондор – дўкон, талаба – институт, ўқитувчи – мактаб* ассоциатив жуфтликлари мана шу алоқадорлик асосида шаклланади.

2. **Замондаги алоқадорликка асосланган ассоциация.** Ассоциациянинг бу кўриниши муайян предмет, воқеа-ҳодисанинг замон билан алоқаси асосида ҳосил бўлади. Масалан, сумалак баҳор ойида пиширилади таом туридир. Сумалак пиширилишининг анъанавий тарзда йилнинг муайян фасли билан боғланиши тил эгалари тафаккурида *сумалак – баҳор* ассоциатив

жуфтлигининг юзага келишига сабаб бўлади. Худди шундай, *Наврўз – баҳор*, *қор – қиш, хазон – куз* ассоциатив жуфтликлари ҳам замондаги алоқадорлик асосида шаклланади.

Баъзан вақт семали бирликлар айни шу семадаги бирликлар билан ассоциатив муносабатга киришади. Масалан, *ёз* лексемаси орқали инсон хотирасида аввало *фасл* лексемаси тикланади. Ёз фасли бошқа фасллар каби йилнинг маълум вақти билан алоқадор бўлгани боис бу лексема бир вақтда *июнь, июль, август* ой номларини ҳам хотирада тиклайди. *Ёз* лексемасининг вақт тушунчаси билан алоқадорлиги унинг *вақт, кун, ой* лексемалари билан ассоциатив боғланишини ҳам таъминлайди. Нутқимизда фаол қўлланувчи *ёз ойи, ёз вақти, ёз кунлари* сўз бирикмаларини *ёз* лексемасининг *ой, вақт, кун* лексемалари билан ассоциатив боғланиши асосида ҳосил бўлган дейиш мумкин.

Кишиларнинг замон билан алоқаси *Алишер Навоий – XV аср*, *Чўлпон – XX асрнинг 20-йиллари* ассоциатив жуфтликларида ўз ифодасини топади.

3. **Предмет ва унинг белгиси муносабатига асосланган ассоциация.** Бундай ассоциация предмет ва унга хос белги ва, аксинча, белги ва унинг эгаси муносабати асосида ҳосил бўлади. Маълумки, ташқи оламдаги нарса-предметлар ранг-тус, маза-таъм, ҳид, шакл-кўриниш, хусусият каби қатор белгиларга эга. Бу белгилар инсон томонидан дастлаб сезги органлари орқали ҳис қилинади. Инсон сезги аъзолари ташқи олам ва тафаккурни ўзаро боғловчи кўприк вазифасини бажаради. Бироқ бу вазифани амалга оширишда барча сезги аъзоларимиз бирдай иштирок этмайди. Ҳ.Шамсиддиновнинг қайд этишича, «бу жараёнда кўрув сезгисига мансуб хотира тасаввурининг иштироки энг фаол ҳисобланади. Бунинг ўз сабаблари мавжуд. Биринчидан, инсон борлиқ ҳақидаги информациянинг асосий қисмини кўрув сезгиси аъзоси – кўз орқали олади: нарса-ҳодисанинг шакли, ранги, ҳолати, миқдори, ҳаракати ҳақидаги маълумотлар кўрув сезгиси орқали шаклланади. Иккинчидан, кўрув сезгиси орқали олинадиган информация нарса-ҳодисанинг бевосита контактисиз муайян масофа орқали ҳам шаклланиши мумкин. Шу сабабли ҳам ном берилиши кутилаётган нарса-ҳодисага ном беришда кўрув

хотира тасаввурлари ассоциациясининг ўрни беқиёс ва унумлидир»[74].

Сезги тасаввури орқали ҳосил бўладиган ассоциацияларни бирламчи ассоциация ҳисоблаш мумкин. Бу ўринда бирламчи ва иккиламчи ассоциацияларни фарқлаш лозим. Жумладан, *хушбўй* ассоциацияси *райҳон* лексемасининг бирламчи ассоциациясидир. Бу ассоциация райҳон ҳидини туйиш орқали ҳосил бўлган. Райҳонга хос бу белги инсон хотирасидан ўрин олгани боис ҳар гал райҳон ҳиди ҳис этилмаса ҳам, *хушбўй* ассоциацияси тикланаверади. Бундай ҳолатда предмет ва унинг белгиси муносабатини акс эттирувчи *райҳон – хушбўй* иккиламчи ассоциацияси юзага келади. Худди шундай, кўриш, эшитиш, таъм билиш, тери сезгиси кабилар орқали ҳис қилинган белгилар предметларга хос доимий белги сифатида инсон хотирасидан ўрин олган ҳолатларда ҳам предмет ва унинг белгиси муносабатини акс эттирувчи иккиламчи ассоциациялар ҳосил бўлади. Қиёсланг: *қор – оппоқ, пахта – юмшоқ, қанд – ширин, тун – қоронғилик* кабилар.

Кишиларнинг шахс хусусиятлари (характери, ёши, жинси, касби, маълумоти, воқеликни қай тарзда идрок этиши, дунёқараши кабилар) билан боғлиқ тарзда юзага келадиган ассоциацияларни ҳам предмет (шахс) ва унга хос белги (шахс хусусиятлари) муносабатига асосланган ассоциация сифатида баҳолаш мумкин. Масалан, *қиз – нозик, кампир – қари* ассоциатив жуфтликлари шахс ва унга хос белги-хусусият алоқадорлиги асосида ҳосил бўлса, *бўйдоқ – йигит, бижилдоқ – қизча* ассоциатив жуфтликлари, аксинча, характер-хусусият ва унинг эгаси муносабатини акс эттиради.

4. **Товуш ва унинг эгаси муносабатига асосланган ассоциация.** Инсон онгида эшитилган товуш ва унинг эгаси ҳақидаги маълумотлар ҳам бирга ўрин олади. Бу ҳолат товуш ва уни ҳосил қилган предмет, жонивор, шахс; товушни юзага келтирган воқелик кабиларнинг вербал ифодаси инсон хотирасида биргаликда жонланишидан далолат беради. Шу сабабли *инга-инга* товуши тил эгаси хотирасида *чақалоқ*

[74] Шамсиддинов Ҳ. Кўрув хотира тасаввури ассоциацияси асосида юзага келган номлар// Тилшуносликнинг долзарб масалалари (Илмий мақолалар тўплами). III қ. – Тошкент. 2006. – Б.19.

лексемасини, *тўқ-тўқ* товуши *туфли* ёки *ҳасса* лексемасини, *чи-чи* товуши эса *сичқон* лексемасини ёдга туширади. Бир-бирини ёдга солувчи бу лексик бирликлар тафаккурда ассоциатив боғланган гуруҳларга бирлашади. *Пиқ-пиқ – йиғи, хиринг-хиринг – кулги* ассоциатив жуфтликларининг ҳосил бўлиши эса товуш ва уни келтириб чиқарган воқелик алоқадорлигига асосланади.

5. **Инсоннинг воқеликка муносабати, истак-хоҳишига асосланган ассоциация.** Кишиларнинг воқеликка муносабати, истак-хоҳиши каби экстралингвистик омиллар билан боғлиқ тарзда ҳам тилда турли ассоциациялар юзага келади. Масалан, *мастава* стимул сўзига берилган *аччиққина* жавоб реакцияси, *ширинлик* стимул сўзи асосида ҳосил бўлган *жони дилим* ассоциацияси тил эгасининг воқеликка ижобий муносабатини акс эттиради. *Шоколад – ейман, велосипед – олиб беринг* (болаларга хос ассоциация), *машина – қани бўлса, Париж – борсам* ассоциатив жуфтликлари эса тил эгасининг истак-хоҳиши билан боғлиқ ҳолда шаклланади.

6. **Фаолият ва унинг объекти алоқадорлигига асосланган ассоциация**. Иш-фаолият ва у амалга ошириладиган объект ўртасидаги ассоциатив алоқа ҳам тилда турли ассоциацияларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Жумладан, *чопиқ – ўт, терим – пахта, боғбончилик – боғ* лексемалари муносабатида мана шундай ассоциация кузатилади.

7. **Фаолият эгаси ва унинг маҳсулоти алоқадорлигига асосланган ассоциация.** Муайян касб-кор эгалари томонидан ишлаб чиқарилувчи доимий маҳсулот турлари инсон хотирасида шу маҳсулот эгалари ҳақидаги тасаввурни ҳам жонлантиради, ва аксинча, касб-кор эгалари орқали улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ёдга келади. Иш-фаолият эгалари ва уларнинг маҳсулотлари орасидаги бундай ассоциатив алоқа тилда ҳам турли ассоциацияларда ўз аксини топади. Масалан, *ошпаз* лексемасининг *овқат, лағмон, палов, шўрва* каби номларни ёдга тушириши ошпаз фаолияти ва у пиширган таом турлари билан боғлиқ. Тил эгалари томонидан *тикувчи* лексемасига берилган *кўйлак* ассоциацияси, *пахтакор* лексемасининг *пахта, қурувчи* лексемасининг *уй, сомсапаз* лексемасининг *сомса, нонвой* лексемасининг *нон* ассоциациялари ҳам экстралингвистик омил –

иш-фаолият эгаси ва унинг маҳсулоти алоқадорлигига асосланади.

8. **Ўхшашликка асосланган ассоциация.** Тил эгалари томонидан муайян нарса-предметнинг маълум белгиси асосида бошқа нарса-предметга ёки шахснинг бирор нарсага ўхшатилиши уларнинг тафаккурида ўхшатилувчи ва ўхшатилмиш алоқадорлиги ҳақидаги тасаввурни шакллантиради. Мана шу тасаввур тилда ўхшатишли ассоциацияларни юзага келтиради. Масалан, *қурут* лексемаси *тошдек* лексемаси билан ассоциатив муносабатга киришади. Қурутнинг қаттиқлик белгиси асосида тошга ўхшатилиши *қурут* ва *тошдек* лексемалари орасида ассоциатив алоқани ҳосил қилади. *Юз – кулча, киприк – камон, ошиқ – Мажнун* ассоциатив жуфтликларини ҳам ўхшатиш муносабати асосида юзага келган дейиш мумкин.

Шунингдек, ўхшатишли бирикмаларда ўхшатиш асоси ёки ўхшатиш субъекти қўлланмаса-да, ўхшатиш эталони (ўхшатиш асосидаги образ) уларнинг хотирада осон тикланишга ёрдам беради. Масалан: *дўппидай ҳовли* (кичкина), *алифдай қомат* (тик); *бўздай оқ* (юз), *гурзидай катта* (мушт), *дўмбирадай шишган* (қорин) кабилар.

Шуниси характерлики, метафорик кўчимлар ҳам ўхшатишга асосланган ассоциацияларни ҳосил қилади. Метафорик кўчимлар бевосита ўхшатиш эталонига ишора қилиб туради. Шу боис тил эгаларига маълум бўлган доимий метафорик кўчимлар бир вақтда ўхшатиш эталонини ҳам хотирада тиклайди. Масалан: *темир (интизом), олтин (куз), ширин (хаёл), метин (ирода)* кабилар.

Профессор Н.Маҳмудовнинг қайд этишича, турғун ўхшатишларда ўхшатиш эталонида ифодаланган образ барқарорлашган бўлади, бундай ўхшатишлар, гарчи муайян шахс ёки ижодкор томонидан қўлланган бўлса-да, вақт ўтиши билан тил жамоасида урфга кириб, доимий ифодалар сифатида турғунлашган, умумхалқ тили лексиконидан жой олиб улгурган бўлади. Бундай ўхшатишлар худди тилдаги тайёр бирликлар каби нутққа олиб кирилади.[75] Турғун ўхшатишларга хос бу хусусият

[75] Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Н.Маҳмудов, Д. Худойберганова. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. -Тошкент: Маънавият, 2013. – Б. 6.

тил эгалари томонидан тез идрок этилиши ҳамда ўхшатиш эталони билан онгда доимий тарзда ассоциатив боғланишда эканини кўрсатади.

Индивидуал характердаги метафорик қўлланишлар тил эгалари томонидан илгари эшитилган ҳолатларда ҳам метафорик маъноли ассоциатлар ўхшатиш эталонини ёдга туширади. Масалан, *пул – ҳокимият, қайнана – аждаҳо* жуфтликларида ассоциатларнинг метафорик кўчимга асосланганлиги сезилиб туради.

9. **Эгалик, тегишлилик, мансублик белгисига асосланган ассоциация.** Воқеликдаги нарса-предметлар ва унинг эгаси ўртасидаги ассоциатив боғланиш тилда ҳам ўз ифодасини топади. Шу асосда *сўрғич* лексемаси *чақалоқ* лексемаси билан ассоциатив боғланади, *галстук* лексемаси эса *бошлиқ* лексемаси билан ассоциатив алоқага киришади. Ер, Қуёш, Ойнинг планетага мансублиги *Ер, Қуёш, Ой* лексемаларининг *планета* лексемаси билан ассоциатив алоқасини ҳосил қилади. Мана шу алоқа асосида нутқимизда *Қуёш планетаси, Ой планетаси, Ер планетаси* бирикмалари юзага келади.

10. **Сабаб-натижа муносабатига асосланган ассоциация.** Ташқи оламдаги воқеа-ҳодисалар баъзан бир-бири билан сабаб-натижа муносабати асосида боғланади. Бошқача айтганда, бир воқелик бошқа воқеликнинг юзага келишига сабабчи бўлади. Масалан, кучли шовқин кўпинча бош оғриғини келтириб чиқаради. Бу алоқадорлик тилда *шовқин* ва *бош оғриғи* бирликларининг ассоциатив алоқасини таъминлайди. *Ёмғир – лойгарчилик, булут – ёмғир* ассоциатив жуфтликлари ҳам икки воқелик ўртасидаги сабаб-натижа муносабатига асосланади.

11. **Ҳаётий зарурият белгисига асосланган ассоциация.** Ташқи оламдаги нарса-предметлар, воқеа-ҳодисаларнинг мавжуд бўлиши, яратилиши, амал қилиши, яшаши учун зарур бўлган ҳаётий заруриятлар билан алоқаси тилда *дафтар – қоғоз, балиқ – сув, ёмғир – булут, товуқ – дон* каби ассоциатив жуфтликларнинг шаклланишига йўл очади.

Хуллас, экстралингвистик омиллар билан боғлиқ ҳолда ҳам тилда турли вербал ассоциациялар юзага келади. Экстралингвистик омил асосида юзага келадиган вербал

ассоциацияларнинг турларини яна кўплаб ажратиш мумкин. Бунга ташқи оламдаги ранг-баранг муносабатлар таъсир кўрсатади. Жумладан, И.Азимованинг ўзбек тилидаги газета матнларининг мазмуний перцепцияси муаммосини психолингвистик аспектда ўрганишга бағишланган тадқиқотида матн сарлавҳасига берилган ассоциацияларнинг реципиент оилавий шароити билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўлганлиги қайд этилган ёки газета матнида реципиент учун нотаниш бўлган сўз тушунилмаса, унинг ўрнини контекстга асосланган ассоциация эгаллаши кўрсатилган. [76]

[76] Азимова И. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол.фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ЎзМУ, 2008. – Б.115, 126.

IV. “АССОЦИАТИВ МАЙДОН” ТУШУНЧАСИ

Ассоциатив тилшуносликда *ассоциатив майдон* тушунчаси таянч тушунчалардан бири саналади. *Ассоциатив майдон* терминини илмий муомалага машҳур француз тилшуноси Ш.Балли киритган.

Ассоциатив майдон – структур жиҳатдан лексикографик хусусиятга эга бўлган, моҳиятан инсон онгида акс этган муайян воқелик, унинг ҳамроҳлари образининг вербал ифодаси, у ҳақдаги тасаввури, билимларини намойиш этувчи тилнинг ўзаро ассоциатив боғланган семантик ва грамматик муносабатдаги бирликлари йиғиндисидир.

Ассоциатив майдон тилдаги бошқа майдон кўринишлари, хусусан, *функционал-семантик майдон (мазмуний майдон)*дан фарқланади.

Манбаларда *функционал-семантик майдон* тушунчаси турлича талқин этилади. А.Нурмонов ва Ш.Искандарова-ларнинг маълумот беришича, “И.Трир мазмуний майдон сифатида “тушунчалар майдони”, “тушунчалар доираси”ни назарда тутади. Л.Вайсгербер “тил мазмунининг маълум қисми”, “таркибининг бўлаги”, В.Порциг “маъноларнинг моҳиятан боғлиқлиги”, Г.Ипсен мазмуний ва грамматик жиҳатдан боғланган сўзлар гуруҳини семантик майдон тарзида талқин этади. А.Йоллес эса уни “семантик бирлашиш” деб номлаб, унинг доирасида антонимик жуфтликларни белгилайди. Ф.Дорнзайф ва В.Вартбурглар тил лексик таркиби – ажратилиш мумкин бўлган семантик гуруҳларида мазмуний майдонни кўрадилар”.[77]

Функционал-семантик майдон тушунчасига ойдинлик киритиш учун уни *парадигма* тушунчасидан фарқлаш лозим. *Майдон* ва *парадигма* ўртасидаги фарқни изоҳлар экан, А.Нурмонов бир сатҳга мансуб, гомоген бирликларнинг бир умумий белги асосида хотирада муайян гуруҳларга бирлашувини *парадигма*; турли сатҳга мансуб, гетероген бирликларнинг бир

[77] Нурмонов А., Искандарова Ш. Тилшунослик назарияси. – Тошкент: Фан, 2008. –Б. 80-81.

умумий белги асосида хотирада муайян гуруҳларга бирлашувини эса *майдон* ҳисоблайди.[78]

Ш.Искандарова А.Нурмоновдан фарқли тарзда бирлаштирувчи семасига кўра умумий бўлган, аммо турли сатҳларга мансуб бирликлар (грамматик ва лексик бирликлар) йиғиндисини *функционал-семантик майдон* деб номлаган.[79] Биз ҳам бирлаштирувчи умумий семаси асосида ўзаро боғланган турли сатҳ бирликлари мажмуини *функционал-семантик майдон* сифатида талқин этамиз.

Ассоциатив майдон эса бир-бири билан ассоциатив боғланган (бир-бирини ёдга туширувчи) тил бирликларининг йиғиндиси бўлиб, бир сатҳга ёки турли сатҳга оид бирликлар муносабатидан ташкил топади. Ассоциатив майдонга ўзаро семантик боғланган бирликлар билан бирга, семантик жиҳатдан боғланмаган, тил эгаларининг руҳияти, дунёқараши, қизиқишлари, олам ҳақидаги билимлари билан боғлиқ ҳолда хотирасида тикланган бирликлар ҳам бирлашади. Бундай бирликлар нутққача тайёр тил бирликлари – лексик бирликлар, иборалар, матал, мақол, ҳикматли сўзлар, тил эгалари нутқида барқарор бирлик каби қўлланаётган айрим сўз бирикмалари ва гаплар ҳамда нутқ жараёнида ҳосил бўлувчи нутқий синтактик бирликлардир. Масалан, *имтиҳон* лексемасининг ассоциатив майдонидан, асосан, қуйидаги бирликлар ўрин олади: *синов, баҳо, баҳолаш, балл, рейтинг, тест, оралиқ баҳолаш, жорий баҳолаш, "2" баҳо, "5" баҳо, домла, пора, ҳаяжонли дақиқалар, имтиҳондан йиқилдим, имтиҳон куни, стипендия* кабилар. Кўринадики, ассоциатив майдон таркибидан лексик бирликлар билан бирга, синтактик бирликлар ҳам (*"2" баҳо, "5" баҳо, ҳаяжонли дақиқалар, имтиҳондан йиқилдим, имтиҳон куни* кабилар) ўрин олади. Ушбу майдонда стимул сўз билан семантик жиҳатдан боғланган (*синов, тест, оралиқ баҳолаш, жорий баҳолаш* кабилар) бирликлар билан бирга, бу лексемага семантик

---

[78] Нурмонов А. Парадигма ва унинг оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ)га муносабати. Танланган асарлар. III жилд. – Тошкент: «Akademnashr», 2012. –Б. 105.

[79] Қаранг: Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Филол. фан. док. … дисс. автореф. – Тошкент. 1999. – Б. 43.

жиҳатдан алоқадор бўлмаган бирликлар (*ҳаяжонли дақиқалар, стипендия, домла, пора* кабилар) ҳам учрайди.

Англашиладики, ассоциатив майдонда нафақат тилдаги лексик-грамматик боғланишлар, балки инсон тасаввуридаги алоқалар ифодаси ҳам акс этади. Шу боис тилдаги ассоциатив майдон кўринишларини ўрганиш тил ва тилдан ташқаридаги алоқа-боғланишларни аниқлашга имкон беради. Рус олимаси А.А.Залевскаянинг хулосасига кўра, ассоциатив майдонда айнан сўзлар ўртасидаги алоқа моделлари муайян тилдаги лексик боғланишларга хос характерли жиҳатларни кўришга имкон беради, шунга кўра алоҳида жавоб реакцияларинигина эмас, айнан ассоциатив майдонни таҳлил қилиш лозим, бунда юқори частотали жавоб реакциялари билангина чекланмай ёки якка жавобларнигина эътиборга олмай барча маълумотларни инобатга олиш лозим, негаки ассоциатив майдондаги қўлланиш частотаси паст ёки якка жавоб реакциялари бир ёки шу турдаги алоқа моделларини ҳосил қилиши, шу билан бирга, маданийлик белгиси жиҳатидан ўзига хос ва, айниқса, этномаданий тадқиқотлар учун қизиқарли бўлиши мумкин.[80]

Ассоциатив майдон тилдаги бошқа майдон кўринишлари каби ядро ва чегара қисмларидан ташкил топади. Майдоннинг ядро қисмидан қўлланиш частотаси юқори бўлган ассоциатлар ўрин олади. Бу бирликлар ассоциатив-вербал тармоқда энг кўп ассоциатив боғланишларни ҳосил қилади. Шу боис уларнинг бир вақтда бошқа ассоциатив майдонлардан ҳам ўрин олиши кузатилади. Майдон ядросидан ўрин олувчи бирликлар тил эгаларининг воқелик ҳақида универсал билимларга эгалигидан далолат беради. Н.О.Золотованинг фикрича, ядро «тил эгаси томонидан стимул сўзга энг кўп берилган жавоб реакциялари йиғиндиси", "юқори даражада ассоциатив кучга эга бўлган чегараланган миқдордаги бирликлар"дир.[81] Шунингдек, ядро бирликларининг инсон томонидан ёшлик давридаёқ ўзлаштирилиши, юқори даражадаги аниқлиги, эмоционаллиги,

---

[80] Залевская А.А. Психолингвистические исследования. Слово. Текст: Избранные труды. - М.: Гнозис, 2005. - С. 21-22.

[81] Золотова Н.О. Ядро ментального лексикона человека как естественный метаязык: Автореф. дис. … д-ра филол. наук. – Тверь: 2005. – С. 3.

образлилиги, базавий даражадаги мулоқотнинг қандайдир категорияларига мансублиги каби характерли жиҳатлари ҳам улардан ўта мавҳум, кўпмаъноли, шу билан бирга, номаълум сўзларни бир хиллаштириш жараёнида асосий элемент сифатида фойдаланишда қулайлигини кўрсатади.[82] Англашиладики, ассоциатив майдон ядросини белгилашда ассоциатларнинг қўлланиш частотаси энг муҳим омил ҳисобланади.

Ассоциатив майдоннинг чегара қисмида ассоциатлар қўлланиш частотасининг камайишига қараб жойлашади. Чегарадан ўрин олувчи ассоциатларнинг стимул сўз билан мантиқий-семантик алоқаси кучсизланиб боради.

Ҳар бир лексик бирликнинг ассоциатив майдони кўлами ва таркиби турлича бўлади. Ўз вақтида Ш.Балли ҳам турли индивидларда ассоциатив майдон кўлами турлича бўлишини қайд этган эди. А.Нурмонов ассоциатив майдонга хос бу белги асосида «ассоциатив қаторлар»нинг қуйидаги икки жиҳатини фарқлаган: а) таркибнинг ноаниқлиги; б) миқдорнинг чегарасизлиги. [83]

Ассоциациялар кўлами, хилма-хиллиги синалувчилар миқдорига боғлиқ. Синалувчилар қанча кўп бўлса, ассоциациялар миқдори шунча кўп ва ранг-баранг бўлади.

В.П.Абрамов ассоциатив майдонга хос хусусиятлар асосида унинг қуйидаги турларини ажратади: 1) тил эгалари характерига кўра умумий ва персонал; 2) актуаллик жиҳатидан доимий (анъанавий) ва вақтинчалик; 3) структур жиҳатдан содда (элементар) ва мураккаб; 4) ҳосил қилинишига кўра табиий ва сунъий; 5) қўлланиш доирасига кўра ўта жўн ва илмий; 6) ассоциацияларнинг мотивлашув даражасига кўра мажбурий ва эркин ассоциатив майдон.[84] Англашиладики, ассоциатив майдон

---

[82] Золотова Н.О. Ядро лексикона человека как феномен языкового сознания // Языковое сознание: содержание и функционирование. XIII Международный симпозиум по психолингвистике и теории коммуникации. – М., 2000. - С. 94.

[83] Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари («Лингвистика» йўналишидаги магистрлар учун ўқув қўлланма). – Андижон. 2006. – Б. 59.

[84] Абрамов В.П. Теория ассоциативного поля // Лексикология, фразеология и лексикография русского языка: http://netref.ru/leksikologiya-frazeologiya-i-leksikografiya-russkogo-yazika-te.html

турли омиллар билан боғлиқ ҳолда бир неча кўринишларда намоён бўлади.

Ассоциатив майдон таҳлилида унинг таркиби масаласи муҳим ўрин тутади. Ассоциатив майдоннинг асосий қисмини стимул сўз билан семантик жиҳатдан боғланган ассоциатлар ташкил этади. Баъзи ҳолларда ассоциат вазифасида стимул сўзнинг берилиши ҳам кузатилади. Ассоциатлар стимул сўз билан грамматик жиҳатдан бир шаклда, баъзан ҳар хил шаклда келиши мумкин. Майдон таркибида турли сатҳга мансуб ассоциациялар ҳам кузатилади. Масалан, ўтказилган ассоциатив тажрибаларда *билим* стимул сўзига тил эгалари томонидан қуйидаги ассоциацияларнинг берилиши аниқланди: *дарс, илм, китоб, малака, мактаб, коллеж, университет* каби от туркумига оид лексемалар; *ўқиш, изланиш, интилиш, билим олиш* каби феъл туркумига оид лексемалар; *билимсиз, билимли, билимдон* сифатлари, *билими зўр, чаласавод одам, билимлар уйи, билимдонлар жамоаси* сўз бирикмалари, *"Китоб – билим манбаи", "Билими зўр мингни ютар, билаги зўр – бирни", "Билимли минг яшар, билимсиз – бир*" прецедент жумлалари.

Ассоциатив майдонда баъзан сўзлашув нутқига оид ассоциатив бирликлар, лексик бирлик билан семантик жиҳатдан буткул боғланмаган ёки нутқий вазият, нутқ эгасининг руҳий ҳолати каби ташқи омиллар билан боғлиқ ҳолда юзага келган прагматик ассоциатлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, ўтказилган ассоциатив тажрибаларда *ҳунар* стимул сўзига берилган *вақт ўтказиш* ассоциати, *бўғирсоқ* лексемасига берилган *шажара* ассоциати стимул сўз билан семантик жиҳатдан боғланмаган ассоциатив бирликлар сирасига киради.

Ассоциатив майдон бирликлари индивидуал ва жамоавий характер касб этиши мумкин. Ҳар бир инсон воқеликни ўз тасаввури даражасида идрок этади. Бу ҳолат индивидуал ассоциатларнинг шаклланишига олиб келади. Шунингдек, индивидуал ассоциатларнинг шаклланишига тил эгаларининг касби, жамият ҳаётидаги мавқеи, жинси, ёши, ҳаётий тажрибаси кабилар ҳам таъсир кўрсатади.[85] Индивидуал ассоциатлар якка

[85] Бу ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Хошимова Н.А. Прагматические аспекты при исследовании ассоциаций // Вестник МГОУ. Серия «Русская филология». 2011. - № 6. – С. 91-93.

шахснинг ҳаётий тажрибаси асосида шаклланган воқелик ҳақидаги билимлари, қарашлари, руҳияти кабилар ҳақида маълумот беради. Масалан, *бой* стимул сўзига берилган *пули кўп, давлатманд, машинаси бор, ҳамма нарсаси ўзига етарли* ассоциатлари тил эгасининг бой одамлар ҳақидаги индивидуал қарашларини ифода этади. Ёки *дада* лексемаси учун берилган *Афанди* жавоб реакцияси муайян шахснинг характер-хусусиятига нисбатан ҳосил қилинган индивидуал ассоциат ҳисобланади. Ўхшатишга асосланган бу ассоциация бир вақтда ўзбек халқи хотирасида миллий бадиий образ сифатида жонланувчи халқ оғзаки ижоди қаҳрамонини ҳам гавдалантиради.

Жамоавий характердаги ассоциатлар воқеликнинг кўпчилик томонидан бир хил идрок этилиши асосида ҳосил бўлади. Бундай ассоциатлар кўпинча инсон ҳаёти билан боғлиқ энг муҳим тушунчаларни ифода этади. Масалан, *битирувчи* стимул сўзига берилган *мактаб, коллеж, лицей, сўнгги қўнғироқ, устозлар, синфдошларим, диплом, аттестат* ассоциатлари ҳар бир инсон ҳаётида унутилмас давр сифатида из қолдирадиган ўқувчилик ёки талабалик даври воқеликларини ёдга солувчи жамоавий характердаги ассоциатлардир. Муайян тилнинг меъёрий ассоциатив луғати учун мана шундай жамоавий характердаги ассоциатив бирликлар асос қилиб олинади.

Шуниси характерлики, ассоциатив бирликлар индивидуал ёки жамоавий тусда бўлмасин, тил эгаларининг тафаккури маҳсули саналади.

Ассоциатив майдон стимул сўз вазифасидаги лексик бирликнинг маъно хусусиятларини ўрганишда муҳим ўрин тутади. Ассоциатив майдон стимул сўзнинг луғавий маъноси, луғатларда акс этмаган айрим коннотатив, услубий, прагматик, диалектал маънолари, нутқий қўлланишдаги хусусиятлари, кўчма маъноларини аниқлашга имкон беради. Бу жиҳатдан ассоциатив майдонни лексик бирликнинг нафақат ассоциатив структураси, балки турли маъно хусусиятларини аниқлашга имкон берувчи манба сифатида баҳолаш мумкин.

Хуллас, ассоциатив майдон бир-бири билан ассоциатив боғланган тил бирликлари йиғиндиси сифатида муҳим маълумотлар базаси ҳисобланади.

V. ВЕРБАЛ АССОЦИАЦИЯЛАРНИНГ МАТН ҲОСИЛ ҚИЛИШДАГИ ЎРНИ

(Алишер Навоий ва Эркин Воҳидов шеърий матнлари мисолида)

Ҳар қандай матннинг шаклланишида муаллифнинг тасвир объекти билан боғлиқ вербал ассоциациялари муҳим ўрин тутади. Вербал ассоциациялар матнни ҳосил қилувчи, уни семантик-синтактик жиҳатдан шакллантирувчи асосий таянч бирликлар вазифасини ўтайди. Бу жиҳатдан қараганда, ҳеч бир матннинг лингвистик хусусиятига ассоциатив таҳлилларсиз ҳаққоний баҳо бериб бўлмаслиги маълум бўлади. Айниқса, бадиий матн таҳлилига ассоциатив ёндашув матннинг семантик-синтактик таркибини аниқлашга ёрдам беради.

Бадиий матнда қўлланган ассоциатив муносабатдаги бирликлар таҳлили орқали ижодкорнинг воқеликни идрок этиши ва у ҳақдаги тасаввурлари, лексик заҳираси, заҳира кўлами ҳамда таркиби, ижодкорнинг сўз танлаш маҳорати ҳақида қимматли билимларга эга бўлиш мумкин. Бу ҳолат инсоннинг психологик тасаввури асосида хотирасида бир-бирини ёдга туширувчи ассоциацияларни нафақат психологлар, балки тилшунослар ҳам чуқур ўрганиши лозимлигини кўрсатади.

Бадиий матннинг ассоциатив тадқиқи муаммоси баъзи тиллар мисолида махсус ўрганилган, ҳатто матнни ассоциатив таҳлил қилишнинг илмий-назарий тамойиллари ҳам ишлаб чиқилган.[86] Бироқ ўзбек тилшунослигида бадиий матн таҳлилига ассоциатив ёндашув долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Қуйида мазкур масалага оид баъзи мулоҳазаларимизни баён этамиз.

---

[86] Болотнова Н.С. Лексическая структура художественного текста в ассоциативном аспекте. - Томск, 1994. – 212 с.; Овчинникова И.Г. Ассоциация и высказывание: Структура и семантика. - Пермь, 1994. – 124 с.; Караулов Ю.Н. Ассоциативный анализ: новый подход к интерпретации художественного текста. - М., 1999б.; Брайнина Т.Д. Ассоциативные связи слова как основа создания образа в произведениях Саши Соколова: Автореф. дис. … канд. филол.наук. - М., 2006. - 24 с.

Маълумки, вербал ассоциациялар ҳар бир тил эгасида турлича шаклланади. Айниқса, бадиий сўз усталарига хос ассоциатив бирликлар нисбатан ранг-баранглиги, ташқи оламни тилда турли бўёқлар билан образли ва ёркин акс эттиришига кўра ажралиб туради. Ассоциатив бирликларнинг бўёқдорлигига сўз санъаткорининг ташқи оламни «шоирона» идрок этиши, уни тилда образли баён этиши, бадиий матннинг экспрессив-эмоционаллик белгисига эга бўлиши кабилар таъсир кўрсатади.

Бадиий матндаги ассоциатив бирликлар нафақат сўз санъаткорининг лексик заҳираси, балки айни тилнинг маълум бир даврдаги лексик таркиби ҳақида ҳам маълумот бера олади. Бадиий матнлар таҳлили асосида муайян давр тили, тилнинг лексик таркиби, грамматик қурилиши ҳақида хулоса чиқариш мумкин бўлади. Жумладан, Алишер Навоий ғазалиётида кўп қўлланган форсча сўзлар ўша давр адабиётида форс-тожик тилининг ҳукмрон мавқега эга бўлганлигидан далолат беради.

Алишер Навоий шеърларидаги айрим сўз бирикмаларининг бугунги давр шеърият аҳли асарларида ҳам такрорланиши уларнинг тил эгалари лексиконида шу шаклида ўрнашиб қолганлигини кўрсатади. Масалан, Алишер Навоий ғазалларида қўлланган *ишқ ўти, ишқ кўйи, хаста кўнгил, олам аҳли* сўз бирикмалари бугунги кун шеърият аҳли хотирасида ҳам асосан шу шаклида ўрнашгани боис шеърий матн яратилишида лисоний заҳирадан тайёр ҳолда олинади.

Э.Воҳидов шеъриятида ҳам тил эгалари хотирасидан барқарорлашган ҳолатда ўрин олган сифатловчили бирикмаларнинг кўп қўлланганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, шоирнинг *“Бўлмас экан шеър аҳлининг Ўз қалбига шафқати”, “Бугун гўзалликнинг қутлуғ айёми”* сатрларида қўлланган *шеър аҳли, қутлуғ айём* сўз бирикмаларини мана шундай бирликлар қаторига киритиш мумкин. Ассоциатив характердаги бу каби сўз бирикмаларининг кўпсонли тил эгаларида такрорланиши муайян тилга хос энг умумий хусусиятлар, шу тилнинг лексик таркиби ҳақида умумий хулоса чиқаришга имкон беради.

Тил бирликларининг ассоциатив алоқасини матн яратилишининг асосий омилларидан бири ҳисоблаш мумкин. Бадиий матннинг яратилишида ижодкор лисоний заҳирасидан ўрин олган ассоциатив муносабатдаги бирликлар (лексик,

синтактик бирликлар) муҳим ўрин тутади. Бадиий матнда қўлланган ассоциатив бирликлар воқеликнинг сўз санъаткори тасаввуридаги яхлит образини яратишга ёрдам беради. Масалан, Алишер Навоийнинг "*Мен ўлсам, ишқ нақди худ эрур кўнглумга мавруси, Киши фарзанди гарчи бўлса бесомон, эрур ворис*" байтида қўлланган *фарзанд – ворис* ассоциатив жуфтлиги байтда илгари сурилган асосий ғояни юзага чиқаришга хизмат қилган. Демак, матн тузувчининг воқелик бўйича юзага келган вербал ассоциациялари, унинг кўлами матннинг мантиқий-семантик структурасини белгилаб беради.

Алишер Навоий ва Эркин Воҳидов шеърларида муайян мавзу билан боғлиқ ҳолда юзага келган қўлланиш частотасига кўра фарқланувчи ранг-баранг ассоциатив бирликлар кўзга ташланади. Алишер Навоийнинг ишқ мавзусига бағишланган ғазалларида *ишқ, ошиқ, ёр, маъшуқа, кўнгил, гул, булбул* каби ассоциатив муносабатдаги бирликлар энг юқори частотага эгалиги билан характерланади. Бундай ассоциатив бирликлар ишқ мавзусидаги ғазалларни мантиқий-семантик жиҳатдан шакллантирувчи таянч бирликлар ҳисобланади. Буюк адиб ғазалларида *кўз, ошиқ, шоҳ, юлдуз, дард* лексик бирликлари билан боғлиқ ҳолда юзага келган ранг-баранг ассоциатив бирликлар ҳам кўзга ташланадики, уларнинг поэтик матн структурасидаги ўзига хос мавқеини сезиш қийин эмас.

Маълумки, *кўз* лексемаси ўзбек тилида сўзлашувчи тил эгалари хотирасида *ёш, йиғи, қош, сурма, кўз нури* каби ассоциацияларни ёдга келтиради. *Ошиқ* лексемаси эса хотирада *йигит, маъшуқа, муҳаббат, дард, айрилиқ, ҳижрон* каби парадигматик ассоциацияларни жонлантиради; *шоҳ* лексемаси *сарой, сарой аҳли, подшоҳ, вазир, халқ* каби ассоциатив бирликларни хотирага келтиради. Алишер Навоий шеърий матн яратишда бу каби ассоциациялардан унумли фойдаланган. Унинг ғазалларида қўлланган *ораз – кўз, кўз – қош, кўз – ёш, ошиқ – маъшуқа, ошиқ – ишқ ғавғоси, шоҳ – гадо, юлдуз – қуёш* ассоциатив жуфтликлари шеърий матнни шакллантиришда қурилиш материали вазифасини бажариш билан бирга, тазод, таносуб шеърий санъатларини ҳосил қилиб, бадиийликни таъминлашга хизмат қилган. Бундай ассоциатив бирликлар шоир

тафаккури ва хотираси маҳсули бўлиб, шеърий матннинг яратилишида муҳим ўрин тутган. Масалан:

1. *Ўн сакиз йил дема, юз саксон йил ўтса, улдурур*
Ҳусн шоҳи, ул балоларким, ***кўзу қош****индадур.*
(«Бадоеъ ул-васат»)

2. ***Ошиқ*** *ўлса* ***шоҳу маъшуқи гадо****, билким, чекар,*
Ишқ ғавғоси *ани хайлу сипаҳ ғавғосидин****.***
(«Наводирун-ниҳоя»)

3. ***Оразин*** *ёпқач,* ***кўзумдин*** *сочилур ҳар лаҳза* ***ёш****,*
Уйлаким пайдо бўлур ***юлдуз****, ниҳон бўлғач* ***қуёш****.*
(«Бадойиъ ул-бидоя»)

Алишер Навоийнинг рубоий ва қитъаларида ҳам ассоциатив боғланишдаги бирликларнинг шеърий матн ҳосил қилишдаги иштирокини сезиш қийин эмас.

Тиғи ишқ*инг* ***ёраси****дур бутмаган,*
Дард*ини ҳар кимга айтиб бутмаган.*
Ҳажр саҳроси*дур* ***оҳим ўти****дин,*
Анда гул ёхуд гиёҳе бутмаган.
(«Бадоеъ ул-васат»)

Мазкур туюқда адиб тафаккурида *ишқ* билан боғлиқ тарзда ҳосил бўлган *ишқинг ёраси, тиғ, дард, ҳажр саҳроси, оҳим ўти* ассоциациялари қўлланган. Ушбу ассоциациялар ўзига хос образли ифодалар эканлиги билан ажралиб туради. Бу бирликлар шеърий матн қурилишида таянч бирликлар вазифасини ўташ билан бирга, матн қисмларининг семантик алоқасини таъминлаган.

Э.Воҳидов асарларида қўлланган вербал ассоциациялар ҳам шоирнинг ассоциатив тафаккури, воқеликка муносабатини акс эттирувчи индивидуал характердаги образли ифодалар бўлиб, поэтик матнни шакллантирувчи асосий таянч бирликлар ҳисобланади. Ўзбек тили эгаларида *экскаватор* лексемаси орқали ҳосил бўлувчи доимий (стандарт) ассоциацияларни

Э.Воҳидовнинг шу мавзудаги шеърида акс этган ассоциатив бирликлар билан қиёслаб кўрамиз:

Экскаватор
Дашт қўйни*да*
Илк бор ***наъра солди****.*
Ташна ер бағри*дан у*
Сиқимлаб тупроқ олди*.*

Боши узра ***кўтарди***
Тутиб ***пўлат кафти****да…*
Тупроқ *нажот кутарди*
Ёниб ***қуёш тафти****да…*

Ҳаяжони ортди-ю,
Титраб кетди қўллари.
Сўнг бор ***наъра тортди-ю,***
Юриб кетди *илгари…*

Кўпчилик тил эгаларида *экскаватор* лексемаси, асосан, *ер, кавлаш, трактор, бульдозер, оғир машина, техника, дала, қўриқ, дашт* бирликларини ёдга солади. Э.Воҳидовнинг жонлантириш санъати асосига қурилган мазкур шеърида эса *экскаватор* лексемаси билан ассоциатив боғланган қуйидаги бирликлар учрайди: *наъра солди, наъра тортди, дашт қўйни, ташна ер бағри, тупроқ, тупроқ олди, сиқимлаб, кўтарди, пўлат кафти, қуёш тафти, қўллари титраб кетди.*

Эътибор берилса, шеърда *ташна ер бағри, пўлат кафт, қўллари титраб кетди, наъра тортди, наъра солди* каби образли ифодалар мавжуд. Улар шеърнинг таъсир кучини янада оширган, ўзига хос бадиий тасвирни ҳосил қилган ҳамда шеърий матннинг семантик яхлитлигини таъминлаган. Англашиладики, шоир томонидан ҳосил қилинган ассоциациялар образли ифодаларга бойлиги, прагматик баҳо ифодалаши жиҳатидан ажралиб туради.

Э.Воҳидов шеърларининг ассоциатив таҳлили шуни кўрсатадики, шоир томонидан ҳосил қилинган вербал ассоциациялар унинг хотирасида тикланган ўзбек тили лексикасининг синонимик, антонимик парадигмалари,

уядошлари, бўёқдор қатламини ўзига хос тарзда намойиш этади. Шоирнинг қуйидаги шеърида қўлланган вербал ассоциациялар лексик бирликларнинг синонимик қаторлари ҳақида маълумот беради:

Нарх-наво
Наво – қўшиқ, мусиқа, оҳанг,
Нарх маъноси баҳо бўлади.
Нархни кўриб ашула айтсанг,
Ўшанда нарх-наво бўлади.

Мазкур шеърий парчада қўлланган *наво, қўшиқ, мусиқа, оҳанг, қўшиқ айтсанг* бирликлари бир-бири билан ассоциатив тарзда боғланган бўлиб, шеърий матнни шакллантирувчи таянч бирликлар вазифасини ўтайди. Булардан *наво, мусиқа, оҳанг* лексемалари маънодошлик муносабатидаги ассоциатив бирликлардир. Шоирнинг қуйидаги тўртлигида ҳам ассоциатив муносабатдаги бирликларнинг матн ҳосил қилишдаги иштирокини сезиш қийин эмас.

Қариганда
Қариганда юрак толади,
Соғлик, ҳусн, куч йўқолади.
Улар бари бевафо, фақат
Оғриқларинг содиқ қолади.

Маълумки, *қарилик* лексемаси эшитилганда ўзбек тили эгалари хотирасига *чол, кампир, бетоблик, оғриқ, соғлик, куч-қувватнинг йўқолиши, ажин, ҳусн кетиши, дуо, дуогўй, насиҳат* каби бирликлар ёдга тушади. Тўртликда қўлланган *соғлик, ҳусн, юрак толади, куч йўқолади, оғриқларинг содиқ қолади* ассоциацив бирликлари матннинг семантик яхлитлигини таъминлайди.

Алишер Навоий ва Эркин Воҳидов шеърий матнларида қўлланган вербал ассоциациялар воқеликни акс эттирувчи шунчаки тил бирлиги ёки шоирнинг воқелик ҳақидаги когнитив билими, ассоциатив тафаккури ифодаси бўлибгина қолмай, миллий-маданий қадриятлар ҳақида ҳам маълумот берувчи бирликлар эканлигига гувоҳ бўламиз. Фикримизни буюк сўз

санъаткори Алишер Навоийнинг қуйидаги байтлари таҳлили орқали асослашга ҳаракат қиламиз:

Турмади кўзумда еткач ул сарви баланд,
Бўлмас киши фарзанди кишига фарзанд.
(«Бадойиъ ул-бидоя»)

Мазкур байтда "*Бўлмас киши фарзанди кишига фарзанд*" жумласи бугунги кунда халқимизнинг "*Бировнинг фарзанди бировга фарзанд бўлмайди*" ҳикматини ёдга туширади. Бу ҳикматнинг байтда қўлланган тарихий вариантини *фарзанд* лексемасининг ассоциацияси сифатида баҳолаш мумкин.

Шуниси таҳсинга лойиқки, Алишер Навоий мазкур халқ ҳикматидан моҳирлик билан ижодий фойдаланиб, лирикасида ранг-баранг окказионал қўлланишларни ҳам яратган. Қиёсланг:

Тиларменким, парийзоде топиб эмди кўнгул берсам,
Билинди, ***кимсага қилмас вафо чун кимса фарзанди.***
(«Фавойид-ул кибар»)

Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд,
Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд*.*
(«Бадойиъ ул-бидоя»)

Хосса маъниларим эл қилса тасарруф қилдик,
Киши фарзанди қачон кимсага фарзанд ўлмиш.
(«Наводир уш-шабоб»)

Қуйидаги байтда эса *ишқ* сўзи орқали шоир хотирасида ёдга тушган "*Ишқда шоҳу гадо тенг*" халқ ҳикмати акс этган. Бу ҳикмат шоирнинг ишқ ҳақидаги дунёвий билими билан бирга, ишқ бобидаги миллатимизга хос миллий-маданий қарашлар ҳақида ҳам маълумот беради:

Ишқ аро шоҳу гадо тенгдур*, гадо балким фузун,*
Гар гадолиғ айлар ўлса ишқнинг яғмосидин.
(«Наводирун-ниҳоя»)

Э.Воҳидов шеърий асарларида ҳам айрим вербал ассоциацияларнинг миллий-маданий қадриятларга ишора қилиши кузатилади. Масалан:

Мусофир (Рустам Мусурмонга)
Тошкентнинг Рустамдек шоири бўлмоқ
Қишлоқ йигитига ҳеч осон бўлмас.
Ўзбекнинг қадимий ҳикмати бундоқ:
Мусофир бўлмаган Мусурмон бўлмас.

Мазкур тўртликда Рустам Мусурмон антропоними билан боғлиқ ҳолда юзага келган "*Мусофир бўлмаган Мусурмон бўлмас*" вербал ассоциацияси шеърий матн ҳосил қилишда иштирок этиш билан бирга, миллатга хос миллий-маданий қадриятлар (халқ ҳикмати) ҳақида ҳам маълумот беради.

Умуман, бадиий матннинг шаклланишида антропонимлар бўйича ижодкор хотирасида тикланувчи ассоциациялар алоҳида ўрин тутади. Бундай ассоциациялар, айниқса, Алишер Навоий лирикасида кўп учрайди. Жумладан, *Мажнун* антропониминиг Навоий хотирасида *Лайли, ғам, фироқ, ишқ, ҳажр, ишқ аҳли водийси, ишқ дашти, дашт, саҳро, қуюн, саргардон, девона* каби ассоциацияларни ёдга солганлиги қуйидаги байтларда ўз ифодасини топган:

Неча ёғдурса ***ғам тошин фироқ атфоли****, эй Мажнун,*
Не ***ғам*** *бош узра* ***Лайли*** *боргоҳи бўлса қалқонинг.*
(«Бадойиъ ул-бидоя»)

Ёд этарлар ***водийи ишқ аҳли Мажнун сайрини,***
Бехабар ҳар ён қуюндекким, бу ***саргардон*** *борур.*
(«Бадойиъ ул-бидоя»)

Либос эрди ***қуюн Мажнунға****, чун ул* ***даштдин*** *чиқти,*
Анинг тўниға бу ***мажнуни саргардон*** *эрур ворис.*
(«Фавойид-ул кибар»)

Ишқ атфоли *кўруб коғазда* ***Мажнун*** *суратин,*
Қилдилар ғавғо гумон айлабки бу ***девонадур.***
(«Бадойиъ ул-бидоя»)

Берилган байтлардан кўринадики, Алишер Навоий хотирасида тикланган ўзига хос вербал ассоциациялар нафақат шеърий матннинг семантик-структур таркибини белгилашга хизмат қилган, балки ўқувчида Мажнун ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилишга ҳам кўмаклашган.

Ўз навбатида *Лайли* антропониминиг Алишер Навоий хотирасида, аввало, *Мажнун* номини ёдга туширганлигини қуйидаги лирик сатрлар орқали ҳам англаш мумкин:

Ҳар қуюн ғам дашти ичра кўрса ***Лайли*** *соғинур*
Ким, хасу туфроғ аро ***Мажнуни*** *саргардонидур.*
(«Наводирун-ниҳоя»)

Ишқ мулкидин хабарлар топса ***Лайли****, тонг эмас,*
Ким анинг ***Мажнун*** *киби пайки жаҳонпаймойи бор.*
(«Бадойиъ ул-бидоя»)

Қуюндек васл даштидин гар, эй ***Лайли****, мени сурдунг,*
Дегач ***саргашта Мажнунум****, бошимни кўкка еткурдунг.*
(«Бадойиъ ул-бидоя»)

Алишер Навоий ва Эркин Воҳидов назмий асарларининг ассоциатив таҳлилидан маълум бўладики, буюк сўз санъаткорлари томонидан ҳосил қилинган лексик, синтактик ассоциациялар уларнинг ассоциатив тафаккурини намойиш этиш билан бирга, шеърий матннинг семантик-синтактик жиҳатдан шаклланишида асосий таянч бирликлар вазифасини ўтаган. Таҳлил этилган поэтик матнларда акс этган ранг-баранг ассоциатив бирликлар сўз усталарининг лексик заҳираси, ассоциатив тафаккури имкониятлари ниҳоятда кенг бўлганлигидан далолат беради.

VI. МАТННИНГ АССОЦИАТИВ МАЙДОНИ

Бадиий матннинг ассоциатив таҳлилида *матннинг ассоциатив майдони* масаласи муҳим ўрин тутади. *Матннинг ассоциатив майдони* тушунчасини тилшуносликка рус тилшуноси Ю.Н. Караулов киритган. У матндаги сўз ва сўз бирикмалари кетма-кетлиги орқали ассоциатив майдонни белгилаш тартиби ҳамда ушбу ассоциатив майдон асосида матн яратиш методикасини ишлаб чиқди.[87]

Ю.Н. Караулов матннинг ассоциатив майдонини белгилашнинг *"ДЕ" операцияси* деб номланган қуйидаги тартибини тавсия қилди:

- "матнни бир қанча мустақил парчаларга ажратиш орқали декомпозициялаш;
- ҳар бир парчани делинеризациялаш ва уларни нисбий мустақил, бири иккинчиси билан эркин боғланувчи гиперматн бирликлари тўпламига айлантириш;
- ҳар бир гиперматн бирлигига мансуб сўзшаклларини кейинчалик уларни пропозициялар тўпламига айлантириш асосида деграмматикализациялаш;
- пропозицияларни бузиб юбориш орқали бу тўпламни депропозициялаш ва уларнинг ташкил этувчиларини турли ассоциатив майдонларга тақсимлаш;
- нутқий ҳаракатдаги шахс дискурсини деперсоналлаштириш».[88]

Матннинг ассоциатив майдонини белгилашнинг тавсия этилган ушбу тартиби, назаримизда, йирик ҳажмли матнларда самарали натижа беради. Йирик ҳажмли матнларда ушбу "операция" асосида бир қанча ассоциатив майдонларни ажратиш мумкин бўлади.

Ассоциатив майдонлар матннинг ассоциатив структурасини белгилайди. Ю.Н.Карауловнинг фикрича, матннинг ассоциатив структураси асосида матн, унинг муаллифи ҳамда ушбу матннинг китобхон томонидан идрок этилиши жиҳатлари ҳақида янги билимларга эга бўлиш мумкин.

---

[87] Караулов Ю.Н. Ассоциативный анализ: новый подход к интерпретации художественного текста. – М., 1999б. – С. 183.

[88] Караулов Ю.Н. Кўрсатилган асар. – Б. 165.

Умуман, матннинг ассоциатив майдони таҳлили асосида унда қўлланган лексик бирликларнинг денотатив ва коннотатив маънолари чегарасини белгилаш, бу икки маънонинг ўзаро муносабатини аниқлаш, матнда акс этган муаллиф баҳоси, баҳонинг модаллик категорияси билан чегараси, матннинг ассоциатив майдони қисмлари каби масалаларга ойдинлик киритиш мумкин бўлади.

Бадиий матнда ассоциатив тарзда бир-бири билан боғланган тил бирликлари ассоциатив майдонни ҳосил қилади. Бундай бирликлар ижодкор ифода этмоқчи бўлган асосий ғоя атрофида бирлашади. Бадиий матндаги ассоциатив майдон бирликларининг кўпчилик қисмини адибнинг воқеликка субъектив муносабатини акс эттирувчи бирликлар ташкил қилади.

Манбаларда бадиий матн ассоциатив майдон сифатида қаралиб, унинг сарлавҳаси майдон ядроси деб берилади. Агар матн, жумладан, шеър сарлавҳасиз бўлса, ассоциатив майдон ядроси шеърнинг ифода объекти ёки лирик қаҳрамонини англатган бирлик бўлиши мумкин, чунки шеърдаги барча лексик бирликлар улар билан ҳам семантик жиҳатдан, ҳам ассоциатив боғланади, бу эса ассоциатив майдон ядроси мавжудлигининг асосий шартидир, деб кўрсатилади.[89]

Дарҳақиқат, поэтик матннинг ифода объекти ассоциатив майдон ядроси вазифасини ўтай олади. Негаки матн мазмунини ҳосил қилувчи, унинг пропозитив структурасини шакллантирувчи таянч бирликлар нутқ эгасининг коммуникатив мақсади билан боғлиқ тарзда матн учун танланган объект тасвири, тавсифи учун йўналтирилади. Шу боис матнни ҳосил қилувчи таянч бирликлар унинг ядроси атрофида бирлашади. Қуйида Э.Воҳидовнинг «Олма» шеъри ассоциатив майдонини таҳлил қилиш асосида фикримизга ойдинлик киритамиз.

---

[89] Кочеткова Е. Языковые средства выражения негативной оценки мира и человека в поэзии Игоря Северянина. http://www.poet-severyanin.ru/library/ yazikovie -sredstva-virazheniya27.html

Олма

Мева берди етилиб бу йил
Мен боғимга ўтқазган ниҳол.
Меваларки, чўғдай қип-қизил,
Ҳусни ёқут, ширинликда бол.

Лабларидан томизиб шарбат,
Ол, е, дейди, армонда қолма!
Лекин шунга ҳайронман фақат,
Нега уни дейдилар «олма»?

Олма экса боғига ҳар ким,
Меҳмонига, ол, е, демасми?
«Олма» менинг меҳмондўст халқим –
Одатига ёт сўз эмасми?

Мева берди етилиб бу йил
Мен ардоқлаб ўстирган ниҳол.
Олмаларки, шафақдай қизил,
Лекин номи олма эмас, ол.

Шеър мазмунига эътибор берилса, шоир олма мевасини тасаввур қилар экан, унинг хотирасида боғига ўтказган ва ардоқлаб ўстирган олма ниҳоли, унинг мева бергани, меваларнинг чўғдай қип-қизил ранги, бол каби ширинлиги, боғига олма эккан ҳар бир ўзбекнинг меҳмонига олма ейишни таклиф қилиши одати жонланади. Олма дарахти ва меваси ҳақидаги шоирнинг мана шу тасаввури шеърий матннинг яратилишига туртки беради. Э.Воҳидовнинг воқелик ҳақидаги тасаввури унинг тафаккурида бир-бири билан ассоциатив боғланган бирликлар майдонини юзага келтиради.

Ушбу шеърда *олма* лексик бирлиги билан ассоциатив боғланган қуйидаги бирликларни ажратиш мумкин: *ниҳол, боғимга ўтқазган ниҳол, ардоқлаб ўстирган ниҳол, экса боғига, етилиб, мева берди, чўғдай қип-қизил, шафақдай қизил, ҳусни ёқут, ширинликда бол, шарбат, олма (олмаслик), «Меҳмонига ол, е демасми».*

Олма лексемаси билан ассоциатив боғланган ушбу бирликлар лексик (*ниҳол, етилиб, шарбат, олма (олмаслик)* ва синтактик бирликлар (*мева берди, боғимга ўтказган ниҳол, ардоқлаб ўстирган ниҳол, экса боғига, чўғдай қип-қизил, шафақдай қизил, ҳусни ёқут, ширинликда бол, «Меҳмонига ол, е демасми»)*дан ташкил топган бўлиб, ассоциатив майдонни ҳосил қилади.

Шеърдаги ассоциатив бирликлар ҳам лингвистик, ҳам экстралингвистик омиллар билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўлган. Жумладан, *олма* лексемасининг *ниҳол, ардоқлаб ўстирган ниҳол, боғимга ўтказган ниҳол, шарбат* лексемалари билан ассоциатив алоқаси бутун – қисм муносабатига асосланган бўлса, *чўғдай қип-қизил, шафақдай қизил, ҳусни ёқут, ширинликда бол* ассоциациялари билан алоқаси предмет ва унинг белгиси муносабатига асосланган. *Олма – олма (олмаслик)* ассоциатив боғланиши лексемаларнинг омонимик муносабати асосида ҳосил бўлган, *олма – боғига экса* ассоциатив боғланиши эса предмет ва у билан боғлиқ иш-фаолият алоқадорлиги асосида ҳосил бўлган.

Олма лексемаси билан ассоциатив боғланган *«Меҳмонига ол, е демасми»* жумласи шоирнинг экстралингвистик омил – ўзбек халқининг миллий-маданий қадриятлари ҳақидаги тасаввури асосида юзага келган. Шоир боғида пишиб ётган олмаси бор ҳар бир ўзбекнинг уйига келган меҳмонга олма тақдим этишини яхши билади ва бу одатни қадрлайди. Шу боис шеърда *олма* лексемаси билан боғлиқ ҳолда хотирасида жонланган *олма (олмаслик)* феъли ёрдамида сўз ўйини ҳосил қилиб, *«Олма (олмагин) дейиш менинг меҳмондўст халқим одатига ёт сўз»* хулосасини илгари суради.

Шеърда *олма* лексемаси билан семантик жиҳатдан бевосита боғланмаган ассоциациялар ҳам кузатилади. Жумладан, *мева берди, етилиб* ассоциациялари *олма* лексемаси билан эмас, *ниҳол* лексемаси билан семантик муносабатга киришади. Бу бирликлар *олма* лексемаси билан *олма – ниҳол – етилиб, олма – ниҳол – мева берди* тузилишидаги «ассоциатив занжир» орқали билвосита боғланади.

Шеърнинг ассоциатив майдони ядро қисмидан *олма* лексемаси ўрин олади. *Ниҳол, ардоқлаб ўстирган ниҳол, чўғдай қип-қизил, шафақдай қизил, ҳусни ёқут, ширинликда бол, шарбат,*

олма (олмаслик), боғига экса, «Меҳмонига ол, е демасми» ассоциатив бирликлари ядро қисм билан бевосита боғланади. Шеърдаги ассоциатив майдон бирликлари муносабатини чизмада қуйидагича тасвирлаш мумкин:



Чизмадан кўринадики, ҳам лингвистик, ҳам экстралингвистик омиллар билан боғлиқ ҳолда юзага келган ранг-баранг ассоциациялар шеърий матннинг яратилишида таянч бирликлар вазифасини ўтайди.

Шуниси характерлики, бадиий матндаги ассоциатив бирликлар баъзан фақат лингвистик омиллар билан боғлиқ ҳолда юзага келса, баъзида экстралингвистик омиллар орқали ҳосил бўлади. Э.Воҳидовнинг қуйидаги шеърида ассоциатив майдон бирликларининг фақат экстралингвистик омиллар асосида юзага келганлигига гувоҳ бўламиз.

Пўлат

У даставвал ойболта бўлди,
Сўнг замбарак бўлиб қуйилди.
Қилич ҳам у,
милтиқ ва наган,
У бомба ҳам бўлиб портлаган.
Лекин олган жаҳонни фақат
Перо бўлиб қуйилгач пўлат.

Мазкур шеърда *ойболта, замбарак, қилич, милтиқ, наган, бомба, перо, қуйилгач, жаҳонни олган, портлаган* лексемалари *пўлат* лексемаси билан ассоциатив боғланган. Бу бирликлар *пўлат* лексемасининг ассоциатив майдонига бирлашади. Майдондан ўрин олган *ойболта, замбарак, қилич, милтиқ, наган, бомба, перо* лексемалари *пўлат* лексемаси билан парадигматик муносабатда бўлса; *қуйилгач, жаҳонни олган, портлаган* ассоциатив бирликлари синтагматик муносабатдаги бирликлар ҳисобланади.

Эътибор берилса, *пўлат* лексемасининг *ойболта, замбарак, қилич, милтиқ, наган, бомба, перо* ассоциациялари экстралингвистик омил, яъни пўлат ва ундан ясаладиган нарса-предметлар ўртасидаги алоқадорлик асосида юзага келган.

Адибнинг воқеликка ижобий муносабатини *пўлат* лексемаси билан синтагматик муносабатдаги *(перо бўлиб) жаҳонни олган* ассоциатив бирлиги орқали англаш мумкин. Бу ассоциатив бирликни шеър муаллифининг индивидуал ассоциати сифатида баҳолаш мумкин.

Ассоциатив майдоннинг ядро қисмини *пўлат* лексемаси ташкил қилади. *Ойболта, замбарак, қилич, милтиқ, наган, бомба, перо, жаҳонни олган* ассоциатлари майдон ядроси билан бевосита ассоциатив муносабатга киришган. *Қуйилгач, портлаган* ассоциатлари чегара қисмдан ўрин олади. Буни чизмада қуйидаги тасвирлаймиз:



Кўринадики, мазкур чизма шеърдаги лексик бирликларнинг нафақат ассоциатив боғланиши, балки маълум даражада семантик муносабатини ҳам тасвирлашга ёрдам беради. Чизмада марказий ўринга ядро қисм жойлаштирилган. Ядродан чиққан чизиқлар у билан бевосита боғланган ассоциатларни англатади. Улардан чиққан чизиқлар эса ядро қисм билан билвосита боғланган ассоциатив бирликларни кўрсатади.

Хуллас, ҳар қандай матннинг ассоциатив майдони матн ҳосил қилишдаги таянч бирликларни белгилаб берса, ўз навбатида, майдон бирликлари матннинг ифода объектини олдиндан тасаввур қилишга имкон беради.

Турли даврларда яшаб ижод қилган буюк сўз санъаткорлари Алишер Навоий ва Эркин Воҳидов шеърий матнларининг ассоциатив таҳлили асосида хулоса қилиш мумкинки, поэтик матнда китобхон руҳиятига таъсир кўрсатиш, уни соғлом фикрлашга ундаш муҳим бўлгани боис унинг лингвистик таҳлилида асосий эътибор нафақат тилнинг ўзига, ундан фойдаланувчи тил эгаларининг руҳий ҳолати, дунёқараши, дунё ҳақидаги когнитив билимлари, оламни идрок этиш даражаси ва уни тил орқали ифода этиши, ассоциатив фикрлаши каби масалалар таҳлилига ҳам қаратилиши лозим. Бадиий матнни ассоциатив таҳлил усуллари асосида ўрганиш мазкур муаммолар ечими учун хизмат қилиши, тил ва ундан фойдаланувчи шахс муносабати масаласига доир қизиқарли маълумотлар бериши шубҳасиздир.

VII. АССОЦИАТИВ ТАЖРИБА МЕТОДИ

Тил бирликлари ортида турган лисоний онг фаолияти, унда воқелик образининг ҳосил бўлиши, олам манзарасининг турли маданиятлардаги қиёфаси, инсоннинг лисоний хотираси ва тафаккури фаолияти механизмини амалий тажрибалар орқали ўрганишга имконият яратувчи методлардан бири ассоциатив тажриба методидир. Сўнгги йилларда турли фанларда антропоцентрик парадигманинг қарор топиши натижасида ассоциатив тажриба методи нейролингвистика, нейрофизиология, психолингвистика, лингвокультурология каби фанларда ҳам методологик аҳамият касб этди.

Луиза Ф. Спитерининг маълумот беришича, ассоциатив тажриба методи бошқа соҳаларда ҳам кенг қўлланилмоқда. Жумладан, Б.Тверски ва К.Хеменвей экологик саҳна таксономиясини тузишда, Б.Смит ва Д.Марк географик категориялар онтологиясини яратиш мақсадида ассоциатив тест методидан фойдаланишган, онлайн форматдаги лексик бирликлар маълумотномаси – WordNet дастурини яратишда унинг муаллифлари инглиз тилида сўзлашувчи тил эгаларида ассоциатив тажриба ўтказишган. [90]

Маълумки, ассоциатив тажриба методини илк марта инглиз психологи Ф.Гальтон 1879 йилда «ғоялар ассоциацияси»ни ўрганиш муносабати билан ўз тажрибаларида қўллаган. Ж.Миллер қолдирган маълумотларга кўра Ч.Дарвиннинг амакиваччаси Ф.Гальтон ассоциатив тажриба ўтказиш мақсадида 75 та сўз танлайди, уларнинг ҳар бирини алоҳида варақчаларга ёзиб чиқади ва бир неча кун давомида уларга қўл теккизмайди. Сўнгра варақчаларни бирма-бир олиб уларга қарайди. У сўзга кўзи тушган вақтдан то уни ўқиб, икки ҳар хил фикр ёдига келгунга қадар бўлган вақтни хронометр ёрдамида белгилайди. Ф.Гальтон рўйхатдаги ҳар бир сўз бўйича хаёлига келган фикрларни ёзади, бироқ тажриба натижаларини эълон қилишдан воз кечади. Агар натижалар эълон қилиниб, дунё мулкига айлантирилса, инсон ўй, фикрларининг ҳайратланарли

[90] Louise F.Spiteri. Word association testing and thesaurus construction: Defining inter-term relationships. School of Library and Information Studies, Dalhousie University Halifax, Nova Scotia. CAIS/ACSI. 2002. – P. 24-33.

даражадаги аниқлиги ва ишонарлилиги жиҳатини асраб қолишнинг имкони бўлмайди, улар ялонғочланиб қолади, деб ёзади у. [91]

Ф.Гальтондан сўнг дунёда биринчи экспериментал психология лабораториясини тузган немис психологи, физиолог ва философ В.Вунт 1892 йилда вербал ассоциациялар тезлигини аниқлаш мақсадида эркин ассоциатив тажриба методидан фойдаланган. Ассоциатив тажриба методи В.Вунтнинг ўқувчиси М.Траутшольдт томонидан ҳам ривожлантирилган.[92]

Ўз вақтида машҳур психолог ва психиатрлар Ж.Локк, Д.Юм, Т.Браун, К.Г.Юнг, К.Марб ҳам инсоннинг воқеликни идрок этиши механизмини ва хотирасини текшириш мақсадида ассоциатив тажриба методидан унумли фойдаланишди. XX аср бошларига келиб ассоциатив тажриба методи психоаналитик амалиётларда кенг қўллана бошланди. «Аналитик психология» йўналиши асосчиси машҳур психолог, философ, психоаналитик К.Г.Юнг (1875-1961) инсон шахсиятини аниқлаш мақсадида эркин ассоциатив тажриба методидан фойдаланди. Я.В.Осипов-нинг қайд этишича, XX аср бошларида психоаналитик тажрибаларда инсон психикаси қатламларига, унинг онгли ва онгсиз жиҳатларини қамраб олувчи ассоциациялар оқимига кириш воситаси сифатида эркин ассоциатив методнинг қўллана бошлаганлиги бевосита К.Юнгнинг ассоциатив тажрибаси билан боғлиқ.[93]

Бу даврда ассоциатив тажрибалар амалий психологияга ҳам татбиқ этилди. Амалий психологияда америкалик психологлар Х.Г.Кент ва А.Ж.Розановлар ассоциатив тажриба муаллифлари сифатида тан олинади. Улар 1910 йилда инглиз тилининг Америка вариантига асосланган илк ассоциатив меъёрини эълон қилишди.

---

[91] Белянин В.П. Психолингвистика. Учебник. – М.: Флинта, 2003. – 232 с.

[92] Бу ҳақда қаранг: Горошко Е.И. К истории метода свободных ассоциаций // www.textology.ru; Ждан А.Н. История психологии. От Античности до наших дней. http:// www.psychol -ok.ru

[93] Осипов Я.В. Методологическое значение ассоциативного эксперимента К.Юнга в разработке А.Р.Лурии основ реактологической теории аффективного поведения // Вестник Северного (Арктического) федерального университета. Серия: Гуманитарные и социальные науки. – 2011. -№1. – С.124.

Ассоциатив тажриба методидан экспериментал психологияда ҳам фойдаланилди. Манбаларда қайд этилишича, экспериментал психологияда ассоциатив тажрибанинг қуйидаги турлари қўлланди: 1) жуфт ассоциациялар; 2) серияли ассоциациялар; 3) вербал дифференциация; 4) эркин ассоциациялаштириш. [94]

Психологияда кўп йиллар давомида инсон онги ва тафаккури фаолиятини ўрганишда қўлланиб келинган ассоциатив тажриба методи кейинчалик тил ва инсон руҳияти муносабатининг тилда намоён бўлиши муаммосини ўрганишни мақсад қилиб белгилаган психолингвистикага ҳам татбиқ этилди.

Психолингвистикада ассоциатив тажрибалар инсоннинг лисоний онги, тил заҳираси, тафаккурида сўзларнинг ўзаро боғланиши, тил эгаларининг нутқий тузилмаларни ҳосил қилиши, инсонда лексик заҳиранинг ҳосил бўлиши каби муаммоларни тадқиқ этишда асосий таҳлил воситаси сифатида қўлланди, турли тилларга оид ассоциатив луғатларни тузишда муҳим ўрин тутди. Ассоциатив луғатлар тил эгаларида оммавий тарзда ўтказилган ассоциатив тажриба натижалари асосида яратилди. Рус олимаси А.Залевскаянинг маълумот беришича, ассоциатив тажрибалар сўз билан боғлиқ қуйидаги масалалар ечимида ўзини оқлади: сўзнинг психологик маъноси (Доценко, 1998), сўзнинг категориал ва предметлик маъноси (Маскадыня, 1989; Соловьева, 1989), болаларда сўз маънолари ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари (Рогожникова, 1986; 1988; Соколова, 1996; 1997), алоҳида категориядаги сўзларнинг маъно хусусиятлари (масалан, ҳиссиётлар номлари (Перфильева, 1997); қиёс конструкцияларда тиргак сўзлар (Пашковская, 1997; Шмелева, 1988), сўзлар орасидаги алоқалар (Лебедева, 1991; Медведева, 1989; Новичихина, 1995), инсон лексиконининг шаклланиши, унинг «ядро» қисмининг ажратилиши (Залевская, 1977; 1981; Золотова, 1989). Олиманинг фикрича, ассоциатив тажрибаларни турли тиллар ва маданиятлар тадқиқига татбиқ этиш орқали ҳам муҳим натижаларга эга бўлинди (Дмитрюк, 1985; 1998; Салихова, 1999; Этнопсихолингвистика, 1988), ассоциатив тажрибалар турли тил эгаларининг ассоциатив портретини тузишда (Ершова, 1998;

---

[94] Experimental Psychology. Vol. II. / Ed. by J.W. King and L.A. Riggs. Holt, Rinehart and Winston Inc., 1972. - 740 p.

Мруэ, 1998), нутқ ҳосил бўлиши жараёнининг айрим жиҳатлари ва ассоциатив структураларнинг матн ҳосил қилишдаги ролини ўрганишда (Овчинникова, 1994; 1996а; 1996б), тилларнинг бир-бирига таъсири хусусиятларини аниқлашда (Грабска, 1996) самарали натижалар берди. [95]

Ассоциатив тажриба методидан, айниқса, тилдаги антонимик, синонимик қаторларни белгилашда унумли фойдаланилди. Ж.Диз антонимия концепциясини, М.Л.Нильсен синонимияни ўрганишда тил эгаларида ассоциатив тестни қўллашди. [96]

Психолингвистикада турли тиллардаги лексик бирликларнинг миллий-маданий, ижтимоий, шунингдек, гендер хусусиятларини ўрганишда ҳам ассоциатив тажрибалар муҳим аҳамият касб этди. Ассоциатив тажриба методи ёрдамида муайян халқнинг миллий-маданий харитасини яратиш имконияти юзага келди. Бу йўналишдаги иш сифатида олима С.Г.Тер-Минасова қайд этган Москва давлат университети чет тиллар факультети талабалари томонидан тузилган Европанинг маданий харитасини кўрсатиш мумкин.[97]

Ассоциатив тажриба методининг имкониятларига юқори баҳо берган рус олими А.А.Леонтьевнинг фикрича, луғавий бирликларнинг «маданийлик» белгисини имкон қадар ҳаққоний очиб беришга имконият яратувчи, сўзга хос семантик алоқаларни умумлаштириш, унинг «семантик обертонлари»ни очиб бериш учун имкон берувчи метод бу – ассоциатив тажриба методи, бу йўналишдаги муҳим манба эса ассоциатив сўзлар луғатидир.[98] Бироқ бу ўринда шуни қайд этиб ўтиш лозимки, ассоциатив тажриба методи лингвист учун қанчалик кенг имкониятлар эшигини очмасин, илмий хулосалар чиқаришда тажриба

---

[95] Залевская А.А. Введение в психолингвистику. – М.: Российский государственный гуманитарный университет, 1999. – С.106.

[96] Nielsen M.L. The word association test in the methodology of thesaures construction. In proceeding of the 8th ASIS SIG/CR Classification Research Workshop. Washington, DC: American Society for Information Science, 1997. - P. 43-58.

[97] Тер-Минасова. Язык и межкультурная коммуникация. – М.: Слово/ SLOVO. 2000. – С. 42-45.

[98] Леонтьев А.А. Общие сведения об ассоциациях и ассоциативных нормах // Словарь ассоциативных норм русского языка. - М.: МГУ, 1977. – С.14.

натижаларига таъсир кўрсатувчи айрим ташқи омиллар (сунъий тарзда ички нутқий фаолиятнинг амалга оширилиши, тажриба ўтказувчининг синалувчиларга таъсири, синалувчиларнинг бир-бирига таъсири, синалувчилар устида ноодатий тажриба ўтказилиши, уларнинг руҳий ҳолати, лексик бирликларнинг баъзи синалувчиларга тушунарсиз бўлиши ва ҳоказо)ни ҳам эътиборга олиш лозим бўлади.

Психолингвистикада ассоциатив тажриба методининг эркин ассоциатив тажриба, йўналтирилган ҳамда боғли ассоциатив тажриба турлари фарқланади. Эркин ассоциатив тажриба методига кўра синалувчилар (баъзи манбаларда улар *респондентлар, информантлар, сўралувчилар* терминлари билан берилган) стимул сўз бўйича хотираларига келган биринчи жавоб реакциясини баён этадилар.

Йўналтирилган тажриба методида маълум грамматик бирлик ёки семантик ифода бўйича тил эгаси хотирасига келган ассоциатлар қайд этилади. Масалан, стимул сўз бўйича сифат туркумига мансуб ассоциацияларни қайд этиш ёки стимул сўзнинг синонимик ассоциацияларини ҳосил қилиш кабилар.

Боғли ассоциатив тажрибада эса стимул сўзга чегараланган вақтда (кўпинча 1 минут ичида) исталган миқдордаги бир-бирига боғли ассоциацияларни ифода этиш талаб этилади. Бу тажриба турида ассоциацияларнинг умумий кўлами текширилади ва асосий эътибор ассоциатив қаторлар структурасига қаратилади. Боғли ассоциатив тажрибада кетма-кет келган жавоб реакцияларининг маълум даражада ўзаро алоқаси кузатилади.[99]

Ассоциатив тажрибадан кўзланган мақсад асосида стимул бирлик сифатида нафақат лексик бирликлар, балки сўз бирикмалари, гаплар, матнлар ҳам олиниши мумкин. Матнни ассоциатив тажрибалар асосида ўрганишда синалувчиларнинг уни тушуниши даражаси, матндаги сўзларни эслаб қолиши, матн мазмунига муносабати кабиларни аниқлашга эътибор қаратилади.

Ассоциатив тажриба методининг қайд этилган барча турлари инсоннинг лисоний онги ва хотираси, руҳиятининг тилга

---

[99] Горошко Е.И. Интегративная модель свободного ассоциативного эксперимента. - Харьков; - Москва: Изд. группа «РА - Каравелла», 2001. – С.16.; Белянин В.П. Психолингвистика. Учебник. 6-е изд. - М.: Флинта. 2009. - С. 204-212.

таъсири, тил ва тафаккур, тил ва маданият муносабати каби масалалар бўйича қимматли хулосалар чиқариш имкониятини яратади.

Айрим тилшунослар ассоциатив тажриба турларининг ўзига хос эътиборли томонлари ва камчиликларини кўрсатишади. Ю.И.Алферованинг фикрича, йўналтирилган тажриба методи ассоциациялаштириш жараёнида эркинликни маълум даражада чеклайди, ассоциацияларни тадқиқот мақсадига "йўналтиради" ва синалувчиларни аниқ масалага эътибор қаратишларига ундайди. Тажрибанинг "йўналтирилганлиги" ва ассоциациялаштириш жараёнига муайян чегара қўйилиши тажрибада олинадиган натижаларнинг ишончлилигини жиддий тарзда пасайтиради, ассоциатив жараённинг соф ҳолатда кечишини қийинлаштиради. Бу тажриба методининг асосий эътиборли жиҳати унинг соддалиги, қўллашнинг қулайлигидир, уни бир вақтда катта гуруҳдаги синалувчиларда ўтказиш мумкин. Синалувчилар сўз маъноси устида ишлайдилар, бу ҳолат сўзнинг айрим ўйлаб кўрилмаган, англанмаган маъно компонентларини аниқлашга имкон беради.[100]

Ўтказилиши анча қулай бўлганлиги боис психолингвистик тадқиқотларни олиб боришда кўп ҳолларда эркин ассоциатив тажриба методидан фойдаланилмоқда. Эркин ассоциатив тажриба методи нафақат психолингвистик, психодиагностик, лингвокультурологик, социолингвистик аспектдаги тадқиқотлар учун ҳам асосий метод вазифасини ўтамоқда.

Л.Э.Кузнецова эркин ассоциатив тажриба методи ҳақида мулоҳаза юритар экан, Ю.Н.Караулов каби бу методнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихини қуйидаги 5 босқичга ажратади:

1. Эркин ассоциатив тажрибанинг илмий билиш методи сифатида шаклланиш босқичи (1879-1910). Биринчи давр турли тил эгаларидан олинган ассоциатив тажриба материалларининг психиатрия соҳасида диагностика мақсадида фойдаланилганлиги билан характерланади.

---

[100] Алферова Ю.И. Профессионально-маркированные компоненты языкового сознания, репрезентированные единицами родного и изучаемого языков: Дис. … канд. филол. наук. – Омск, 2005. – С.46.

2. Иккинчи босқич «ассоциатив меъёр» тушунчасининг пайдо бўлиши ва билиш жараёни (идрок этиш, хотира, тафаккур) муаммоларига оид тадқиқотларда қўлланган Миннесот ассоциатив меъёрининг вужудга келиши билан боғлиқ (1910-1954).

3. Психолингвистик босқич (XX асрнинг 50-70-йиллари боши). Учинчи даврнинг моҳияти лингвистлар томонидан ассоциатив тажрибага қизиқишнинг кучайиши билан белгиланади: тилнинг меъёрий ассоциатив луғатлари тузилади, сўзнинг семантик структурасини таҳлил қилиш, турли маданиятларни қиёслаш учун тажриба материаллари қўлланилади ва ҳ.к.

4. Эркин ассоциатив тажриба тарихида «фаолиятли босқич» (XX асрнинг 70-80-йиллари). Бу давр тил ва нутқий фаолият назариясига концептуал жиҳатдан фаолиятли ёндашув сифатидаги ассоциатив тадқиқотларнинг жадал ривожланиши билан характерланади.

5. Психолингвистикада ассоциатив йўналиш шаклланишининг якуний босқичи. Бу даврда инглиз тили базасида биринчи ассоциатив тезаурус ва дастлабки рус тилининг ассоциатив луғати вужудга келди. Ассоциатив маълумотларнинг миқдорий таҳлилидан сифат жиҳатдан талқинига қадам қўйилди, ассоциатив лексикография жадаллик билан ривожланди, ҳозирги рус тилининг машҳур 6 томлик ассоциатив тезауруси дунёга келди.[101]

Ю.Н.Караулов сўнгги даврни нафақат ассоциатив йўналиш шаклланишининг якуний босқичи, балки ассоциатив тилшуносликнинг юзага келиш даври сифатида ҳам баҳолайди.[102]

Ассоциатив тилшуносликда ҳам энг кўп қўлланиладиган тажриба тури эркин ассоциатив тажрибадир. Бу тажрибанинг муҳим жиҳати шундаки, унда қўлга киритиладиган асосий манба чекланмаган миқдордаги лексик бирликлар, сўз бирикмаларидир. Баъзан паремиялар, фразеологик бирликлар, турли оккозионал қўлланишлар ҳам ассоциациялар вазифасини ўтайди.

Эркин ассоциатив тажрибалар бир неча босқичда олиб борилади. Дастлаб тажриба ўтказувчилар томонидан стимул

---

[101] Кузнецова Л.Э. ЛЮБОВЬ как лингвокультурный эмоциональный концепт: ассоциативный и гендерный аспекты: Дис. … канд. филол. нук. – Краснодар, 2005 // http://31f.ru/dissertation/page.

[102] Караулов Ю.Н. Ассоциативная грамматика русского языка. Изд.2. – М., URSS. 2010. - 328 с.

сўзлар ажратилади. Тажриба мақсадидан келиб чиққан ҳолда стимул сўзларни ажратишда муайян мезонларга амал қилинади. Масалан, стимул сўзлар миқдорини белгилаш, айнан қандай стимул сўзларни ажратиш кабилар. Ассоциатив луғатлар учун стимул сўзларни танлаш луғатда кўзланган мақсад билан боғлиқ. Стимул сўз вазифасини тилнинг фаол лексемалари, миллий-маданий бирликлар, синтактик қурилмалар ёки бошқа бирликлар бажариши мумкин. Стимул сўзлар камида 100 тадан 1000 тагача ёки ундан ортиқ миқдорда бўлади.

Шундан сўнг сўров анкетаси (сўровнома) ишлаб чиқилади. Сўров анкетаси жадвал тарзида тузилиши мумкин. Бунда анкетанинг биринчи устунига тартиб рақами, кейинги устунига стимул сўз, учинчи устунига ассоциациялар қайд этилади. Сўров анкетаси тайёр бўлгач, синалувчилар сонига қараб кўпайтирилади. Кейинги вазифа тажриба ўтказиш учун синалувчиларни танлашдир. Синалувчилар танлангач, белгиланган вақтда тажриба ўтказилади. Тажриба оғзаки ёки ёзма тарзда ўтказилиши мумкин. Тажриба ўтказилгач, олинган натижалар жамланади. Сўнгги босқичда натижалар таҳлил қилинади ва муайян хулосалар чиқарилади.

Ассоциатив тажрибалар ундан кўзланган мақсад асосида оммавий ёки якка тартибда ташкил этилади. Оммавий тарзда ўтказиладиган ассоциатив тажрибаларда камида 10-20 та синалувчи иштирок этади. Ассоциатив луғатларни тузишда оммавий тарзда ўтказиладиган тажриба материалларига таянилади. Оммавий ўтказилган тажриба материалларигина муайян тилнинг лексик таркиби, шу тил эгаларининг лисоний хотираси, лексик заҳираси ҳақида маълумот бера олади.

Эркин ассоциатив тажрибанинг оғзаки турида тажриба ўтказувчи синалувчига стимул сўзни ўқиб эшиттириши билан унинг хотирасига келган ассоциатларни бирма-бир диктофонга ёзиб олади. Бу тажриба ҳар бир синалувчида шу тариқа ўтказилади. Сўнгра тажриба натижалари компьютерга қайд этилиб, умумлаштирилади ва таҳлил этилади.

Эркин ассоциатив тажрибанинг ёзма шаклида синалувчилар тажриба ўтказувчи томонидан ўқиб эшиттирилган ҳар бир стимул сўз бўйича хотираларида тикланган ассоциацияларни зудлик билан стимул сўз қаршисига ёзишлари

лозим бўлади. Ҳар бир стимул сўз бўйича ҳосил бўлган ассоциацияларни қайд этиш учун синалувчиларга кўпинча 1 минутдан 3 минутгача вақт берилади. Баъзи тадқиқотларда стимул сўзга жавоб бериш учун 5 секунд ажратилганлиги ҳам қайд этилади.[103] Тажриба жараёнида стимул сўз ёки ассоциацияларни муҳокама қилиш мумкин эмас, улар устида мулоҳаза юритиб ўтиришга вақт берилмайди. Синалувчиларнинг луғат ёки бошқа манбаларга мурожаат қилишлари қатъиян ман этилади.

Эркин ассоциатив тажриба жараёнида синалувчилар қуйидаги амалларни бажаришлари лозим бўлади:

1) тажриба жараёнига диққатни тўла жалб этиш, чалғимаслик, стимул сўзни эшитишга ва идрок этишга тайёр ҳолатда бўлиш;

2) стимул сўзни эшитиш ва уни идрок этиш (маъносини тушуниш);

3) стимул сўз эшитилганда онгда қандай тасаввур ҳосил бўлганини, бу сўз билан боғлиқ хотирада қандай сўзлар тикланганини англаб етиш;

4) стимул сўз билан боғлиқ тарзда хотирада тикланган ассоциатив бирликларни сўров анкетасига қайд этиш.

Албатта, бу вазифалар ихтиёрий равишда амалга оширилиши, синалувчилар ассоциатив тажрибага мажбуран жалб этилмасликлари мақсадга мувофиқ. Тажриба ўтказишдан аввал синалувчиларни стимул сўзларга берилган ҳар бир жавобнинг нотўғри бўлмаслигига, қайд этилган ҳамма жавоблар ҳар қандай ҳолатда ҳам тўғри бўлишига ишонтириш лозим.

Ассоциатив луғатларни яратиш учун кўпинча ёзма тажриба методи қўлланилади. Оғзаки тажриба методини ўтказишга кўп вақт сарф этилиши сабабли тилшунослар ёзма тажриба методидан фойдаланишни маъқул кўришади.

Ассоциатив тажрибаларни ўтказишда синалувчиларнинг миллати, гаплашадиган тили, жинси, ёши, маълумоти, касб-кори, яшаш жойи кабиларга жиддий эътибор қаратилади. Манбаларда бу жиҳатларнинг ассоциациялар характерига сезиларли таъсир

---

[103] Gerganov E., Kyuchukov H. Word associations in Romani: some prototypes in cross-cultural perspectives // Psychology of Language and Communication 2005. Vol. 9. - No. 2. – P. 53-58.

кўрсатиши эслатилади. Лингвистик мақсадларни кўзда тутувчи ассоциатив тажрибаларга кўп ҳолларда 21-27 ёшлардаги кишилар жалб этилади. Олимларнинг фикрича, бу ёшда тил эгаларининг луғат заҳираси кенг, лисоний қобилияти тўлиқ шаклланган бўлади. Улар бугунги кун тил эгаларининг ва келажак авлоднинг лисоний онги ва тафаккурини намойиш эта олади. Ю.Н.Карауловнинг фикрича, ассоциацияларда синалувчилар онгида шаклланган олам манзараси ўз аксини топади. Ўз навбатида, кўпчилик одамларда тил қобилияти кўламининг кенгайиб бориши (луғат заҳираси, қадриятларнинг иерархик структураси, прагматик ўрнашуви) ва унинг формал-комбинатор имконияти умрининг охирига қадар нисбатан ўзгармас ҳолда сақланиб туради. [104]

Ассоциатив тажрибаларга синалувчилар сифатида кўпинча олий маълумотли тил эгалари ёки талабалар (кўпинча филология йўналиши талабалари) саралаб олинади. Баъзан тажриба учун ҳар хил касб эгалари ҳам танланади. Лексик бирликларнинг гендер хусусиятларини ўрганишда ассоциатив тажрибаларга бир хил жинс вакиллари (аёллар ёки эркаклар) жалб этилади.

Бу ўринда синалувчилар билан боғлиқ қуйидаги саволларнинг туғилиши табиий: «Ассоциатив тажрибалар учун танланган синалувчилар муайян тил лексик қатламининг умумий ҳолати ҳақида тўлиқ маълумот бера оладими?», «Бир гуруҳ синалувчилардан олинган натижалар барча тил эгаларининг лисоний хотираси ҳақида тўлиқ маълумот берадими?», «Маълум сонли синалувчилар шу тил эгаларининг лисоний заҳирасини тўлиқ акс эттирадими?», «Синалувчилардан олинган натижалар тилга хос қонуниятларни белгилаш учун хизмат қила оладими?».

Лингвистик тажрибалардан кутиладиган натижалар ҳақида мулоҳаза юритар экан, А.Мустайоки ҳам ҳақли равишда қуйидаги саволни ўртага ташлайди: «Агар лингвист «бир бутун тил тизими» ҳақида маълумот олишга ҳаракат қилса, вазият ўзи-ўзидан равшан. Ким «ҳамманинг» фикрини намойиш этиш ҳуқуқига эга? Бунда тадқиқотчи бевосита «тил эгаси» ёки

---

[104] Караулов Ю.Н. Русский ассоциативный словарь как новый лингвистический источник и инструмент анализа языковой способности // Русский ассоциативный словарь. Книга 1. – М., 1994. – С. 192-193.

«адабий тил эгаси» тушунчаси билан тўқнаш келади».[105] Шубҳасиз, бир гуруҳ синалувчилардан олинган натижалар барча тил эгаларининг лисоний қобилияти, тил заҳираси ҳақида тўлақонли маълумот бера олмайди. Бироқ кўп йиллар давомида ўтказилган ассоциатив тажрибалар шуни кўрсатадики, синалувчиларда вербал ассоциациялар асосан такрорланади, кам миқдордаги ассоциацияларгина индивидуал характерга эга бўлади. Ассоциатив тажриба натижаларининг кўпсонли тил эгаларида такрорланиши асосида муайян тилга хос энг умумий хусусиятлар, шу тилнинг лексик таркиби ҳақида умумий хулоса чиқариш мумкин бўлади.

Шунингдек, «Ассоциатив тажриба натижалари ҳаққонийми ёки тасодифийми?», «Ассоциатив тажриба натижаларининг неча фоизи ҳаққоний?» тарзидаги саволларнинг ҳам туғилиши табиий. Албатта, ассоциатив тажриба натижаларининг ҳаққонийлиги даражасини математик фоизларда белгилаш мушкул. Стимул сўз билан ҳеч қандай боғланмайдиган айрим ассоциацияларни мустасно этганда, вербал ассоциацияларнинг реал ҳаётдаги алоқа-боғланишларни акс эттириши ва уларга мос келишини инобатга олсак, уларнинг ҳаққонийлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Шунингдек, бир стимул сўзга синалувчиларнинг кўпинча деярли бир хил ассоциацияларни баён этишлари ҳам уларнинг ҳаққонийлигидан далолат беради.

Ассоциатив тажрибалар инсон устида ўтказилиши боис уни амалга ошириш жараёнида этик тамойилларга риоя қилиниши ҳам талаб этилади. Тажриба ўтказишнинг этик тамойиллари 1992 йилда Америка психологик ассоциацияси томонидан, 1993 йилда эса Британия психологик жамиятида қабул қилинган қуйидаги қоидаларда ўз ифодасини топган:

– синалувчиларнинг ўз хоҳишларига кўра тажрибада қатнашиш розилигини олиш, уларга олдиндан тажриба моҳияти ҳақида маълумот бериш;

– синалувчиларни ҳар қандай ноқулайлик ва эҳтимолли зарарлардан ҳимоя қилиш;

---

[105] Мустайоки А. О лингвистических экспериментах // Язык – система. Язык – текст. Язык – способность. (К 60-летию члена-корреспондента Российской академии наук Ю.Н.Караулова). Российская академия наук. инс.рус. языка им. В.В.Виноградова. – М.: Наука, 1995. - С.157.

– аниқ бўлмаган, икки хил тушунилувчи ва ҳақорат мазмунидаги саволномалардан қочиш, уларни имкон борича «юмшоқ» ифода этиш;

– синалувчида унга баҳо берилаётгандек тасаввур ҳосил бўлишига йўл қўймаслик;

– тажриба давомида синалувчи ҳақидаги махфий маълумотларни эълон қилмаслик;

– тажрибадан сўнг тадқиқот моҳиятини тўлиқ асослаб бериш.[106]

Ассоциатив тажрибалар муайян мақсад асосида ташкил этилади ва у ўтказилгач, олинган маълумотлар ўрганилади. Тажриба натижалари ҳам сифат, ҳам миқдор (статистик) жиҳатдан таҳлил қилинади.

Статистик таҳлилда асосий эътибор ассоциатларнинг умумий миқдори, қўлланиш частотасини аниқлашга қаратилади: юқори ва паст частотали ассоциатлар аниқланади, жавоб берилмаган ассоциатлар, якка ассоциатлар, бир хил ёки турли ассоциатларнинг сони белгиланади. Ассоциатларнинг орфографик вариантлари бир турдаги ассоциат сифатида қабул қилинади. Масалан, *гадо – гадой, обрў – обрўй* кабилар. Ассоциатлар таҳлилига доир бундай маълумотлар ҳар бир сўз учун берилган ассоциатлар охирида рақамларда қайд этилади.

Г.А.Мартиновичнинг қайд этишича, “Жавоб реакциялари миқдорий тавсифига кўра стереотип (нисбатан кўп учрайдиган, стандарт) ва якка (индивидуал, стандарт бўлмаган) турларга ажратилади. Стереотип жавоб реакциялари ёндошлик ёки ўхшашлик асосида юзага келувчи ҳамда инсон тафаккурида ўқилган ёки эшитилган сўз натижаси сифатида ўрин олувчи автоматик тарзда актуаллашадиган алоқаларга асосланади. Якка жавоб реакциялари эса тасаввур ва тушунчаларга ёндошлик ёки ўхшашликка кўра индивидуал ёндашув асосида шаклланади,

---

[106] Бу ҳақда қаранг: Городецкая Л.А. Ассоциативный эксперимент в коммуникативных исследованиях // Вестник Российской коммуникативной ассоциации. Вып. 1. - Ростов н/Д: ИУБиП, 2002. - С. 28-37.

бундай ёндашув натижасида янги, типик бўлмаган ассоциатив жуфтликлар ҳосил бўлади.” [107]

Ассоциатлар сифат жиҳатидан таҳлил этилганда ассоциатив майдон структураси, майдон ядроси, ассоциатив алоқани ҳосил қилган омиллар, синтагматик ва парадигматик алоқа турлари ўрганилади.

Тажриба маълумотларининг сифат ва миқдорий таҳлили асосида нафақат тил эгаларининг лисоний онги, хотираси, тил заҳираси, миллий-маданий қадриятлари, руҳияти кабилар ҳақида; тилдаги лексик бирликларнинг қўлланиш даражаси, сўзлар орасидаги семантик алоқа тури, ассоциатив алоқа кучи бўйича ҳам лингвистик маълумотларга эга бўлиш мумкин бўлади. Албатта, бу масалалар юзасидан якуний хулосалар тажриба материаллари таҳлилига қай тарзда ва қандай мақсадда ёндашув асосида чиқарилишига боғлиқ. Ассоциатив лингвистиканинг машҳур вакилларидан бири А.Залевскаянинг маълумот беришича, ўтган асрнинг 50-60-йилларида машҳур бўлган тажриба материалларининг таҳлил усули эскирган бўлиб, фақат юқори частотали ассоциатив реакцияларни эътиборга олишни назарда тутган, бироқ якка жавоб-реакцияларнинг стимул сўз билан муносабати масаласининг таҳлили белгиланган қонуниятлар ҳақидаги умумий тасаввурни маълум даражада ўзгартириши аллақачон асослаб берилди.[108] Демак, олинган материалларнинг тажрибадан кўзланган мақсад асосида ўрганилиши жуда муҳим. Жумладан, тадқиқотчининг мақсади индивидуал ёки жамоавий, юқори, паст частотали ассоциатларни ўрганиш бўлса, асосий эътибор шу мақсадга йўналтирилиши ва умумий хулосалар шу доирада чиқарилиши лозим.

Хуллас, ассоциатив тажриба методи тилдаги лексик бирликларнинг семантик алоқаси, ассоциатив боғланиши ва биргаликда нутқий тузилмалар ҳосил қилиши, уларнинг ижтимоий, маданийлик, гендер хусусиятлари каби муаммоларни шахс омили билан боғлиқ ҳолда ўрганувчи метод сифатида амалий аҳамиятга эга.

---

[107] Мартинович Г.А. Опыт комплексного исследования данных ассоциативного эксперимента // Вопросы психологии. – М., - 1993. - № 2. - С. 93-99.

[108] Залевская А.А. Психолингвистические исследования. Слово. Текст. Избранные труды. - М.: Гнозис, 2005. - С. 40.

VIII. АССОЦИАТИВ ЛУҒАТЛАР – ТИЛ ЭГАЛАРИ ЛЕКСИК ЗАҲИРАСИНИНГ КЎЗГУСИ

1. Ассоциатив луғатларнинг тузилиши

Ўтган асрда ўзбек миллий луғатчилигида қамрови, мақсад ва вазифасига кўра турли-туман луғатлар яратилди. Мана шундай луғатлар сифатида 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмасини қамраб олган 5 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (Э.Бегматов, А.Мадвалиев ва бошқалар. -Тошкент, 2006-2008)ни, “Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати” (А.Ҳожиев, А.Нурмонов ва бошқалар. -Тошкент, 2001), Ш.Раҳматуллаевнинг уч жилдли “Ўзбек тилининг этимологик луғати” (-Тошкент, 2000, 2003, 2009), Э.Бегматовнинг “Ўзбек исмлари маъноси” антропонимик луғати (-Тошкент, 2006), “Алпомиш” достонининг изоҳли луғати” (Т.Мирзаев ва бошқалар. – Тошкент, 2007), С.Каримов, А.Қаршиев, Г.Исроиловаларнинг «Abdulla Qahhor asarlari tilining lug’ati. Chastotali lug’at»и (-Toshkent, 2007), Т.Нафасовнинг «Qashqadaryo o’zbek xalq so’zlari lug’ati» (- Toshkent, 2011), Н.Маҳкамов, И.Эрматовлар томонидан тузилган “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” (-Тошкент, 2013), Н.Маҳмудов, Д.Худойбергановаларнинг “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати” (-Тошкент, 2013), Н.Маҳмудов, Ё.Одиловларнинг “Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати” (-Тошкент, 2014) каби қатор луғатларни қайд этиш мумкин. Бугунги кунда мазкур соҳадаги ишларни янада жонлантириш, давр талаби ва эҳтиёжига айланган луғат ва қомусларни яратиш долзарб муаммолардан бирига айланди.

Республикамиз биринчи Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги фармонида соҳа мутахассислари зиммасига миллий тилимиз ва адабиётимизни янада ривожлантириш, она тилимизнинг жамият ҳаётида тутган мавқеини юксалтириш, унинг тарихий тараққиёти, бугунги ҳолати, истиқболи билан боғлиқ масалаларни илмий асосда чуқур

ўрганиш каби қатор вазифалар юклатилди.[109] Фармонда, айниқса, турли мавзулардаги луғат ва қомуслар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас. Бугунги кунда ўзбек луғатчилигида давр эҳтиёжига айланган, яратилиши лозим бўлган бир қатор луғат турларини қайд этиш мумкин. Жумладан, "Ўзбек тилининг ассоциатив луғати"ни яратиш янги давр ўзбек лексикографиясининг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳон тилшунослигида илк ассоциатив луғат 1910 йилда америкалик олимлар Х.Г.Кент ва А.Ж.Розановлар томонидан инглиз тили материллари асосида ишлаб чиқилган. Ушбу луғатда энг юқори частотали 100та стимул сўз бўйича 1000та синалувчида ўтказилган ассоциатив тажриба материаллари акс этган.[110] Шундан сўнг америкалик олимлар Л.Постман, Ж.Кеппел томонидан инглиз, француз, немис тилларидаги ассоциатив меъёрлардан ташкил топган "Ассоциатив сўзлар меъёри" эълон қилинди.[111] Илк ассоциатив тезаурус Ж.Киш раҳбарлигида АҚШнинг Эдинбург университети психологлари томонидан яратилди. [112]

Рус тили материалларига асосланган илк ассоциатив луғат 1977 йилда А.А.Леонтьев таҳрири остида эълон қилинди. Унда 200 та жавоб реакцияси қайд этилган. Рус тилининг ассоциатив тезауруси материаллари 1994-1998 йиллар давомида 6 та китобда ва 2002 йилда 2 та жилдда нашрдан чиққан.[113] Шунингдек, рус

---

[109] "Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида"ги фармон // http://www.uza.uz

[110] Kent G.H., Rosanoff A.J. A Study of Association in Insanity // American Journal of Insanity. – 1910. – V. 67. – N 1-2. – P. 317-390.

[111] Postman L., Keppel G. (eds.). Norms of Word Association. – New York and London: Academic Press, 1970. – 943 p.

[112] Kiss G.R., Armstrong C., Milroy R. The Associative Thesaurus of English. Edinburgh: Univ. of Edinb., MRC Speech and Communication Unit, 1972. - 1539 p.

[113] Русский ассоциативный словарь /Сост. Ю.Н.Караулов, Ю.А.Сорокин, Е.Ф.Тарасов, Н.В.Уфимцева, Г.А.Черкасова. Т. 1–2. -М., 1994-1998. URL: http:// www.tesaurus.ru/dict/ dict.php; Русский ассоциативный словарь. В 2 т. / Ю.Н.Караулов, Г.А.Черкасова, Н.В.Уфимцева, Ю.А.Сорокин, Е.Ф.Тарасов. – М.: Астрель; АСТ, 2002. – Т. 1. От стимула к реакции. – 784 с.; Т. 2. От реакции к стимулу. – 992 с.

тилининг бошқа тиллар билан қиёсий аспектдаги ассоциатив луғатлари ҳам яратилган. [114]

Бугунги кунга келиб немис, француз, испан, украин, болгар, белорус, латиш, хакас, қозоқ, қирғиз, турк, ёқут ва бошқа тилларнинг ассоциатив луғатлари ҳам мавжуд.[115] Бироқ ўзбек тилида бу турдаги луғатлар ҳали мавжуд эмас. Ўзбек тили эгаларининг лисоний онги ва тафаккури, психологик тасаввури маҳсули бўлмиш ассоциатив муносабатдаги лексик бирликлар, уларнинг инсон хотирасида бир-бирини ёдга туширишига сабаб бўлувчи ички ва ташқи омиллар, ассоциатив бирликларнинг лингвистик, социолингвистик, психолингвистик, лингво-культурологик, гендерологик хусусиятлари ўзбек тилида ҳам батафсил ўрганилиши лозим. Бунинг учун, албатта, оммавий тарзда ўтказиладиган ассоциатив тажриба методи асосида ўзбек тилида бир-бири билан ассоциатив боғланувчи лексик бирликларни аниқлаш, уларни семантик майдонларга бирлаштириш, ҳам сифат (лингвистик), ҳам миқдорий белгиси

---

[114] Титова Л.Н. Киргизско-русский ассоциативный словарь. - Фрунзе: Мектеп, 1975; Ульянов Ю.Е. Латышско-русский ассоциативный словарь. - Рига: Зинантне, 1988. – 187 с; Дмитрюк Н.В. Казахско-русский ассоциативный словарь // РАН. Ин-т языкознания, ун-т “Мирас”. – Шымкент; - М., 1998. - 245 с.; Sanchez Puig M., Karaulov Yu., Cherkasova G. Normas asociativas del espanol y del ruso. Moscu – Madrid, 2000. - 496 p.; Славянский ассоциативный словарь: русский, белорусский, болгарский, украинский / Н.В.Уфимцева, Г.А. Черкасова, Ю.Н. Караулов, Е.Ф. Тарасов. - М., 2004. - 792 с.; Черкасова Г.А. Русский сопоставительный ассоциативный словарь. - М.: ИЯз РАН, 2008; ва бошқалар.

[115] Kurcz I. Polski normy powczechności skojarzeń swobodnych na 100 słów z listy Kent-Rosanoff”a. – Studia psychologychne. Warszawa-WroclawKraków, 1967; Maršalová L. Slovno-asociačne normy. – Bratislava, 1972; Титова Л.Н. Киргизско-русский ассоциативный словарь. - Фрунзе: Мектеп, 1975; Цітова А.І. Асацыятыўны слоўнік беларускай мовы. – Мінск, 1981; Български норми на словесни ассоциации (Под общата ред. Е.Герганова). - София: Наука и изкуство, 1984. - 272 с.; Ульянов Ю.Е. Латышско-русский ассоциативный словарь. - Рига: Зинантне, 1988. – 187 с; Бутенко Н.П. Словник асощативних норм украшськоу мови. - Львів: Вища школа, 1989. – 326 с.; Дмитрюк Н.В. Казахско-русский ассоциативный словарь // РАН. Ин-т языкознания, университет “Мирас”. – Шымкент; - М., 1998. - 245 с.; Боргоякова А.П. Хакасский ассоциативный словарь (рукопись). 2002. - 235 с; Дебренн М., Романенко А.А. Французский ассоциативный словарь: В2 т. / Новосиб. гос. ун-т. Новосибирск, 2010. URL:http:// dic-taverf.nsu.ru/dict.; Заморщикова Л.С., Романенко А.А. Ассоциативный словарь якутского языка. http: // adictsakha.nsu.ru. ва бошқалар.

(лингвостатистик) асосида таҳлил қилиш ва шу асосда “Ўзбек тилининг ассоциатив луғати”ни яратиш лозим. Бу турдаги луғатнинг яратилиши хориж тилшуносликларида мустақил илмий парадигма сифатида шаклланиб улгурган, бироқ ўзбек тилшунослигига эндигина кириб келаётган ассоциатив тилшунослик ғояларининг чуқурроқ илдиз ёйишига туртки бериши шубҳасиз.

Хўш, ассоциатив луғатлар қандай типдаги луғат, улар қандай мақсадда яратилади ва аҳолининг қайси қатлами учун хизмат қилади?

Ассоциатив луғатлар тил эгаларининг ташқи олам ҳақидаги психологик тасаввури, лисоний тафаккури ва хотираси асосида яратилувчи янги типдаги луғатлардир. Бундай типдаги луғатларнинг луғат мақоласини ўзаро ассоциатив боғланган бирликлар майдони ташкил этади.

Ассоциатив луғатлар муайян тилдаги ассоциатив муносабатли лексик бирликлар, уларнинг инсон хотирасида шаклланган уялари, ассоциатив бирликларнинг лексик-семантик, лингвомаданий, социолингвистик, гендерологик, прагма-лингвистик хусусиятлари ҳақида маълумот берувчи луғат тури ҳисобланади. Шу билан бирга, луғатда берилган ассоциацияларда тил эгаларининг ташқи олам ҳақидаги тасаввурлари, билими, дунёқараши, руҳияти, воқеликка муносабати, ҳаётий тажрибалари, ўй-хаёллари, ташвиш-муаммолари акс этади. Шу боис бундай луғатлар нафақат лингвистлар, балки кенг омма учун ҳам муҳим билим ва маълумотлар базаси вазифасини ўтайди.

Рус тили ассоциатив-вербал тармоғида жамланган билимларни таҳлил қилар экан, қатор ассоциатив луғатлар муаллифи, «Ассоциатив грамматика» асосчиси Ю.Н.Караулов уларни шартли равишда қуйидаги қисмларга ажратади: А. Тил эгалари хотирасига олам манзараси тасвирини келтирувчи тилдан ташқаридаги ёки экстралингвистик билимлар. Б. Ассоциатив-вербал тармоқда лисоний онгнинг намоён бўлиши. В. Тилнинг грамматик қурилиши ва луғат таркиби.[116]

---

[116] Караулов Ю.Н. Русский ассоциативный словарь как новый лингвистический источник и инструмент анализа языковой способности // Русский ассоциативный словарь. Книга 1. – М., 1994. – С. 194.

Олимнинг фикрича, биринчи типдаги билим (А)лар экстралингвистик маълумот ташийди, ассоциатив сўз, сўз бирикмалари, гаплар, йирик жумлаларда тил эгалари ўз ҳаёти давомида доимий муносабатда бўлувчи, уларни ўраб турган воқеликдаги предмет ва ҳодисаларни номловчи ва уларга тавсиф берувчи экстралингвистик маълумотлар акс этади. Улар орасида сиёсий, ижтимоий ҳаёт, санъат, мода ва рус ҳаётининг мамлакатшунослик хусусиятлари, миллий характер белгилари, халқ ва дунё тарихи билан боғлиқ доимий феноменлар мавжуд.

Ю.Н.Караулов иккинчи турдаги билим (Б)ларни мулоқот билими деб номлайди. Унинг фикрича, бундай билимлар тил эгаларининг лисоний онгини акс эттиришга хизмат қилади, негаки бундай билимлар тил, миллий маданият бўйича мулоҳаза юритиш элементларини қамраб олади, жавоб реакциялари орқали рус воқелигидаги ҳодисалар, типик вазиятлар, тушунчаларга баҳо берилади.

Ниҳоят, ассоциатив-вербал тармоқнинг учинчи энг кенг билимлар қисми (В) кўпчилик тил эгалари учун онгсиз, ўйланмаган ҳолатдаги билимлар бўлиб, улар тил қурилиши, унинг барча сатҳлари – фонетикаси, морфологияси, синтаксиси, кенг маънодаги грамматикаси, тобелилик тизими, турли услубларга эга лексикасига оид билимлардир. [117]

Англашиладики, ассоциатив-вербал тармоқда нафақат тилшуносликка оид билимлар, балки инсон, жамият ҳаёти билан боғлиқ билимлар ҳам жамланади.

Ассоциатив луғатлар бошқа турдаги лингвистик луғатлардан қайси жиҳатдан фарқланади?

Ассоциатив луғатлар мақсади, структураси, моҳиятан кенг қамровли эканлиги, унда нафақат лингвистик маълумотлар, юқорида айтиб ўтилганидек, турли соҳаларга оид билимлар жамланиши, тажриба материалларига таяниши кабиларга кўра бошқа турдаги лингвистик луғатлардан кескин фарқ қилади. Бу фарқ, асосан, қуйидагиларда кузатилади:

1. Ассоциатив луғатлар, аввало, луғатдан кўзланган мақсад ва унда амалга ошириладиган вазифаларга кўра бошқа турдаги лингвистик луғатлардан кескин фарқ қилади. Бу типдаги

[117] Шу манба. – Б. 194-195.

луғатлар муайян тилнинг луғат таркибини текшириш, тил эгаларининг лексик заҳираси, хотираси ҳақида маълумотга эга бўлиш, олам ҳақидаги тасаввурлари, билимининг тилда акс этиши масаласини ўрганиш, тилни меъёрлаштириш каби мақсадларни кўзда тутади. Ассоциатив луғатлар тил эгаларининг ижтимоий-тарихий хотираси ичига киришга имкон берувчи луғатлар ҳисобланади.

2. Ассоциатив луғатлар ўқувчида маълум даврдаги муайян тилнинг лексик қатлами, унинг таркиби ҳақида яхлит тасаввур уйғотишга хизмат қилади. Бу турдаги луғатлар тилни тасвирловчи шунчаки “иллюстратив материал” бўлмай, тил ва инсон, тил ва жамият, тил ва руҳият, тил ва маданият, тил ва илм-фан, техника муносабати кабилар ҳақида ҳам тасаввур ҳосил қилувчи, тил эгаларининг ташқи олам ҳақидаги когнитив билими, психологик тасаввури, воқеликка муносабатини намойиш этувчи лингвистик манба саналади.

3. Ассоциатив луғатлар, аввало, тил эгалари лисоний тафаккурида бир-бири билан ассоциатив боғланган, гап қурилиши учун тайёр материал вазифасини ўтовчи ассоциатив бирликлар базасидир. Шу билан бирга, бундай луғатлар орқали ассоциатив бирликларнинг лексик-семантик, грамматик, услубий, деривацион, прагматик, миллий-маданий, гендер хусусиятлари, қўлланиш частотаси ҳақида ҳам маълумот олиш мумкин бўлади. Ассоциатив луғатларда, айниқса, бошқа лингвистик луғатларда қайд этилмаган халқ маданиятининг ўзига хос қирралари акс этади.

4. Ассоциатив луғатларда инсон хотирасида бир-бирини ёдга туширувчи бирликлар майдони берилади. Бу майдон таркибидан тил эгалари томонидан ҳосил қилинган турли ассоциациялар (бу вазифани асосий ҳолларда синонимлар, антонимлар, уядош сўзлар, паремиялар бажаради) ўрин эгаллайди. Н.Караулов айтганидек, «ассоциатив луғат тилни биз учун бирмунча ўзгача шаклда – роман ёки газета мақоласидаги каби тўлиқ матн кўринишида эмас, грамматика ёки изоҳли луғатлардаги каби системали тафсилот ҳолида ҳам эмас, балки ёйиқ жумлалар, гап тузиш учун қурилиш материали бўлиб

хизмат қилувчи ўзаро жуфт ҳолда боғланган сўзлар ёки сўзлар гуруҳи кўринишида намойиш этади”. [118]

5. Ассоциатив луғатлар учун, аввало, тилнинг лексик бирликлари луғат материали вазифасини ўтайди. Бироқ ассоциатив луғатларни нафақат лексик бирликлар, балки тилнинг бошқа бирликлари бўйича ҳам яратиш мумкин.

6. Ассоциатив луғатлар структураси жиҳатидан бошқа турдаги лингвистик луғатлардан тубдан фарқ қилади. Ассоциатив луғатларда луғат тузувчи томонидан лексик бирликларнинг луғавий маъноси, морфем таркиби, грамматик шакли ёки имлоси ҳақидаги маълумотлар берилмайди. Луғатда бошқа турдаги луғатларда кузатилгани каби библиографик маълумотлар, шартли қисқартмалар, ҳаволалар акс этмайди. Ассоциатив луғатларда ассоциатив майдон бирликлари – *стимул сўз* ва *ассоциатлар* (жавоб реакциялари) қатъий алфавит тартибида қайд этилади. Улар луғатда қуйидаги тартибда жойлаштирилади: аввал стимул сўз ёзилади, унинг қаршисига ассоциациялар қўлланиш частотасининг камайиб бориши асосида қайд этилади. Ассоциатларнинг қўлланиш частотаси қавс ичида кўрсатилади. Ассоциатлар учун қуйидаги статистик маълумот келтирилади: 1) ассоциатларнинг умумий миқдори; 2) турли ассоциатлар миқдори; 3) ягона ассоциатлар миқдори; 4) жавоб ёзилмаган ҳолатлар миқдори. Стимул сўзнинг синонимик, антонимик қаторлари, уядошлари ажратиб кўрсатилиши мумкин.

Ассоциатив луғатларнинг сўзбоши қисмида мазкур луғатнинг тузилиши, унда амалга оширилган вазифалар, ўтказилган ассоциатив тажриба тури, тажриба учун танланган тил эгалари ҳақидаги умумий маълумотлар қайд этилади.

7. Ассоциатив луғатлар психолингвистикада кенг тарқалган эркин ассоциатив тажриба методи асосида яратилади. Бу турдаги луғатларнинг оммавий тарзда ўтказилувчи тажриба материаллари асосида яратилиши ўзига хос жиҳатидир.

8. Ассоциатив луғатлар анъанавий тарзда икки хил тартибда тузилади. Биринчи турдаги ассоциатив луғатларда

---

[118] Караулов Ю.Н. Русский ассоциативный словарь как новый лингвистический источник и инструмент анализа языковой способности // Русский ассоциативный словарь. Книга 1. – М., 1994. – С. 191.

стимул сўз орқали ҳосил бўлган ассоциатлар акс этади. Ассоциатив луғатларнинг иккинчи турида эса ассоциатлар орқали тикланган стимул сўзлар қайди акс этади. Ассоциатив луғатларнинг иккинчи тури лексик бирликлар ўртасидаги семантик муносабатни аниқлашга ёрдам беради.

9. Ассоциатив луғатларнинг нафақат полиграфик маҳсулот шаклида, электрон лингвистик маълумотлар базаси шаклида ҳам берилиши муҳим жиҳати ҳисобланади. Ассоциатив луғатлар қамраб олинган тил материаллари асосида бир тилли ёки кўп тилли луғатлар шаклида яратилади.

10. Ассоциатив луғатлар ўқув луғатлари ҳисобланади. Унинг материаллари ассоциатив грамматика учун таҳлилий манба вазифасини ўтайди. Бугунги кунда баъзи тилларда ассоциатив луғатлар асосида ассоциатив грамматика ва ассоциатив-вербал тармоқ назарияси яратилди.[119] Ассоциатив грамматика тил бирликларининг ассоциатив муносабати, ассоциатив боғланишларни юзага келтирувчи лингвистик ва экстралингвистик омиллар, инсоннинг ассоциатив тафаккури, лисоний заҳираси, хотираси каби муаммолар бўйича баҳс юритади.

2. Ассоциатив луғатларни яратишда юзага келадиган муаммолар

Ассоциатив луғатлар кўпсонли синалувчиларда ўтказиладиган эркин ассоциатив тажриба материаллари асосида яратилиши боис кўпинча тажриба ўтказиш ва олинган натижаларни тартибга солиш билан боғлиқ ҳолда қуйидаги муаммоларга дуч келинади:

1. Ассоциатив тажрибаларни ўтказиш учун шарт-шароитларнинг чекланганлиги (ўтказиладиган жой, чегараланган вақт кабилар) айрим ассоциацияларнинг етарли ёки аниқ бўлмаслигига сабабчи бўлади.

---

[119] Караулов Ю.Н. Активная грамматика и ассоциативно-вербальная сеть. – М.: ИРЯ РАН, 1999; Шу муаллиф. Ассоциативная грамматика русского языка. – М.: УРСС, 2010. – 328 с.

2. Ёзма ассоциатив тажрибалар кўпсонли синалувчиларда ўтказилиши сабабли уларни бўш вақтларига қараб бир вақтда тажрибага жалб этиш муаммоси юзага келади.

3. Ёзма ассоциатив тажриба жараёнида синалувчиларнинг баъзи ҳаракатлари орқали (турли нарсаларга чалғиши, гаплашиши кабилар) бир-бирига ҳалақит бериши кузатилиши мумкин. Бу ҳолат уларнинг ассоциацияларни қайд этишида чалғиб қолишига сабаб бўлади.

4. Оғзаки ассоциатив тажриба индивидуал сўровга асосланиши боис уни ўтказишга кўп вақт сарфланади.

5. Ассоциатив тажриба жараёнининг тажриба ўтказувчи томонидан бошқариб турилиши, унинг назорати синалувчиларга таъсир этмай қолмайди. Бу ҳолат ҳам тажрибанинг табиий муҳитда ўтишига тўсқинлик қилиши мумкин.

6. Синалувчиларнинг руҳий ҳолати, ташвиш-муаммолари тажриба натижаларига таъсир кўрсатиши аниқланган. Бундай вазиятда ҳам ассоциацияларнинг юзаки, пала-партиш баён этилиши кузатилади.

7. Айрим синалувчилар учун қизиқ бўлмаган тажрибанинг улар устида ўтказилиши тажриба натижаларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу ҳолат ҳам ассоциация-ларнинг юзаки баён этилишига олиб келади.

Албатта, қайд этилган муаммолар луғат тузиш ишида айрим қийинчиликларни юзага келтирса-да, ассоциатив луғатлар кўп миқдордаги синалувчилардан олинган минглаб ассоциация-лар асосида яратилиши боис луғатнинг сифатига, маълумот-ларнинг ишончлилиги даражасига жиддий хавф солмайди.

3. Ассоциатив луғатларнинг амалий аҳамияти

Ассоциатив луғатлар тилшунослик ва шу каби инсон феномени муаммоси билан шуғулланувчи фанлар – когнитология, психология, адабиётшунослик, фольклор-шунослик, жамиятшунослик, сиёсатшунослик, маданият-шунослик, санъатшунослик, диншунослик, тарих фанлари учун қандай материалларни тақдим этади?

Мазкур турдаги луғатлар, аввало, назарий тил-шуносликнинг лексикология, семантика, грамматика соҳалари

учун қимматли материаллар манбаидир. Шунингдек, ассоциатив луғатлар антропоцентрик тилшуносликнинг психолингвистика, лингвокогнитология, лингвокультурология, прагмалингвистика, социолингвистика, этнолингвистика каби қатор йўналишларида олиб борилаётган тадқиқотлар учун таҳлил материали вазифасини ўтайди.

Ассоциатив луғатлар когнитология фанига тил эгаларининг объектив борлиқ, унда кечаётган воқеликни қай тарзда идрок этиши ҳақида маълумот беради, инсоннинг руҳий ҳолатини акс эттирувчи вербал ифодалар психологияда инсон руҳиятида кечаётган ўзгаришларни тадқиқ этишда таҳлил объекти вазифасини ўтайди.

Вербал ассоциацияларда акс этган образли ифодалар, прецедент бадиий матнлар, окказионал қўлланишлар адабиётшуносликда бадиий сўз усталарининг образли фикрлаш механизмини, ассоциатив тафаккурини ўрганишда қимматли манба ҳисобланади, вербал ассоциациялардан ўрин олган халқ оғзаки ижодининг ўзига хос намуналари (мақол, матал, топишмоқ кабилар) эса фольклоршунослик учун янги таҳлилий материаллар беради.

Ассоциатив луғатлар халқ маданиятига доир билимларни ҳам ўзида жамловчи миллий онг инъикоси ҳисобланади. Уни ўқиган китобхон кўз олдида халқ маданияти намуналари гавдаланади, ассоциациялар орқали тил эгаларининг миллий-маданий қадриятларга муносабати ҳақида билимга эга бўлинади. Масалан, ўтказилган ассоциатив тажриба материалларида *алла* лексемаси учун берилган *сабр, фидоийлик, бахт, шукрона, сўз сеҳри, бахтли ҳаёт, бахтли оила, қайноқ меҳр нафаси, меҳр нури, шифобахш* ассоциацияларида тил эгаларининг мазкур муқаддас миллий-маданий қадриятга бўлган ижобий муносабати ўз ифодасини топганлигини англаш мумкин. Ассоциациялар майдонида миллий-маданийлик белгисига кўра фарқланиб турувчи вербал ифодалар маданиятшунослик фани учун муҳим манба вазифасини ўтайди.

Ассоциатив луғатларда вербал ассоциациялар қаторидан ўрин олган ижтимоий, сиёсий, диний терминлар жамият-шунослик, сиёсатшунослик, диншунослик фанларида тил

эгаларининг ижтимоий, сиёсий, диний муаммоларга бўлган муносабати ва қарашларини аниқлашда асқотади.

Ассоциатив луғатлар маълум давр кишилари ижтимоий ҳаётида юз берган тарихий воқеалар ҳақида ҳам билим беради. Масалан, ўтказилган ассоциатив тажриба материалларида *уруш* лексемаси учун берилган *қон тўкилиши, ўлим, очарчилик, азоб-уқубат, етимлик, қайғу-изтироб* ассоциатлари муайян даврда юз берган тарихнинг мудҳиш кунларини хотирада тиклайди. Қайд этилган жиҳатлар асосида ассоциатив луғатларни кенг доирадаги соҳа кишилари учун билимлар манбаи дейиш мумкин.

Ассоциатив луғатлар, айниқса, тилшунослик фани учун шу тилда фаол қўлланувчи лексик бирликлар ва уларнинг ассоциатларига хос лингвистик хусусиятлар ҳақида кенг қамровли билим берувчи луғат сифатида аҳамиятли. Мана шу хусусиятлари асосида Ю.Н.Караулов муайян тилнинг имкониятларини намойиш этувчи бу типдаги луғатларга «луғат-грамматика, луғат-дарслик (хрестоматия)»[120] деб таъриф беради.

Ассоциатив луғатларда жамланган билимларни қуйидаги турларга ажратган ҳолда ўрганиш мумкин:

1. Лингвистик билимлар.
2. Экстралингвистик билимлар.

Лингвистик билимлар. Луғатда *стимул сўз – ассоциат* муносабатини ўрганиш орқали лексик бирликларга хос лингвистик хусусиятлар ҳақида хулоса чиқариш мумкин бўлади. Айрим тилшунослар фақат ассоциатларнинг лингвистик хусусиятларини ўрганишни лозим топадилар. Г.А.Мартинович эса ассоциатларни лингвистик, психолингвистик ва психологик нуқтаи назардан ўрганиш лозимлигини уқтиради. У *береза* лексемаси ассоциатларини лингвистик нуқтаи назардан уларнинг формал-грамматик хусусиятлари асосида қуйидаги типларга ажратган ҳолда ўрганади: 1) гап шаклидаги жавоб реакциялари; 2) кесим шаклидаги жавоб реакциялари; 3) сўз бирикмалари

[120] Караулов Ю.Н., Сорокин Ю.А., Тарасова Е.Ф., Уфимцева Н.В., Черкасова Г.А. Русский ассоциативный словарь. - М., 1994. - С.5-8.

шаклидаги жавоб реакциялар; 4) сўзшакли тузилишидаги жавоб реакциялари.[121]

Назаримизда, ассоциатларни фақат формал-грамматик жиҳатдан ўрганиш уларнинг лингвистик хусусиятлари ҳақида атрофлича хулоса чиқаришга имкон бермайди. Бунда ассоциатларнинг лексик-семантик, деривацион, акустик, услубий ва бошқа хусусиятлари очилмай қолади. Биз ўтказилган ассоциатив тажрибалар асосида *стимул сўз – ассоциат* муносабати орқали реаллашадиган ассоциатив муносабатдаги лексик бирликларга хос қуйидаги лингвистик хусусиятларни ўрганишни лозим топдик:

I. Лексик бирликнинг ассоциатив майдони: таркиби ва унинг статистик таҳлили.

II. Ассоциатив майдон бирликларининг лексик-семантик хусусиятлари:

а) стимул сўзнинг луғавий маъносини реаллаштирувчи ассоциатив бирликлар;

б) стимул сўзнинг семантик компонентларини реаллаштирувчи ассоциатив бирликлар;

в) стимул сўзнинг кўчма маъноларини реаллаштирувчи ассоциатив бирликлар;

г) стимул сўзнинг лексик-семантик парадигмалари (синонимик, антонимик, омонимик, партонимик, градуономик, гиперонимик, паронимик, уядошлик қатори)ни ҳосил қилувчи ассоциатив бирликлар; ассоциатив бирликларнинг парадигматик муносабати.

III. Ассоциатив майдон бирликларининг грамматик хусусиятлари:

а) стимул сўзнинг морфологик шаклларини воқелантирувчи ассоциациялар;

б) ассоциатив бирликларнинг морфологик структураси;

в) ассоциатив бирликларнинг синтактик структураси.

IV. Ассоциатив майдон бирликларининг интонацион-акустик хусусиятлари:

а) стимул сўзнинг фонетик қаторлари;

---

[121] Мартинович Г.А. Вербальные ассоциации в ассоциативном эксперименте. СПб., 1997. http://davaiknam.ru/text/g-a-martinovich-verbalenie-associacii-v-associativnom-ekspe-rim -page-5

б) ассоциатив бирликларнинг интонацион-акустик белгилари.

V. Ассоциатив майдон бирликларининг деривацион хусусиятлари:

а) стимул сўз асосида ясалган ассоциациялар;

б) ассоциатив бирликларнинг деривацион структураси.

VI. Ассоциатив майдон бирликларининг услубий хусусиятлари.

а) стимул сўзнинг услубий вариантлари;

б) ассоциатив бирликларнинг услубий белгиси.

VII. Ассоциатив майдон бирликларининг прагматик хусусиятлари:

а) ассоциатив бирликларнинг коннотацион хусусияти;

б) ассоциатив бирликларнинг баҳо муносабатини ифодалаши;

в) ассоциатив бирликларнинг дейктик хусусияти.

VIII. Ассоциатив майдон бирликларининг гендер белгиси.

IX. Ассоциатив майдон бирликларининг миллий-маданийлик белгиси.

X. Ассоциатив майдон бирликларининг ижтимоийлик белгиси.

Экстралингвистик билимлар. Ассоциатив луғатлар инсон ва жамият ҳаёти билан боғлиқ тилдан ташқаридаги турфа хил билимларни ўзида жамлайди. Ю.Н.Караулов рус тили ассоциатив луғатида жамланган экстралингвистик маълумотларни қуйидагича таснифлайди:

1. Номлар (кишиларнинг исми фамилиялари (антропонимлар), жой номлари (топонимлар), астрономик объект номлари, халқ номлари (этнонимлар), муассаса, ташкилот номлари, моддий маҳсулотларнинг товар белгилари)

2. Ёзувлар, лозунг ва рекламалар.

3. Жамият ҳаёти, сиёсат, иқтисодиёт, маданиятнинг муҳим томонлари билан боғлиқ билимлар.

4. Илмий маълумот.

5. Санъат ва маданиятга доир материаллар.

6. Воқеликнинг метафорик тушунилиши.

7. Фразеологизм олам манзараси бирлиги сифатида.

8. Жавоб реакцияларида образлилик ва кўргазмалилик.

9. Жест ва мимикалар, интонация.

10. Асосий қоидалар даражасига кўтарилган изҳорлар (яшаш қоидалари, сентенциялар, қарашлар, мулоҳазалар)

11. Миллий-маданий типик вазиятларни акс эттирувчи фреймлар.[122]

Ассоциатив луғатларда *стимул сўз – ассоциат* муносабати орқали аниқланадиган экстралингвистик билимларни соҳалар бўйича қуйидаги турларга умумлаштириш мумкин:

I. Когнитологияга оид билимлар (тил эгаларининг воқелик ҳақидаги когнитив билимлари).

II. Психологияга оид билимлар (тил эгаларининг шахс хусусиятлари: ёши, руҳияти, дунёқараши, воқеликка муносабати кабилар).

III. Миллий-маданий соҳага доир билимлар.

IV. Диний соҳага доир билимлар.

V. Ижтимоий-сиёсий соҳага доир билимлар.

VI. Иқтисодиётга доир билимлар.

VII. Жамият тарихига оид билимлар.

VIII. Санъат соҳасига доир билимлар.

IX. Спортга доир билимлар.

X. Медицинага доир билимлар.

XI. Таълим соҳасига доир билимлар.

XII. Техникага доир билимлар.

Маълум бўладики, ассоциатив луғатлар кенг қамровли янги типдаги луғатлардир. Бу турдаги луғатлар инсон феномени билан боғлиқ муаммоларни ўрганувчи қатор фанлар учун қимматли маълумотлар базасидир.

---

[122] Караулов Ю.Н. Русский ассоциативный словарь как новый лингвистический источник и инструмент анализа языковой способности // Русский ассоциативный словарь. Книга 1. – М., 1994. – С.195-199.

IX. АССОЦИАТИВ МАЙДОН БИРЛИКЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Ассоциатив бирликларнинг моҳиятини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида ўзбек тилининг энг фаол бирликлари сирасидан танлаб олинган 180 та лексик бирлик бўйича эркин ассоциатив тажриба ўтказилди. Ассоциатив тажриба Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш факультети 3-курс талабалари ва профессор-ўқитувчиларида (2016-2017 й.) ёзма тарзда ўтказилди. Тажрибада 48 та синалувчи қатнашди. Натижада ўзбек тили материаллари асосида ранг-баранг ассоциациялар тўпланди.

Синалувчиларга стимул сўзлар бўйича хотирада тикланган ассоциацияларни чекланмаган миқдорда қайд этиш топшириғи берилди. Ҳар бир стимул сўз бўйича ассоциацияларни қайд этишга 3 минут вақт ажратилди.

Ассоциатив майдон бирликлари таҳлили асосида вербал ассоциацияларга хос қуйидаги умумий хулосалар чиқарилди:

1. Ассоциатив тажриба асосида олинган вербал ассоциациялар тил эгалари лисоний онгида муайян белгилари асосида гуруҳларга бирлашган бир-бирини ёдга туширувчи бирликларнинг ташқи таъсир (тажриба ўтказувчи топшириғи) натижасида тил эгаси ички нутқи орқали воқеланган кўринишидир.

2. Вербал ассоциациялар тил эгаларининг ички нутқи ҳосилалари бўлса-да, алоқа-аралашув, мулоқот жараёнини акс эттирмайди.

3. Вербал ассоциациялар тил эгаларининг нутқий фаолияти учун тайёр маҳсулотлардир.

4. Вербал ассоциациялар лингвистик ва экстралингвистик омиллар орқали ҳосил бўлади.

5. Вербал ассоциацияларнинг кўпчилиги жамоавий характердаги ассоциациялардир.

6. Вербал ассоциацияларнинг асосий қисми стеореотип (стандарт) ассоциациялардир.

7. Индивидуал ассоциациялар тил эгаларининг ўз ҳаётий тажрибалари асосида юзага келади.

8. Вербал ассоциациялар тил бирликларининг лексик, семантик, грамматик, услубий, когнитив, прагматик хусусиятларини намойиш этади.

9. Вербал ассоциациялар тил бирликлари орасидаги турли муносабатлар (синтагматик, парадигматик, семантик ва ҳ.к) ҳақида маълумот беради.

10. Вербал ассоциациялар тил эгаларининг лисоний онги, тафаккур фаолияти, нутқ тузиш механизмини тадқиқ этишда муҳим манба ҳисобланади.

11. Вербал ассоциациялар тил бирликларининг миллий-маданий, ижтимоий, гендер белгилари ҳақида маълумот беради.

12. Вербал ассоциациялар жамият ҳаёти, тарих, маданият, илм-фан, санъат ва ҳоказолар ҳақида ҳам янги билимлар беради.

Қуйида миллий-маданий семали бирлик ҳамда нейтрал лексика сифатида танлаб олинган *бешик* ва *мактаб* лексемалари бўйича ўтказилган ассоциатив тажриба материалларини таҳлил қиламиз.

Бешик **лексемаси ассоциатив майдони бирликларининг лингвистик тавсифи** (лингвистик билимлар)

I. *Бешик* лексемасининг ассоциатив майдони: таркиби ва статистик таҳлили.

1. *Бешик* лексемасининг ассоциатив майдони.[123] *Бешик* лексемасининг ассоциатив майдони қуйидаги ассоциатив бирликлардан ташкил топди:

БЕШИК *– чақалоқ 8; алла, бешик тўйи, она 7; сумак 5; кўзмунчоқ, тувак 4; бешик асбоб, бешик боласи, бешик ёпқич, бешикка солиш, буви, урф-одат, фарзанд, хурсандчилик, бедорлик, безаклар, беланчак, белаш, бешик анжомлари, бешикка белаш, бешиккерти, бешик тебратиш, болани бешикка солиш, ёстиқ, ёстиқча, йиғи, келин, кўрпача, қалампир, қўй сўйиш, маросим, момо, овутиш, она алласи, орзу-умид, пул, сут, тилаклар, тоғора, тўй, тўшакча, тупроқ суртиш, хушкайфият,*

[123] *Бешик* лексемасининг ассоциатив майдони ассоциатив луғатлардаги анъанавий тартиб асосида шакллантирилди.

чўмилтириш, қўлбоғ, ҳунармандлар 2; «Алла айтай, жоним болам, ором олгин, алла, Онажонинг жонидирсан, қўзичоғим, алла», «Алпомиш» достонида Барчиной ва Ҳакимбек бешиккерти қилинган», аёл, аёллар, аллергия, «Аям ёшлигида томдан бешик олиб тушаман деб, уни томдан ташлаб синдириб қўйган эканлар», аяжонимнинг икки бешик орасида тунлари билан алла айтиб чиққанлари, бахт, безатилган, «Бешик – миллий-маданий мерос», «Бешик толдан тайёрланади», «Бешикдан то қабргача илм изла», «Бешикнинг оёғи ярим ой шаклида бўлиб, у боланинг бир хил ором олишини таъминлайди», «Боланинг қўл-оёқлари боғланади», бешигини тебратмоқ, бешик ранглари, бешик тебратиш, бешикчи, бешик ясовчи ҳунармандлар, бешикка беланган бола, бешикка солиш маросими, бешикни безатиш, бешикни тузаш, бешикнинг бир маромда тебраниши, бешиксоз, бешиксўпоқ, бешиктерватар, боғич, бозорда сотиш, бола, бола ётадиган жой, болалик, болани ухлатувчи мослама, боланинг ухлаб қолиши, боланинг қўл-оёқларини боғлаш, боланинг машинаси, боланинг ором олиши ва тинчланиши, боланинг тинч ухлаши, бувиларимиз, Ватан, гавора, «Гигиеник тоза маҳсулотлардан тайёрланган», гўдак, гўшт, дарахт, ёпинчиқ, ёшлигимиз, ёғоч, Жаҳонгир Мирзаалиев, жуда қулай, жуда фойдали, завқ-шавқ, йиғлаётган бола, ип, карнай-сурнай садолари, куй, куёв, кулгу, кўрмана, меҳр-оқибат, мактабга бориши керак бўлган қизчанинг инжиқлик қилиб бешикка ётиб олиши, маҳалла, мевали дарахт, меҳмонлар, миллий маросим, миллийлик, набира, намлик, нон, овқат, оёқбоғ, оёқ-қўлларнинг тўғри бўлиши, ойижоним, оила, она-бола, онанинг боласини ухлатиши, опа, опоқижонлар, орзу қилиш, ота-оналарнинг шоду хуррамлиги, парҳез, пичоқ қўйиш маросими, санъат, сарпо қилиш, синглим, синглимнинг чақалоқлик даври, соч, сув, табриклар, таги қуруқ, тандир (таом), тахта, тикувчи, тиниқиб ухлаш, тирноқ, «Тол ёки тут дарахтидан тайёрланади», «Тут ва бошқа дарахтларнинг ёғочидан ясалади», тўкин дастурхон, тун, тўнғич фарзанд, тунлари бешикка суянган келин, ускуна, уста, ухлатиш, фарзандини ухлатаман деб ногоҳ ўзи ҳам бешик қучиб ухлаб қолган она, хаёллар уммонига ғарқ бўлиш, ҳалинчак, чақалоқ йиғиси, чақалоққа ором берувчи мослама, чақалоқларга мўлжалланган тебранма беланчак, чақалоқларни белайдиган

махсус мослама, чақалоқларнинг ором оладиган ғўшаси, чақалоқни белаш, чақалоқни тебратиб ухлатиш учун мослама, чақалоқнинг кулиб туриши, челак, чилла, ширин чой, шифокорлар, шукрона, эна, энг бахтиёр давр, эркаланиш, эҳтиёткорлик, яқинлар, янги туғилган чақалоқ, яхши ният, «Ўзбек аёли бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебратади», ўзбек бешиклари, ўзбек халқига хос, Ўзбекистон, уй, ўйинчоқлар, ўймакор нақшлар, ўрмон, қадрият, «Қўл меҳнати ёрдамида тайёрланади», «Она юртинг – олтин бешигинг», қайнонам, қайчи, қалампирмунчоқ, қанд сочиш, қариндошлар, қоракуя, қувонч кўз ёшлари, қулай ва хавфсиз, қулайлик, қўшни халқлар, ғичирлаган овоз, «Ҳали ҳамон кўз олдимда», ҳавас, «Ҳунармандлар уни машаққатли меҳнат билан ясайдилар», ҳунармандчилик 1.

281 + 202 + 153 + 0 (Бунда 281 – жами ассоциациялар миқдори, 202 – турли ассоциациялар миқдори, 153 – якка ассоциациялар миқдори, жавоб берилмаган ҳолат йўқ).

2. *Бешик* лексемаси ассоциатив майдони таркиби. Майдонда қўлланиш доираси кенг, фаол лексик бирликлар, кўп миқдордаги сўз бирикмалари *(бешик тўйи, бешик ясовчи ҳунармандлар, бешикда беланган бола, бешикка белаш, бешикка солиш, бешикка солиш маросими, бешикни безатиш, бешикнинг бир маромда тебраниши, жуда фойдали, қанд сочиш* ва ҳоказо), содда ва қўшма гаплар (*«Аям ёшлигида томдан бешик олиб тушаман деб, уни томдан ташлаб синдириб қўйган эканлар», «Бешикнинг оёғи ярим ой шаклида бўлиб, у боланинг бир хил ором олишини таъминлайди»* кабилар) мавжудлиги аниқланди. Шу билан бирга, ассоциатив майдон таркибида эскирган сўзлар (*бешиккерти*), диалектал сўзлар (*гавора, момо, эна*), паремиялар (*бешигини тебратмоқ, «Бешикдан то қабргача илм изла», «Она юртинг – олтин бешигинг», «Ўзбек аёли бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебратади»*) ҳам кузатилди.

3. ***Бешик* лексемаси ассоциатларининг статистик таҳлили.** *Бешик* лексемаси бўйича ўтказилган ассоциатив тажрибада 22 та синалувчи қатнашди ва жами 281 та ассоциация олинди. Булардан 48 та ассоциация турли даражада такрорланган. Ассоциацияларнинг такрорланиши 2 тадан 8 тагача ўринда

учради. Такрор қўлланган жами ассоциациялар 128 та. Энг кўп такрор 2 марта қўлланган ассоциацияларга тегишли. Бундай ассоциациялар 64 та бўлиб, 22,7 %ни ташкил этди. 2 тадан ортиқ такрорланган ассоциацияларни анъанавий тарзда стандарт (стеореотип) ассоциациялар ҳисоблаш мумкин. Стереотип ассоциациялар жами ассоциацияларнинг 45,5%идан иборат.

Такрорланмаган (стеореотип бўлмаган) ҳар хил ассоциациялар сони 153 та бўлиб, 54,5 %ни ташкил этди. Ҳар хил ассоциациялар коэффиценти қуйидаги формула асосида белгиланди: Кр = В:А. Бунда А – жами ассоциациялар сони, В – ҳар хил ассоциациялар сони.[124]

Бешик лексемаси ассоциатив майдонидаги ҳар хил ассоциациялар коэффиценти 0,54 га тенг.

Бешик стимул сўзи бирор ўринда такрор учрамади, аммо унинг сўз бирикмаси таркибида 33 марта, гап таркибида 7 марта қўлланганлиги аниқланди. Сўз бирикмаси шаклидаги ассоциациялар 62 та (22 %), гап шаклидаги ассоциациялар эса 16 та (5,6 %).

Бешик лексемасининг ассоциатив майдони ядросини юқори частотали қуйидаги ассоциатлар ташкил қилди: *чақалоқ, алла, бешик тўйи, она, сумак, кўзмунчоқ, тувак, бешик асбоб, бешик боласи, бешик ёпқич, бешикка солиш, буви, урф-одат, фарзанд, хурсандчилик, сумак, бедорлик, безаклар, беланчак, белаш, бешик анжомлари, бешикка белаш, бешиккерти, бешик тебратиш, болани бешикка солиш, ёстиқ, ёстиқча, йиғи, келин, кўрпача, қалампир, қўй сўйиш, маросим, момо, овутиш, она алласи, орзу-умид, пул, сут, тилаклар, тоғора, тўй, тўшакча, тупроқ суртиш, хушкайфият, чўмилтириш, қўлбоғ, ҳунармандлар*.

Майдоннинг чегара қисмидан такрорланмаган якка ассоциатлар ўрин олди. Албатта, ассоциатларнинг чегара қисмда ўринлашуви шартли. Синалувчиларнинг миқдори ассоциатлар частотасига таъсир кўрсатиши табиий. Синалувчилар миқдорининг ўсиб бориши ядро ва чегара қисмлардаги ассоциатларнинг ўзгаришига олиб келади.

---

[124] Бу ҳақда қаранг: Мартинович Г.А. Вербальные ассоциации в ассоциативном эксперименте. СПб., 1997. http://davaiknam.ru/text/g-a-martinovich-verbalenie-associacii-v-associativnom-ekspe-rim -page-5

Чегара қисмдан ўрин олган ассоциатлар стимул сўз билан мантиқий-семантик алоқаси кучига кўра яқин, узоқ чегара ва энг чекка чегара қисмларига жойлаштирилади.

Бешик лексемасининг ассоциатив майдонида яқин чегарани стимул сўз билан мантиқий-семантик алоқасига кўра анча яқин бўлган қуйидаги ассоциациялар эгаллади: *безатилган, бешик ранглари, бешик тебратиш, бешикка беланган бола, бешикка солиш маросими, бешикни безатиш, бешикни тузаш, бешикнинг бир маромда тебраниши, боғич, бола ётадиган жой, болалик, болани ухлатувчи мослама, боланинг ухлаб қолиши, боланинг қўл-оёқларини боғлаш, боланинг ором олиши ва тинчланиши, оёқбоғ, тунлари бешикка суянган келин, ухлатиш, фарзандини ухлатаман деб ногоҳ ўзи ҳам бешик қучиб ухлаб қолган она* ва ҳоказо.

Узоқ чегарани стимул сўз билан мантиқий-семантик алоқасига кўра нисбатан узоқ бўлган қуйидаги ассоциатлар ташкил қилди: *аллергия, кўрмана, меҳр-оқибат, миллий маросим, миллийлик, табриклар, тахта, тун, ускуна, уста, чилла, эркаланиш, эҳтиёткорлик, яқинлар, яхши ният, ўрмон, қариндошлар, қувонч кўз ёшлари, ҳавас, ҳунармандчилик* кабилар.

Энг чекка чегарадан стимул сўз билан мантиқий-семантик жиҳатдан боғланмаган қуйидаги ассоциатлар ўрин олди: *бахт, Жаҳонгир Мирзаалиев, куёв, кулгу, маҳалла, мевали дарахт, парҳез, санъат, соч, сув, тирноқ, хаёллар уммонига ғарқ бўлиш, ширин чой, шифохона, Ўзбекистон, қўшни халқлар* ва ҳоказо.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатдики, синалувчиларнинг кўпчилигида *бешик* лексемаси, аввало, миллий-маданий қадрият сифатида тасаввур уйғотган. Бу ҳолатни *бешик* лексемасига берилган қуйидаги ассоциацияларда кузатиш мумкин: *бешик тўйи, бешикка солиш маросими, миллий маросим, пичоқ қўйиш маросими, тупроқ суртиш, қанд сочиш, қўй сўйиш, қадрият* кабилар. Англашиладики, бешик тил эгалари онгида болани ухлатиш мосламаси билан бирга, ўзбек халқининг болани бешикка ётқизиш маросими, бош фарзандининг туғилиши муносабати билан ўтказиладиган бешик тўйини ҳам гавдалантиради.

II. *Бешик* лексемаси ассоциатив майдони бирликларининг лексик-семантик таҳлили:

а) *бешик* лексемасининг луғавий маъносини реаллаштирувчи ассоциатив бирликлар. «Ўзбек тили изоҳли луғати»да *бешик* лексемасининг қуйидаги маънолари берилган:

1 *этн.* Чақалоқни белаб ва тебратиб ухлатиш учун тол ёки тут ёғочидан ясалган йўрға оёқли махсус мослама, тебратма беланчак.

2 *кўчма* Бирор нарсанинг, воқеа-ҳодисанинг туғилган ери, макони, манбаи...[125]

Бешик лексемасининг «Чақалоқни белаб ва тебратиб ухлатиш учун тол ёки тут ёғочидан ясалган йўрға оёқли махсус мослама, тебратма беланчак» маъноси қуйидаги ассоциацияларда реаллашган: *болани ухлатувчи мослама, бола ётадиган жой, чақалоққа ором берувчи мослама, чақалоқларга мўлжалланган тебранма беланчак, чақалоқларни белайдиган махсус мослама, чақалоқларнинг ором оладиган гўшаси, чақалоқни тебратиб ухлатиш учун мослама, «Бешик толдан тайёрланади», «Бешикнинг оёғи ярим ой шаклида бўлиб, у боланинг бир хил ором олишини таъминлайди», «Тол ёки тут дарахтидан тайёрланади», «Тут ва бошқа дарахтларнинг ёғочидан ясалади».*

Бешик лексемасининг «Бирор нарсанинг, воқеа-ҳодисанинг туғилган ери, макони, манбаи»ни ифода этувчи кўчма маъноси *«Она юртинг – олтин бешигинг»* ассоциацияси орқали юзага чиқади;

б) *бешик* лексемаси семантик компонентларини реаллаштирувчи ассоциатив бирликлар. *Бешик* лексемасининг бош маъноси *чақалоқни белаш, тебратиб ухлатиш, тол ёки тут ёғочидан ясалган, йўрға оёқли махсус мослама, тебратма беланчак* семантик компонентларига эга.

Бош маънонинг ***чақалоқни белаш*** семантик компоненти қуйидаги ассоциациялар орқали воқеланган: *беламоқ, бешикка белаш, бешикка солиш, болани бешикка солиш, боланинг қўл-оёқларини боғлаш, чақалоқни белаш, «Боланинг қўл-оёқлари боғланади»;* ***тебратиб ухлатиш*** семаси қуйидаги

---

[125] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. - Б.246.

ассоциацияларда реаллашган: *бешик тебратиш, онанинг боласини ухлатиши, ухлатиш;* ***тол ёки тут ёғочидан ясалган*** семаси қуйидаги ассоциацияларда юзага чиққан: *«Бешик толдан тайёрланади», «Тол ёки тут дарахтидан тайёрланади», «Тут ва бошқа дарахтларнинг ёғочидан ясалади»;* ***йўрға оёқли махсус мослама*** семаси эса қуйидаги ассоциацияларда реаллашган: *«Бешикнинг оёғи ярим ой шаклида бўлиб, у боланинг бир хил ором олишини таъминлайди», болани ухлатувчи мослама, чақалоққа ором берувчи мослама, чақалоқларни белайдиган махсус мослама, чақалоқларнинг ором оладиган гўшаси, чақалоқни тебратиб ухлатиш учун мослама; бешик* лексемасининг ***тебратма беланчак*** семантик компоненти қуйидаги ассоциацияларда юзага чиққан: *чақалоқларга мўлжалланган тебранма беланчак, беланчак, халинчак*;

в) *бешик* лексемасининг кўчма маъноларини реаллаштирувчи ассоциатив бирликлар. *Бешик* лексемасининг кўчма маъноси *«Она юртинг – олтин бешигинг»* паремияси орқали реаллашган. Бу паремияда юрт олтин бешикка тенглаштирилади ва шу асосда бешик орқали макон маъноси воқеланади;

г) *бешик* лексемасининг лексик-семантик парадигмалари. *Бешик* лексемасининг синонимик, антонимик, омонимик, уядошлик, паронимик қаторлари юзага келмаган. *Бешик* лексемаси билан партонимик муносабатдаги қуйидаги ассоциациялар қайд этилди: *бешик – бешик ёпқич, бешик – ёпинғич, бешик – боғич, бешик – қўлбоғ, бешик – оёқбоғ, бешик – сумак, бешик – тувак, бешик – кўрпача, бешик – ёстиқча, бешик – тўшакча* кабилар.

Шунингдек, ассоциатив майдонда ўзаро синонимик муносабатдаги ассоциациялар ҳам аниқланди. Булар: *бешикка белаш – бешикка солиш, бешикни тузаш – бешикни безатиш, буви – момо, буви – эна, она – ойижоним, хурсандчилик – завқ-шавқ.*

Қуйидаги ассоциациялар уядошлик қаторларига бирлашади: бешик анжомлари – *бешик ёпқич, боғич, қўлбоғ, оёқбоғ, кўрпача, ёстиқча, тўшакча, сумак, тувак;* маросим номлари – *бешикка солиш маросими, бешик тўйи, пичоқ қўйиш маросими, қанд сочиш, қўй сўйиш, тупроқ суртиш.*

Қуйидаги ассоциациялар градуономик қаторни ҳосил қилади: *чақалоқ – гўдак – бола.*

III. *Бешик* лексемаси ассоциатив майдони бирликларининг грамматик таҳлили:

а) ассоциатив бирликларнинг морфологик шакли: *бешик* лексемасининг ассоциатив майдонида от (*аёл, алла, бахт, бедорлик, беланчак, оёқбоғ, тўшакча, ёғоч, ёстиқ, кўзмунчоқ, қалампирмунчоқ* ва ҳоказо), сифат (*қулай, хавфсиз, бешиксўпоқ*), феъл туркумига оид морфологик шакллар (*безатилган, белаш, овутиш, орзу қилиш, сарпо қилиш, ухлатиш, чўмилтириш, эркаланиш)* қайд этилди.

Ассоциатив майдонда стимул сўзнинг алоҳида қўлланган морфологик шакли учрамади. Синтактик бирликлар таркибида стимул сўзнинг қуйидаги морфологик шакллари аниқланди: *бешик, бешикнинг, бешикни, бешикка, бешикдан;*

б) ассоциатив бирликларнинг синтактик тузилиши. Ассоциатив майдонда *бешик* лексемаси билан боғлиқ бир қатор предикатив ва нопредикатив қурилмалар учради.

Нопредикатив қурилмалар: *аяжонимнинг икки бешик орасида тунлари билан алла айтиб чиққанлари, бешик анжомлари, бешик ранглари, бешик тебратиш, бешик ясовчи ҳунармандлар, бешикка беланган бола, бешикка белаш, бешикка солиш, бешикка солиш маросими, бешикни безатиш, бола ётадиган жой, боланинг ухлаб қолиши, боланинг машинаси, ғичирлаган овоз, карнай-сурнай садолари, қувонч кўз ёшлари, қўшни халқлар, мактабга бориши керак бўлган қизчанинг инжиқлик қилиб бешикка ётиб олиши, мевали дарахт, оёқ-қўлларнинг тўғри бўлиши, она алласи, ширин чой, энг бахтиёр давр, янги туғилган чақалоқ, яхши ният* ва бошқалар.

Предикатив қурилмалар: *«Алла айтай, жоним болам, ором олгин, алла, Онажонинг жонидирсан, қўзичоғим, алла», «Алпомиш» достонида Барчиной ва Ҳакимбек бешиккерти қилинган», «Аям ёшлигида томдан бешик олиб тушаман деб, уни томдан ташлаб синдириб қўйган эканлар», «Бешикдан то қабргача илм изла», «Бешик – миллий-маданий мерос», «Бешик толдан тайёрланади», «Бешикнинг оёғи ярим ой шаклида бўлиб, у боланинг бир хил ором олишини таъминлайди», «Боланинг қўл-оёқлари боғланади», «Гигиеник тоза маҳсулотлардан*

тайёрланган», «Она юртинг – олтин бешигинг», «Тол ёки тут дарахтидан тайёрланади», «Тут ва бошқа дарахтларнинг ёғочидан ясалади», «Ўзбек аёли бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебратади», «Қўл меҳнати ёрдамида тайёрланади», «Ҳунармандлар уни машаққатли меҳнат билан ясайдилар», «Ҳали ҳамон кўз олдимда».

Ассоциатив майдонда *бешик* лексемаси билан бевосита синтагматик муносабатга киришадиган қуйидаги ассоциациялар қайд этилди: *безатилган, бола ётадиган жой, болани ухлатувчи мослама, боланинг машинаси, жуда қулай, жуда фойдали, миллийлик, ускуна, хавас, чақалоққа ором берувчи мослама, чақалоқларга мўлжалланган тебранма беланчак, чақалоқларни белайдиган махсус мослама, чақалоқларнинг ором оладиган гўшаси, чақалоқни тебратиб ухлатиш учун мослама, қадрият, қулайлик, қулай ва хавфсиз* кабилар.

Бешик лексемасининг ассоциатив майдонидан синтагматик муносабат асосида ҳосил бўлган қуйидаги ассоциациялар ўрин олган: *бешик ясовчи ҳунармандлар, бешикка беланган бола, бешикни безатиш, бешикни тузаш, бешикнинг бир маромда тебраниши, бола ётадиган жой, болани бешикка солиш, болани ухлатувчи мослама, боланинг қўл-оёқларини боғлаш, боланинг ором олиши ва тинчланиши, боланинг тинч ухлаши, карнай-сурнай садолари, мактабга бориши керак бўлган қизчанинг инжиқлик қилиб бешикка ётиб олиши, онанинг боласини ухлатиши, синглимнинг чақалоқлик даври, тунлари бешикка суянган келин, фарзандини ухлатаман деб ногоҳ ўзи ҳам бешик қучиб ухлаб қолган она, чақалоққа ором берувчи мослама, чақалоқларга мўлжалланган тебранма беланчак, чақалоқни тебратиб ухлатиш учун мослама, яхши ният, ўзбек бешиклари, бешик тебратиш, қанд сочиш, қўй сўйиш, қўшни халқлар* ва бошқалар.

Ассоциатив майдондаги шаклий синтагматик муносабат кўринишлари: 1) тенг муносабат: *қулай ва хавфсиз, она-бола*; 2) тобе муносабат кўринишлари: а) бошқарув: *бешикка белаш, бешикка солиш, бозорда сотиш, чақалоқни белаш, хаёллар уммонига ғарқ бўлиш* ва ҳоказо; б) мослашув: *бешик анжомлари, боланинг ухлаб қолиши, оёқ-қўлларнинг тўғри бўлиши, она алласи, чақалоқнинг кулиб туриши, чақалоқ йиғиси, ота-*

оналарнинг шод-у хуррамлиги ва ҳоказо; в) битишув: *ғичирлаган овоз, жуда қулай, жуда фойдали, йиғлаётган бола, тўкин дастурхон, ўймакор нақшлар, энг бахтиёр давр, янги туғилган чақалоқ* кабилар.

Мазмуний синтагматик муносабат кўринишлари: а) предикатив муносабат: *«Бешик – миллий-маданий мерос», «Ҳали ҳамон кўз олдимда»* ва бошқалар; б) атрибутив муносабат: *мевали дарахт, тўнғич фарзанд, ширин чой, қувонч кўз ёшлари* кабилар; в) релятив муносабат: *бозорда сотиш, тиниқиб ухлаш* кабилар.

IV. *Бешик* лексемаси ассоциатив майдони бирликларининг интонацион-акустик хусусиятлари. *Бешик* стимул сўзининг фонетик ўзгаришга учраган вариантлари қайд этилмади. Ассоциатив бирликларнинг фонетик-акустик вариантлари фақат қуйидаги ассоциацияда кузатилди: *ҳалинчак (беланчак).*

V. *Бешик* лексемаси ассоциатив майдони бирликларининг деривацион хусусиятлари. Ассоциатив тажриба асосида *бешик* лексемаси асосида ясалган қуйидаги лексик ассоциациялар аниқланди: *бешик ёпқич, бешикбола, бешик асбоб, бешиксўпоқ, бешиктерватар, бешиккерти* (архаик), *бешиксоз, бешикчи, бешик боғич.*

VI. *Бешик* лексемаси ассоциатив майдони бирликларининг услубий хусусиятлари. *Бешик* лексемаси ассоциацияларида услубий хосланган қуйидаги ассоциациялар аниқланди: а) бадиий услуб: *«Алла айтай, жоним болам, ором олгин, алла, Онажонинг жонидирсан, қўзичоғим, алла», «Бешикдан то қабргача илм изла», «Она юртинг – олтин бешигинг», бедорлик, хаёллар уммонига ғарқ бўлиш, чақалоқларнинг ором оладиган гўшаси*; б) сўзлашув услуби: *аяжонимнинг икки бешик орасида тунлари билан алла айтиб чиққанлари, «Аям ёшлигида томдан бешик олиб тушаман деб, уни томдан ташлаб синдириб қўйган эканлар», гавора, момо, эна, опоқижонлар, ойижоним, таги қуруқ, ҳалинчак;* в) илмий услуб: *аллергия, «Бешик толдан тайёрланади», «Тол ёки тут дарахтидан тайёрланади»*; г) публицистик услуб: *тўкин дастурхон, ўймакор нақшлар, шукрона, ўзбек бешиклари, «Ҳунармандлар уни машаққатли меҳнат билан ясайдилар».*

VII. *Бешик* лексемаси ассоциатив майдони бирликларининг прагматик хусусиятлари:

а) коннотацион белгилари. *Бешик* лексемаси ассоциатив майдонидан ўрин олган *ойижоним, опоқижонлар, ёстиқча, тўшакча* лексик ассоциацияларида *-жон, -им, -ча, -лар* қўшимчалари орқали коннотатив маъно ҳосил қилинган; *боланинг машинаси, хаёллар уммонига ғарқ бўлиш* ассоциацияларида эса метафорик кўчим ёрдамида коннотация юзага келган;

б) баҳо муносабатининг ифодаланиши. *Бешик* лексемасининг вербал ассоциацияларида тил эгаларининг бешик билан боғлиқ ҳолда юз берган воқеликларга нисбатан салбий ва ижобий муносабатлари ҳам акс этган.

Бешикнинг инсон ҳаётидаги кўнгилли воқеалар ифодаси сифатида намоён бўлиши қуйидаги ассоциацияларда кузатилди: *бешик тўй, карнай-сурнай садолари, боланинг ором олиши ва тинчланиши, боланинг тинч ухлаши.*

Ушбу ассоциацияларда ҳам тил эгаларининг воқеликка ижобий муносабати акс этади: *жуда қулай, жуда фойдали, меҳр-оқибат, оёқ-қўлларнинг тўғри бўлиши, ота-оналарнинг шод-у хуррамлиги, тиниқиб ухлаш, энг бахтиёр давр, қувонч кўз ёшлари, қулай ва хавфсиз, қулайлик, «Гигиеник тоза маҳсулотлардан тайёрланган».*

Бешик билан боғлиқ ҳолда юз берган кўнгилсиз воқеалар қуйидаги ассоциацияларда ўз ифодасини топди: *«Аям ёшлигида томдан бешик олиб тушаман деб, уни томдан ташлаб синдириб қўйган эканлар», бедорлик, бешиксўпоқ, мактабга бориши керак бўлган қизчанинг инжиқлик қилиб бешикка ётиб олиши* ассоциацияларида тил эгасининг салбий муносабати ўз ифодасини топади.

VIII. *Бешик* лексемаси ассоциатив майдони бирликларининг гендер хусусиятлари. *Бешик* лексемаси бўйича ҳосил бўлган қуйидаги ассоциациялар гендер белгисига кўра фарқланади: *аёл, аёллар, буви, бувиларимиз, момо, она, эна, ойижоним, келин, куёв, Жаҳонгир Мирзаалиев, қайнонам.*

IX. *Бешик* лексемаси ассоциатив майдони бирликларининг миллий-маданийлик белгиси. *Бешик* лексемасининг қуйидаги ассоциацияларида миллий-маданий сема юзага чиқади: *беланчак, гавора, ҳалинчак, карнай-сурнай садолари, кўзмунчоқ, кўрмана, сумак, тувак, ўзбек, Ўзбекистон.*

X. *Бешик* лексемаси ассоциатив майдони бирликларининг ижтимоийлик белгиси. *Бешик* лексемаси ассоциацияларининг ижтимоийлик белгиси қуйидаги бирликларда яққол кўзга ташланади: *бешик ясовчи ҳунармандлар, ҳунармандлар, бешиксоз, бешикчи, бешик боласи, фарзандини ухлатаман деб ногоҳ ўзи ҳам бешик қучиб ухлаб қолган она, набира, тикувчи, тунлари бешикка суянган келин* ва бошқалар.

Мактаб лексемаси ассоциатив майдони бирликларининг экстралингвистик тавсифи
(экстралингвистик билимлар)

Ўтказилган ассоциатив тажриба асосида *мактаб* лексемасининг ассоциатив майдони қуйидаги ассоциациялардан таркиб топди: *азиз, жонажон, севимли, севимли мактабим; билим маскани, билим ўчоғи, билимлар уйи, илм гулшани, маданият ўчоғи, таълим муассасаси, таълим-тарбия маскани, ўқиш жойи, ўқув даргоҳи, ўқув маскани; Абдулла Қаҳҳор мактаби, Миртемир мактаби, Ойбек мактаби, мактаб яратиш; Ойбек номли мактаб, тилшунослик мактаби; синов мактаби, тажриба мактаби, ҳаёт мактаби; билим, илм, маълумот; биринчи қўнғироқ, звонок, сўнгги қўнғироқ, қўнғироқ; биринчи муаллим, муаллим, муаллима, севимли устозим, устоз, ўқитувчи; битириш, синфдан синфга кўчиш, мактабни тамомлаган; мактабдан қочиш, мактабдан ҳайдалиш; битирув кечаси, тадбир; мусобақа, олимпиада, спорт ўйинлари; битирувчи, дугона, қиз болалар, синфдош болалар, синфдош дўстим, синфдош қизлар, синфдош, ўғил болалар, ўртоқ; бола ўқитиш, маълумот олиш, маълумотли бўлиш, одоб-ахлоқ ўргатиш, савод ўргатиш, савод чиқариш, таълим-тарбия бериш, ўқимоқ, ўқитмоқ; болалар шовқини, шовқин-сурон; бошланғич мактаб, интернат, мактаб-боғча, мактаб-интернат; бўёқ,*

дарслик, дафтар, китоб, кундалик дафтар, расм дафтари, ручка, спорт анжомлари, чизғич, ўқиш китоби, ўқув қуроллари, қалам; галстук, қизил галстук, мактаб кийими, мактаб формаси, спорт кийими, физкультура кийими; даромад, йиғди-йиғди, ойлик, пул, тўлов; дарс, машғулот, диншунослик, адабиёт, биология, ботаника, география, инглиз тили, математика, немис тили, она тили, тарих, тиббий билим, физика, химия, физкультура, меҳнат дарси, чизмачилик; дарсга тайёргарлик, ёзув-чизув, уй вазифаси; директор, домла, завуч, мактабдор, мактаб раҳбари; доска, ёзув столи, компьютер, парта, принтер, проектор, сканер, электрон доска; ёшлик, ёшлик даврим, мактаб йилларим; жонга теккан, мактабдан безор, мактаб ташвиши; ташвишсиз кунлар; замонавий, эски, янги; диний мактаб, қирғиз мактаби; русча, ўзбекча, қозоқча; махсус мактаб, хусусий мактаб; 10-мактаб, 109-мактаб, 236-мактаб, саккиз йиллик, ўн бир йиллик, ўн йиллик мактаб; шаҳар мактаби, қишлоқ мактаби; олий мактаб, ўрта мактаб; ўғил болалар мактаби, қизлар мактаби; ёзди-ёзди, қоғозбозлик; тиним билмаслик; илк муҳаббат, учрашув жойи; институт, олий ўқув юрти, университет, ўқув юрти; йиғилиш, ота-оналар мажлиси; касб-ҳунар мактаби, миллий мусиқа мактаби, Тошкент хореография мактаби, шофёрлик мактаби, ўзбек миллий рақс мактаби, ҳунар мактаби; тўгарак, «Ашула ва рақс тўгараги»; катта танаффус, танаффус; коллеж, лицей; коллектив, мактаб жамоаси; комсомол, комсорг, октябрят, пионер; мактаб биноси, мактаб идораси; директор хонаси, ўқитувчилар хонаси; ёруғ хоналар, коридор, кутубхона, мактаб боғи, мактаб ошхонаси, мактаб ҳовлиси, синф, синфхона, тиббиёт хонаси; мактаб ўқувчилари, ўқувчилар; мактабдорлик, ўқитувчилик; мактабдош дўсти, мактабдош қизлар; мактабимиз фахри; олтин медаль, ташаккурнома, қизил диплом, фахрий ёрлиқ; махсус таълим, ўрта таълим; мутахассислик, касб; тиббий ёрдам, эмлаш; юқори синф, қуйи синф.

I. **Когнитологияга оид билимлар**. Тил эгаларининг мактаб билан боғлиқ дунёвий билимлари қуйидаги ассоциациялар орқали юзага чиққан:

1. Мактабнинг таълим-тарбия маскани эканлиги ҳақидаги билим қуйидаги ассоциацияларда ўз ифодасини топган: *билим маскани, билим ўчоғи, билимлар уйи, илм гулшани, маданият ўчоғи, таълим муассасаси, таълим-тарбия маскани, ўқиш жойи, ўқув даргоҳи, ўқув маскани.*

2. Тил эгаларининг мактаб турлари ҳақидаги билимлари қуйидаги ассоциациялар орқали воқеланган: *бошланғич мактаб, мактаб-боғча, интернат, мактаб-интернат; ҳунар мактаби, касб-ҳунар мактаби, Тошкент хореография мактаби, миллий мусиқа мактаби, ўзбек миллий рақс мактаби, шофёрлик мактаби; диний мактаб; махсус мактаб, хусусий мактаб; шаҳар мактаби, қишлоқ мактаби, ўн бир йиллик, саккиз йиллик, ўн йиллик мактаб* кабилар.

3. Мактабда олиб бориладиган таълим-тарбия ишлари ҳақидаги билимлар қуйидаги ассоциациялар орқали воқеланган: *бола ўқитиш, маълумот олиш, маълумотли бўлиш, одоб-ахлоқ ўргатиш, савод ўргатиш, савод чиқариш, таълим-тарбия бериш, ўқимоқ, ўқитмоқ.*

4. Мактаб бўлинмалари ҳақидаги билимлар қуйидаги ассоциацияларда ўз ифодасини топган: *бино, ёруғ хоналар; кутубхона, мактаб ошхонаси; директор хонаси, ўқитувчилар хонаси; коридор, мактаб боғи, мактаб ҳовлиси, синф, синфхона, тиббиёт хонаси.*

5. Мактабда ўқитиладиган фанлар ҳақидаги билимлар қуйидаги ассоциацияларда воқеланган: *адабиёт, биология, ботаника, география, диншунослик, инглиз тили, математика, меҳнат дарси, немис тили, она тили, тарих, тиббий билим, физика, физкультура, химия, чизмачилик.*

6. Тил эгаларининг мактаб жамоаси ҳақидаги билимлари қуйидаги ассоциацияларда юзага чиққан: *биринчи муаллим, муаллим, муаллима, севимли устозим, устоз, ўқитувчи; домла, директор, завуч, мактаб раҳбари, мактабдор.*

7. Тил эгаларининг мактаб ҳаёти билан боғлиқ фаолиятлари ҳақидаги билимлари қуйидаги ассоциациялар орқали воқеланган: *дарсга тайёргарлик, ёзув-чизув, уй вазифаси;*

йиғилиш, ота-оналар мажлиси; битирув кечаси, мусобақа, тадбир.

8. Тил эгаларининг мактаб ўқувчилари ҳақидаги билимлари қуйидаги ассоциациялар орқали воқеланган: *битирувчи; дугона, ўртоқ; комсомол, комсорг, октябрят, пионер; синфдош болалар, синфдош дўстим, синфдош қизлар, синфдош; ўғил болалар, қиз болалар.*

9. Тил эгаларининг мактаб жиҳозлари ҳақидаги билимлари қуйидаги ассоциацияларда ўз ифодасини топган: *доска, ёзув столи, компьютер, парта, принтер, проектор, сканер, электрон доска.*

10. Тил эгаларининг ўқув қуроллари ҳақидаги билимлари қуйидаги ассоциацияларда воқеланган: *бўёқ, дарслик, дафтар, китоб, кундалик дафтар, расм дафтари, ручка, чизғич, ўқиш китоби, қалам.*

11. Мактаб ўқувчиларининг махсус кийими (мактаб кийими) ҳақидаги билимлар қуйидаги ассоциацияларда ўз ифодасини топган: *галстук, қизил галстук; мактаб кийими, мактаб формаси, спорт кийими, физкультура кийими.*

II. Психологияга оид билимлар. Тил эгаларининг психологик ҳолати, руҳияти, воқеликка муносабати қуйидаги ассоциациялар орқали юзага чиққан: *ёзди-ёзди, тиним билмаслик, қоғозбозлик; болалар шовқини, шовқин-сурон; жонгга теккан, мактабдан безор, мактаб ташвиши; ташвишсиз кунлар, азиз, жонажон, севимли, севимли мактабим.*

III. Миллий-маданий соҳага доир билимлар. Тил эгаларининг миллий-маданий соҳага оид билимлари қуйидаги ассоциацияларда ўз ифодасини топган: *диний мактаб, миллий мусиқа мактаби, Тошкент хореография мактаби, ўзбек миллий рақс мактаби; русча, ўзбекча, қозоқча, қирғиз мактаби; Ойбек номли мактаб; Абдулла Қаҳҳор мактаби, Миртемир мактаби, Ойбек мактаби.*

IV. Диний соҳага доир билимлар. Диний соҳага доир билимлар қуйидаги ассоциациялар орқали воқеланган: *диншунослик, диний мактаб.*

V. Иқтисодиётга доир билимлар. Тил эгаларининг иқтисодиёт соҳасига доир билимлари қуйидаги ассоциациялар орқали юзага чиққан: *даромад, йиғди-йиғди, ойлик, пул, тўлов.*

VI. Ижтимоий-сиёсий соҳага доир билимлар. Тил эгаларининг ижтимоий-сиёсий соҳаларга оид билимлари қуйидаги ассоциацияларда ўз ифодасини топган: *бола ўқитиш, маълумот олиш, маълумотли бўлиш, одоб-ахлоқ ўргатиш, савод ўргатиш, савод чиқариш, таълим-тарбия бериш, ўқимоқ, ўқитмоқ* кабилар.

VII. Жамият тарихига оид билимлар. Тил эгаларининг жамият тарихига оид билимлари қуйидаги ассоциациялар орқали воқеланган: *комсомол, комсорг, мактабдор, мактабдорлик, октябрят, пионер.*

VIII. Санъат соҳасига доир билимлар. Тил эгаларининг санъатга доир билимлари қуйидаги ассоциациялар орқали юзага чиққан: *«Ашула ва рақс тўгараги», ёш қаламкашлар мактаби, миллий мусиқа мактаби, Тошкент хореография мактаби, ўзбек миллий рақс мактаби.*

IX. Спортга доир билимлар. Тил эгаларининг спортга оид билимлари қуйидаги ассоциациялар орқали юзага чиққан: *олимпиада, спорт анжомлари, спорт кийими, спорт ўйинлари, физкультура.*

X. Медицинага доир билимлар. Тил эгаларининг медицинага оид билимлари қуйидаги ассоциацияларда акс этган: *тиббий билим, тиббий ёрдам, тиббиёт хонаси, эмлаш.*

XI. Таълим соҳасига доир билимлар. Тил эгаларининг таълимга оид билимлари қуйидаги ассоциацияларда ўз ифодасини топган: *адабиёт, биология, ботаника, бўёқ, дарслик, дафтар, инглиз тили, китоб, кундалик дафтар, математика, немис тили, она тили, расм дафтари, ручка, тарих, физика, химия, чизғич, ўқиш китоби, қалам* кабилар.

Хуллас, *бешик* ва *мактаб* лексемалари ассоциатив майдонини ўрганиш асосида ассоциацияларга хос қуйидаги энг муҳим белгиларни умумлаштириш мумкин: ассоциатив бирликлар ўзига хос лексик-семантик, грамматик, деривацион, услубий хусусиятларга эга; тил эгасининг воқеликка баҳо муносабатини ифода этишда фаол қўлланади; нутқий қўлланишда гендер хусусиятини намоён этади, миллий-маданийлик, ижтимоийлик белгиларига эга, турли нутқ эгаларида қўлланиш даражасига кўра фарқланади.

УМУМИЙ ХУЛОСА

Психолингвистиканинг тилни ундан фойдаланувчи шахс омили билан боғлиқ ҳолда ўрганувчи мустақил тармоқларидан бири ассоциатив тилшуносликдир. XX асрнинг 80-йиллари охиридан ҳозирги кунга қадар бўлган давр психолингвистикада ассоциатив йўналиш шаклланишининг якунловчи босқичи ва ассоциатив тилшуносликнинг юзага келиш даври сифатида эътироф этилади.

Бугунги кунда ассоциатив тилшунослик психолингвистиканинг алоҳида тармоғи сифатида мустақил ривожланиш йўлидан бормоқда. Ассоциатив тилшунослик ўрганиш объекти ва тадқиқ методига эгалиги, мақсад, вазифаларининг аниқ қўйилганлиги, ассоциатив лексикография, лексикология, грамматика каби бўлимларни қамраб олиши, бу йўналишда ҳатто турли тилларга оид кенг ҳажмли ассоциатив луғатларнинг яратилганлиги унинг мустақил фан тармоғи сифатида ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

Ассоциатив тилшуносликнинг тадқиқ объекти ассоциатив тафаккур ҳосилалари бўлмиш ассоциациялардир. Ассоциатив тилшуносликнинг илмий-назарий асосини ассоциатив муносабат назарияси ташкил этади. Ассоциатив муносабат тил бирликларининг инсон психологик тасаввурига асосланган муносабати бўлиб, “бир-бирини ёдга солиш” механизмини акс эттиради. Бу муносабат асосида *ассоциация* тушунчаси ётади.

Инсоннинг оламни идрок этиши ва уни тилда акс эттириши муаммоси таҳлилида тил эгаларининг лисоний онги, тафаккури, хотираси имкониятлари, лисоний онгида жамланган лексик бирликлар заҳираси, лексик заҳирадаги бирликларнинг ўзаро муносабати кабиларни текшириш муҳим ўрин тутади. Мазкур масалаларни ўрганишда, табиийки, тил бирликларининг ассоциатив алоқаси, ассоциатив маъноси, ассоциатив гуруҳларга бирлашуви ҳамда ассоциатив майдонни ташкил қилиши каби муаммоларга дуч келинади. Бу масалалар бугунги кунда тилни ундан фойдаланувчи шахс омили билан боғлиқ ҳолда ўрганаётган антропоцентрик тилшунослик, унинг ўзига хос йўналиши бўлмиш ассоциатив тилшуносликнинг долзарб муаммоларидир.

Тилшуносликда ташқи оламнинг инсон психологик тасаввуридаги образи ва унинг тилда акс этиши масаласини ўрганишга бўлган қизиқиш тилни ассоциатив йўналишда тадқиқ этиш эҳтиёжини юзага келтирган дейиш мумкин. Тилни ассоциатив йўналишда ўрганиш инсоннинг тилдан фойдаланиши жараёнида тафаккурининг кўз илғамас фаолияти ҳақида қизиқарли билимлар бериши шубҳасиз.

Тилни ўрганишга ассоциатив ёндашув, ассоциатив таҳлил методлари тил материалларини унинг эгасидан алоҳида ўрганишга йўл қўймайди. Ассоциатив таҳлил асосида муайян тил эгаларининг воқеликни идрок этиши, когнитив билими, лисоний қобилияти, лисоний хотираси имкониятлари, лексик бирликлар заҳираси ўрганилади.

Ассоциатив тилшунослик тилнинг грамматик қоидаларини матн материаллари асосида белгиловчи анъанавий тилшуносликдан фарқ қилади. Ассоциатив тилшуносликда тил, унинг бирликлари соф ҳолда ўрганилади, бошқача айтганда, бу йўналишда тилнинг нутқий қўлланишгача бўлган табиий ҳолати таҳлил этилади. Ассоциатив тилшуносликда тил нафақат тизимли муносабатлар шаклида, нафақат матнларнинг йирик мажмуи кўринишида, балки инсоннинг тил лаёқати билан боғлиқ бўлган ассоциатив вербал тармоқ (АВТ) шаклида ҳам намоён бўлади.

Ассоциатив вербал тармоқ шаклидаги тил тизимида лексика ва грамматика бир-биридан ажралмасдир. Лексика лисоний онгда грамматикани акс эттирувчи сўзшакли тарзида намоён бўлади. Ассоциатив вербал тармоқ назариясида сўз лисоний хотирада сақланувчи кетма-кет келишга одатланган сўзшакли сифатида тушунилади.

Ассоциатив тилшуносликнинг марказий тушунчаларидан бири вербал ассоциациялардир. Вербал ассоциациялар тил эгасининг воқелик ҳақидаги психологик тасаввури асосида юзага келади, аммо бу тасаввур тилда бир-бири билан қайсидир жиҳатдан алоқада бўлган аниқ лисоний бирликлар орқали реаллашади.

Вербал ассоциациялар ҳар бир тил эгасида турлича шаклланади. Уларнинг кўлами тил эгасининг лексик бирликлар заҳирасига боғлиқ. Болалар ва катталар, аёллар ва эркаклар,

турли касб эгаларида ассоциатив майдон кўлами, унинг таркиби турлича бўлади.

Вербал ассоциациялар турли нутқий тузилмаларнинг яратилишига йўл очади. Ҳар қандай нутқий тузилма учун семантик жиҳатдан ўзаро ассоциатив боғланган бирликлар (лексик, синтактик бирликлар) таянч бирлик вазифасини ўтайди. *Стимул сўз + жавоб реакцияси* моделидаги ассоциатив структура муайян вазият ифодаси учун хизмат қила олади.

Тилда вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлишига турли омиллар таъсир кўрсатади. Ҳар қандай лексик бирлик, у қандай грамматик шаклга ёки қандай маънога эга бўлмасин, инсон хотирасида турли омилларга боғлиқ ҳолда қандайдир лексик бирликлар ёки бошқа сатҳ бирликларини ёдга туширади, улар билан ассоциатив боғланади.

Тилшуносликда вербал ассоциациялар турли жиҳатдан таснифланади. Вербал ассоциацияларни ҳосил бўлиши нуқтаи назаридан лингвистик ва экстралингвистик омиллар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш мумкин. Ўтказилган ассоциатив тажриба натижалари асосида ўзбек тилида лексик ассоциацияларнинг қуйидаги лингвистик омиллар билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўлиши аниқланди: 1. Лексемаларнинг семантик жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги. 2. Лексемаларнинг лексик-грамматик белгисига кўра алоқаси. 3. Лексемаларнинг услубий белгисига кўра алоқаси. 4. Лексемаларнинг прагматик белгисига кўра умумийлиги. 5. Лексемаларнинг ясалишидаги умумийлик. 6. Лексемаларнинг талаффузда ҳамоҳанглиги. 7. Лексемаларнинг диалектал белгисига кўра алоқаси. 8. Лексемалар миллий-маданий белгисининг муштараклиги. 9. Лексемаларнинг ижтимоийлик белгисига кўра яқинлиги. 10. Лексемаларнинг гендер белгисига кўра алоқаси.

Ўзбек тилида вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлишида қуйидаги экстралингвистик омиллар муҳим ўрин тутади: 1. Предметларнинг макондаги алоқадорлиги. 2. Предметларнинг замондаги алоқадорлиги. 3. Предмет ва унинг белгиси муносабати. 4. Товуш ва унинг эгаси муносабати. 5. Инсоннинг воқеликка муносабати. 6. Фаолият ва унинг объекти алоқадорлиги. 7. Фаолият эгаси ва унинг маҳсулоти алоқадорлиги. 8. Предметларнинг ўхшашлик белгиси. 9. Предметларнинг

эгалик, тегишлилик, мансублик белгиси. 10. Предметлар орасидаги сабаб-натижа муносабати. 11. Предметларнинг ҳаётий зарурият белгиси.

Ассоциатив тилшуносликда *ассоциатив майдон* масаласи ҳам муҳим ўрин тутади. *Ассоциатив майдон* – структур жиҳатдан лексикографик хусусиятга эга бўлган, моҳиятан инсон онгида акс этган муайян воқелик, унинг ҳамроҳлари образининг вербал ифодаси, у ҳақидаги тасаввури, билимларини намойиш этувчи тилнинг ўзаро ассоциатив боғланган семантик ва грамматик муносабатдаги бирликлари йиғиндисидир.

Ассоциатив майдонга ўзаро семантик боғланган бирликлар билан бирга, семантик жиҳатдан боғланмаган, тил эгаларининг руҳияти, дунёқараши, қизиқишлари, олам ҳақидаги билимлари билан боғлиқ ҳолда хотирасида тикланган бирликлар ҳам бирлашади. Бундай бирликлар нутққача тайёр тил бирликлари – лексик бирликлар, иборалар, матал, мақол, ҳикматли сўзлар, тил эгалари нутқида барқарор бирлик каби қўлланаётган айрим сўз бирикмалари ва гаплар ҳамда нутқ жараёнида ҳосил бўлувчи нутқий синтактик бирликлардир.

Ассоциатив майдон тилдаги бошқа майдон кўринишлари каби ядро ва чегара қисмларидан ташкил топади. Майдоннинг ядро қисмидан қўлланиш частотаси юқори бўлган энг фаол ассоциатлар ўрин олади. Ассоциатив майдоннинг чегара қисмида ассоциатлар қўлланиш частотасининг камайишига қараб жойлашади.

Ассоциатив майдон стимул сўз вазифасидаги лексик бирликнинг маъно хусусиятларини ўрганишда муҳим ўрин тутади. Ассоциатив майдон стимул сўзнинг луғавий маъноси, луғатларда акс этмаган айрим коннотатив, услубий, прагматик, диалектал маънолари, нутқий қўлланишдаги хусусиятлари, кўчма маъноларини аниқлашга имкон беради.

Психолингвистикада турли тиллардаги лексик бирликларнинг миллий-маданий, ижтимоий, гендер хусусиятларини ўрганишда ассоциатив тажрибалар муҳим аҳамият касб этди. Ассоциатив тажриба методи ёрдамида муайян халқнинг миллий-маданий харитасини яратиш мумкин бўлади.

Ассоциатив тажрибалар ундан кўзланган мақсад асосида оммавий ёки якка тартибда ташкил этилади. Ассоциатив

луғатларни тузишда оммавий тарзда ўтказиладиган тажриба материалларига таянилади.

Ассоциатив луғатлар тил эгаларининг ташқи олам ҳақидаги психологик тасаввури, лисоний тафаккури ва хотираси асосида яратилувчи янги типдаги луғатлардир. Бундай типдаги луғатларнинг луғат мақоласини ўзаро ассоциатив боғланган бирликлар майдони ташкил этади.

Ассоциатив луғатлар ўзаро ассоциатив боғланган лексик бирликлар, уларнинг инсон хотирасида шаклланган уялари, ассоциатив бирликларнинг лексик-семантик, лингвомаданий, социолингвистик, прагмалингвистик, гендер хусусиятлари ҳақида маълумот берувчи луғат тури ҳисобланади. Шу билан бирга, луғатда берилган ассоциацияларда тил эгаларининг ташқи олам ҳақидаги тасаввурлари, билими, дунёқараши, руҳияти, воқеликка муносабати, ҳаётий тажрибалари, ўй-хаёллари, муаммолари ҳам акс этади. Шу боис бундай луғатлар нафақат лингвистлар, балки кенг омма учун ҳам муҳим билим ва маълумотлар базаси вазифасини ўтайди.

АДАБИЁТЛАР

1. “Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги фармон // http://www.uza.uz

2. Абрамов В.П. Теория ассоциативного поля / Лексикология, фразеология и лексикография русского языка: http://netref.ru/leksikologiya-frazeologiya-i-leksikografiya-russkogo-yazika-te.html

3. Азимова И. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол.фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ЎзМУ, 2008. -153 б.

4. Алферова Ю.И. Профессионально-маркированные компоненты языкового сознания, репрезентированные единицами родного и изучаемого языков: Дис. … канд. филол. наук. – Омск, 2005. – 220 с.

5. Балли Ш. Французская стилистика. - М.: Иностр. лит., 1 955. – 416 с.

6. Белянин В.П. Психолингвистика. Учебник. – М.: Флинта, 2003. - 232 с.

7. Белянин В.П. Психолингвистическая типология художественных текстов по эмоционально-смысловой доминанте: Автореф. дис. … д-ра филол.наук. - М., 1992. - 40 с.

8. Белянин В.П. Экспериментальные исследование психолингвистических закономерностей смыслового восприятия текста: Автореф. дис. … канд. филол.наук. - М., 1983. - 20 с.

9. Береснева Н.И. Модель внутреннего лексикона в позднем онтогенезе (ассоциативный эксперимент): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Пермь, 1997. – 24 с.

10. Болотнова Н.С. Лексическая структура художественного текста в ассоциативном аспекте. – Томск: Томский. гос. пед. ин-т. –1994. – 212 с.

11. Боргоякова А.П. Хакасский ассоциативный словарь (рукопись). 2002. - 235 с.

12. Боргоякова А.П. Национально-культурная специфика языкового сознания хакасов, русских и англичан (на материале ядра языкового сознания): Дис. ... канд. филол. наук. – М., 2002:

http://31f.ru/ dissertation/page, 1,133-dissertaciya-nacionalno-kulturnaya-specifika-yazykovogo-soznaniya-xakasov-russkix-i-anglichan.html

13. Брайнина Т.Д. Ассоциативные связи слова как основа создания образа в произведениях Саши Соколова: Автореф. дис. … канд. филол.наук. - М., 2006. - 24 с.

14. Бутенко Н.П. Словник асощативних норм украшськоу мови. - Львів: Вища школа, 1989. – 326 с.

15. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси: - Тошкент: Фан, 2007. – 278 б.

16. Български норми на словесни ассоциации (Под общата ред. Е.Герганова). - София: Наука и изкуство, 1984. - 272 с.

17. Волков В.В. Введение в психолингвистику: Пособие по спецкурсу. – Ужгород, 1994. – 202 с.

18. Воробьев В.В. Лингвокультурология (теория и методы). – М.: Изд-во Российского университета Дружбы народов, 1997. – 332 с.

19. Городецкая Л.А. Ассоциативный эксперимент в коммуникативных исследованиях // Вестник Российской коммуникативной ассоциации. Вып. 1. - Ростов н/Д: ИУБиП, 2002. - С. 28-37.

20. Горошко Е.И. Интегративная модель свободного ассоциативного эксперимента. - М.: Изд. группа «РА – Карабелла», 2001. – 320 с.

21. Горошко Е.И. К истории метода свободных ассоциаций // www.textology.ru.

22. Горошко Е.И. Описание механизмов ассоциирования и проблема классификации реакции // Интегративная модель свободного ассоциативного экспремента // www.textologu.ru

23. Горошко Е.И. Языковое сознание (ассоциативная парадигма): Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – М., 2001. – 32 с.

24. Дебренн М., Романенко А.А. Французский ассоциативный словарь: В 2 т. / Новосиб. гос. ун-т. Новосибирск, 2010. URL:http:// dic-taverf.nsu.ru/dict.

25. Джамбаева Ж.А. Ассоциативный эксперимент: методологические основы // Л.Н. Гумилев атындағы ЕҰУ Хабаршысы. 2013. -№1. -С. 17-21.

26. Дмитрюк Н.В. Казахско-русский ассоциативный словарь // РАН. Ин-т языкознания, ун-т “Мирас”. – Шымкент; - М., 1998. - 245 с.

27. Ермолова М.В. Ассоциативные семантические модели выражения запрета в немецком языке (на материале пословиц и поговорок) // Известия Российского гос.пед.ун-та имени А.И.Герцена. 2009. - №106. – С.136-140.

28. Ждан А.Н. История психологии. От Античности до наших дней. http: // www.psychol -ok.ru.

29. Залевская А.А. Межъязыковые сопоставления в психолингвистике: Учебное пособие. - Калинин: КГУ, 1979. - 84 с.

30. Залевская А.А. Психолингвистическое исследование принципов организации лексикона человека (на материале межъязыкового сопоставления результатов ассоциативных экспериментов): Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. - М., 1980. – 32 с.

31. Залевская А.А. Слово в лексиконе человека (Психолингвистическое исследование). - Воронеж: Воронежский ун-т, 1990. - 205 с.

32. Залевская А.А. Введение в психолингвистику. М.: Российск. гос. гуманит. ун-т, 1999. - 382 с.

33. Залевская А.А. Психолингвистические исследования: Слово. Текст: Избранные труды. - М.: Гнозис, 2005. – 543 с.

34. Заморщикова Л.С., Романенко А.А. Ассоциативный словарь якутского языка. http://adictsakha.nsu.ru

35. Золотова Н.О. Специфика ядра лексикона носителя английского языка (на материале «Ассоциативного тезауруса английского языка»): Автореф. дис. канд. филол. наук. - Одесса, 1989. - 27 с.

36. Золотова Н.О. «Картина мира» и ядро лексикона носителя английского языка. // Проблемы семантики: психолингвистические исследования. - Тверь, 1991. - С. 42-43.

37. Золотова Н.О. Ядро ментального лексикона: функциональная роль в познании и общении // Вопросы психолингвистики. № 1. - 2003в. - С. 35-42.

38. Золотова Н.О. Ядро ментального лексикона человека как естественный метаязык: Автореф. дис. … д-ра филол. наук. – Тверь: 2005. – 32 с.

39. Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Филол. фан. док. … дисс. автореф. – Тошкент. 1999. – 49 б.

40. Искандарова Ш., Ҳошимова Н. Нутқ жараёнида ассоциацияларнинг воқеланиши // АнДУ. Илмий хабарлар. - Андижон, 2010. - № 2. - Б. 85-88.

41. Караулов Ю.Н. Ассоциативный анализ: новый подход к интерпретации художественного текста. – М., 1999б.

42. Караулов Ю.Н. Показатели национального менталитета в ассоциативно-вербальной сети // Языковое сознание и образ мира. - М.: Институт языкознания РАН, 2006. - С. 191 -206.

43. Караулов Ю.Н. Русский ассоциативный словарь как новый лингвистический источник и инструмент анализа языковой способности // Русский ассоциативный словарь. Книга 1. (Ю.Н. Караулов, Ю.А. Сорокин, Е.Ф. Тарасов, Н.В. Уфимцева, Г.А. Черкасова. - М.: Помовский и партнеры, 1994б.) - С. 191 - 218.

44. Караулов Ю.Н. Активная грамматика и ассоциативно-вербальная сеть. – М.: ИРЯ РАН, 1999а. – 180 с.

45. Караулов Ю.Н. Ассоциативная грамматика русского языка. Изд.2 – М.: УРСС, 2010. – 328 с.

46. Клименко А.П. Лексическая системность и ее психолингвистическое изучение. Учебное пособие. - Минск: Изд-во Минского пед. ин-та иностр. яз., 1974. – 193 с.

47. Клименко А.П. Третий тип словесных ассоциаций и виды семантической связи между словами в системе // Романское и германское языкознание. Вып. 5. – Минск, 1975. – С. 52.

48. Конева Е.А. Специфика функционирования паронимов в ментальном лексиконе (экспериментальное исследование): Автореф. дисс. … канд. филол.наук. – Курск. 2010. – 23 с.

49. Кочеткова Е. «Языковые средства выражения негативной оценки мира и человека в поэзии Игоря Северянина». http:// www.poet-severyanin.ru/library/yazikovie-sredstva-virazheniya 27.html

50. Крушевский Н.В. Очерк науки о языке. - Казань, 1883. – 148 с.

51. Кузнецова И.Н. Теория лексической интерференции: Автореф. дисс. … д-ра филол.наук. – М., 1998 // cheloveknauka.com

52. Кузнецова Л.Э. ЛЮБОВЬ как лингвокультурный эмоциональный концепт: ассоциативный и гендерный аспекты: Дис. … канд. филол. нук. – Краснодар, 2005. http://31f.ru/ dissertation/page.

53. Леонтьев А.А. Общие сведения об ассоциациях и ассоциативных нормах // Словарь ассоциативных норм русского языка. - М.: МГУ, 1977. – С. 3-16.

54. Леонтьев А.А. Основы психолингвистики. - М.: Смысл, 1999. – 287 с.

55. Локк Ж. Опыт о человеческом разумении. В 4-х томах. (Перевод с анг. А.Н.Савина). – М.: Мысль, 1985. - С. 450-459.

56. Лурия А.Р. Речевые реакции ребенка // Речь и интеллект в развитии ребенка. – М., 1927 а.

57. Лурия А.Р. Язык и сознание. – М.: Изд-во МГУ, 1979. – 319 с.

58. Мартинович Г. А. Вербальные ассоциации и организация лексикона человека // Филологические науки. – М., 1989. - № 3. – С. 39-45.

59. Мартинович Г.А. Вербальные ассоциации в ассоциативном эксперименте. СПб., 1997. http://davaiknam.ru/text/ g-a-martinovich-verbalenie-associacii-v-associativnom-ekspe-rim -page-5

60. Мартинович Г.А. Опыт комплексного исследования данных ассоциативного эксперимента // Вопросы психологии. – М., - 1993. - № 2. - С. 93-99.

61. Мартинович Г.А. Типы вербальных связей и отношений в ассоциативном поле // Вопросы психологии. – М., 1990. – № 2. – С. 143-146.

62. Маҳмудов Н., Одилов Ё. Сўз маъно тараққиётида зиддият. – Тошкент: Akademnashr, 2014. – 284 б.

63. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. - Тошкент: Маънавият, 2013. – 319 б.

64. Мустайоки А. О лингвистических экспериментах // Язык – система. Язык – текст. Язык – способность. (К 60-летию члена-корреспондента Российской академии наук Ю.Н.Караулова). Российская академия наук. инс.рус. языка им. В.В.Виноградова. – М.: Наука, 1995. - С.155-160.

65. Муҳамедов С. Ўзбек тилининг алфавитли частотали луғати. –Тошкент: Фан, 1982. - 88 б.

66. Новикова А.М. Ассоциативные поля в языке и в структуре художественного текста: Автореф. дис. … канд. филол. наук. - М., 1998.

67. Нурмонов А. Лингвистик таълимотнинг янги босқичи. Танланган асарлар. III жилд. - Тошкент: Akademhashr, 2012. – 376 б.

68. Нурмонов А. Парадигма ва унинг оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ)га муносабати. Танланган асарлар. III жилд. - Тошкент: Akademhashr, 2012. – 376 б.

69. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари («Лингвистика» йўналишидаги магистрлар учун ўқув қўлланма). – Андижон. 2006. – 182 б.

70. Нурмонов А., Искандарова Ш. Тилшунослик назарияси. – Тошкент: Фан, 2008. – 175 б.

71. Овчинникова И.Г. Ассоциация и высказывание: Структура и семантика. - Пермь, 1994. – 124 с.

72. Овчинникова И.Г. Текстообразующая роль вербальных ассоциативных структур: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Л., 1986 б. - 23 с.

73. Осипов Я.В. Методологическое значение ассоциативного эксперимента К.Юнга в разработке А.Р.Лурии основ реактологической теории аффективного поведения // Вестник Северного (Арктического) федерального университета. Серия: Гуманитарные и социальные науки. – 2011. -№1. – С.123-127.

74. Основные направления психологии в классических трудах. Ассоциативная психология. Г.Эббингауз. Очерк психологии. А. Бэн. Психология. - М.: ООО «Издательство АСТ-ЛТД», 1998. - 544 с.

75. Основные направления психологии в классических трудах. Ассоциативная психология. Г.Спенсер. Основания

психологии. Т. Циген. Физиологическая психология в 14 лекциях. М.: ООО «Издательство АСТ-ЛТД», 1998. - 560 с.

76. Покровский М. М. Избранные работы по языкознанию. – М., – 1959. – 145 с.

77. Потебня А.А. Мысль и язык. - Харьков, 1892. – 228 с.

78. Психологический словарь (ПС) / Под ред. В.П.Зинченко, Б.Г.Мещерякова. - М.: Педагогика-Пресс, 1996. – 440 с.

79. Русский сопоставительный ассоциативный словарь. URL: http://www.philippo-vich.ru/ Projects/ASIS/RSPAS/zapusk.htm

80. Русский ассоциативный словарь /Сост. Ю.Н.Караулов, Ю.А. Сорокин, Е.Ф.Тарасов, Н.В.Уфимцева, Г.А.Черкасова. Т. 1–2. -М., 1994-1998. URL: http:// www.tesaurus.ru/dict/ dict.php.

81. Русский ассоциативный словарь. В 2 т. Т.2. От реакции к стимулу / Ю.Н.Караулов, Г.А.Черкасова, Н.В.Уфимцева, Ю.Н.Сорокин, Е.Ф.Тарасов. – М.: ООО «Издательство Астрель». 2002. – 992 с.

82. Русский ассоциативный словарь: В 2 т. Т. 1. От стимула к реакции: Ок. 7000 стимулов / Караулов Ю.Н., Черкасова Г.А., Уфимцева Н.В. и др. - М.: ООО «Издательство Астрель»: ООО «Издательство АСТ», 2002. - 784 с.

83. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. - Жиззах: Сангзор, 2006. – 91 б.

84. Сахарный А.А. Введение в психолингвистику: Курс лекций. - Л.: Изд-во ЛГУ, 1989. – 184 с.

85. Славянский ассоциативный словарь: русский, белорусский, болгарский, украинский / Н.В.Уфимцева, Г.А. Черкасова, Ю.Н. Караулов, Е.Ф. Тарасов. - М., 2004. - 792 с.

86. Слобин Д., Грин Дж. Психолингвистика. - М.: Прогресс, 1976. – 352 с.

87. Словарь ассоциативных норм русского языка / Под ред. А.А. Леонтьева. - М., 1977. – 192 с.

88. Соссюр Ф. Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977. - 696 с.

89. Тер-Минасова. Язык и межкультурная коммуникация. – М.: Слово/SLOVO. 2000. – 624 с.

90. Титова А.И. Устойчивые ассоциации лексем в некоторых славянских языках: Дис. канд. филол. наук. - Минск, 1975. - 120 с.

91. Титова Л.Н. Киргизско-русский ассоциативный словарь. - Фрунзе: Мектеп, 1975.

92. Титова Л.Н. Психолингвистический анализ словесных ассоциаций в русском и киргизском языках: Автореф. дис. … канд. филол. наук. - М., 1977. – 15 с.

93. Ульянов Ю.Е. Латышско-русский ассоциативный словарь. - Рига: Зинантне, 1988. – 187 с.

94. Уфимцева Н.В. Грамматический аспект ассоциаций // Словарь ассоциативных норм русского языка. - М.: МГУ, 1977. - С. 33-38.

95. Уфимцева Н.В. Опыт экспериментального исследования развития словесного значения // Психолингвистические проблемы семантики. – М., 1983. – С. 140-180.

96. Философский энциклопедический словарь. 2010. http://dic. academic. ru /dic. nsf /enc_philosophy/1789.

97. Хошимова Н.А. Прагматические аспекты при исследовании ассоциаций // Вестник МГОУ. Серия «Русская филология». 2011. - № 6. – С. 91-93.

98. Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2015. – 240 б.

99. Худойберганова Д., Анданиязова Д. Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Turon zamin ziyo, - 131 б.

100. Цітова А.І. Асацыятыўны слоўнік беларускай мовы. – Мінск, 1981.

101. Черкасова Г.А. Русский сопоставительный ассоциативный словарь. - М.: ИЯз РАН, 2008.

102. Шамсиддинов Ҳ. Кўрув хотира тасаввури ассоциацияси асосида юзага келган номлар // Тилшуносликнинг долзарб масалалари (Илмий мақолалар тўплами). III қ. – Тошкент. 2006. – Б.19-21.

103. Швецова В.М. Основные направления в изучении вербализованных ассоциаций в лингвистике // Актуальні проблеми філології. - Івано-Франківськ, 2013. – С. 73-76.

104. Ярошевский М.Г. История психологии. От античности до середины XX века: учеб. пособие. - М.: Издат. центр «Академия», 1997. - 416 с.

105. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006-2008.

106. Carrol David W. Psychology of Language. - California, 1998. - P. 68-100.

107. Cofer Ch. N. Associative Commonality and Rated Similarity of Certain Words from Haagen's List // Psychological Reports, 1957, v.3. – P. 603- 606.

108. Deese J. The structure of associations in language and thought. – Baltimore, MD: Johns Hopkins Press. 1965. – P. 216.

109. Dictionnaire des associations verbales de la langue francaise// Дебренн М. Французский ассоциативный словарь: в 2 т. / Новосиб. гос. ун-т. Новосибирск, 2010. Т.1. От стимула к реакции. - 252 с.

110. Dictionnaire des associations verbales de la langue francaise // Дебренн М. Французский ассоциативный словарь: в 2 т. / Новосиб. гос. ун-т. Новосибирск, 2010. Т.2. От реакции к стимулу. - 449 с.

111. Experimental Psychology. Vol. II. / Ed. by J.W. King and L.A. Riggs. Holt, Rinehart and Winston Inc., 1972. - 740 p.

112. Galton F. Psychometric Experiments // Brain. 1880. - No. 2. - P. 149-162.

113. Gerganov E., Kyuchukov H. Word associations in Romani: some prototypes in cross-cultural perspectives // Psychology of Language and Communication 2005. Vol. 9. - No. 2. – P. 53-58.

114. Kent G.H., Rosanoff A.J. A Study of Association in Insanity // American Journal of Insanity. 1910. – N. 67. – P. 317– 390.

115. Kiss G.R., Armstrong C., Milroy R. The Associative Thesaurus of English. - Edinburg, 1972. Press URL: http://www.eat.rl.ac.uk

116. Kiss G.R., Armstrong C., Milroy R. The Associative Thesaurus of English. Edinburgh: Univ. of Edinb., MRC Speech and Communication Unit, 1972. - 1539 p.

117. Kiss G.R., Armstrong C., Milroy R., Piper J. An Associative Thesaurus of English and its Computer Analysis // The Computer and Literary Studies. Edinburgh. - 1973b. - P. 153-165.

118. Louise F.Spiteri. Word association testing and thesaurus construction: Defining inter-term relationships. School of Library and Information Studies, Dalhousie University Halifax, Nova Scotia. CAIS/ACSI. 2002. – P. 24-33.

119. Miller G. A. Language and Communication. - New York; Toronto; - London. - 1963. - 288 p.

120. Nielsen M.L. The word association test in the methodology of thesaures construction. In proceeding of the 8th ASIS SIG/CR Classification Research Workshop. Washington, DC: American Society for Information Science, 1997. – P. 43-58.

121. Postman L., Keppel G. (eds.). Norms of Word Association. – New York and London: Academic Press, 1970. – 943 p.

122. Rosh E. Cognitive Representation of Semantic Categories // Journal of Experimental Psychology. - Geneve, 1975. - Vol. 104. - P. 192-233.

123. Sanchez Puig M., Karaulov Yu., Cherkasova G. Normas asociativas del espanol y del ruso. Moscu – Madrid, 2000. - 496 p.

124. The present version of The Edinburgh Associative Thesaurus (ZIP, 2.7M) http://tesaurus/ru/dict/dict.php

125. Wettler M. & Rapp R. Computation of word associations based on the cooccrrence of words in large corporations. 1996. Accessed 03/19/2002. http://www.fask.unimainz.de/user /rapp/ wvlc93/ latex2html/ wvlc93.html

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....3
I. Тилга ассоциатив ёндашув: моҳияти, шаклланиш тарихи.....5
II. Ассоциатив муносабат, вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши, лингвистик моҳияти.....16
III. Вербал ассоциациялар таснифи.....31
IV. “Ассоциатив майдон” тушунчаси.. 58
V. Вербал ассоциацияларнинг матн ҳосил қилишдаги ўрни.....64
VI. Матннинг ассоциатив майдони.....73
VII. Ассоциатив тажриба методи.....80
VIII. Ассоциатив луғатлар – тил эгалари лексик заҳирасининг кўзгуси.
1. Ассоциатив луғатларнинг тузилиши.....93
2. Ассоциатив луғатларни яратишда юзага келадиган муаммолар.....100
3. Ассоциатив луғатларнинг амалий аҳамияти.....101
IX. Ассоциатив майдон бирликлари таҳлили.....107
Умумий хулосалар.....124

Илмий-оммабоп нашр

Д.Э.ЛУТФУЛЛАЕВА

АССОЦИАТИВ ТИЛШУНОСЛИК НАЗАРИЯСИ

Рассом: **Шухрат Мирфаёзов**
Мусаҳҳиҳа: **Нилуфар Мавлонова**
Тех.муҳаррир: **Барно Юсупова**

Нашр лиц. AI № 104, 15.07.2008 йил. Теришга 10.04.2017 йилда берилди. Times New Roman гарнитурасида терилди. Босишга 15.05.2017 йилда рухсат этилди. Қоғоз ўлчами 84x108 $^{1}/_{32}$. Офсет босма. Шартли босма тобоғи 8,75. Адади 300 нусха. Буюртма № 49. Баҳоси келишув асосида.

«PERFECT PRINT SERVICE» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Кичик халқа йўли кўчаси, 2-“А” уй.
Тел.: +99890 321-43-31.